

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ  
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Директори\_\_\_\_\_

И.М.Тўхтасинов

“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил

**“ТАРЖИМА УСЛУБИЯТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: проф., ф.ф.д. З.Худайбергенова

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

<b>ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....</b>	<b>9</b>
<b>1-МАВЗУ: СТИЛИСТИКА ЛИНГВИСТИК ФАН СИФАТИДА.....</b>	<b>9</b>
<b>2-МАВЗУ: ШАРҚ ТИЛЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СТИЛИСТИКАСИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>17</b>
<b>3-МАВЗУ:ТАРЖИМА ТУШУНЧАСИ ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК СОҲАСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....</b>	<b>39</b>
<b>4-МАВЗУ: ТАРЖИМА УЧУН МАТНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ.....</b>	<b>43</b>
<b>5-МАВЗУ: ТАРЖИМА БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАРЖИМА ТУРЛАРИ.....</b>	<b>54</b>
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>66</b>

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Серқүёш Ўзбекистонимиз истиқоли биз учун улкан имкониятлар эшигини очиш билан бирга, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар қўйган. Таржима назарияси (таржимашунослик) дейилганда, одатда туржима жараёнининг қонуниятларини ўрганувчи фан назарда тутилади. Бунда тилларо мувофиқликни аниқлаш асосида асл ва таржима нусха асарларнинг қиёсий тадқики амалга оширилади, аниқ мантларни ўрганиш натижалари умумлаштирилиб, тизимга солинади. Шунингдек, таржиманинг усуллари ва услублари тавсифланади, маданият таракқиётидаги таржиманинг роли ва ўрни белгиланади.

Демак, таржима назарияси учун асосий тадқиқот обьекти асл ва таржима нусхалар ўртасидаги мутаносибликни ўрганиш, асл нусхада акс этган асосий мазмун ва уни китобхонга етказиш учун қўлланган шакллар нуқтаи назаридан асл нусха ва таржима нусха ўртасидаги умумийлик ва фарқлар аниқлаш бўлади. Ҳаттоқи қадимги давр таржимонлари учун ҳам таржиманинг асл нусха матнига яқинлик даражаси долзарб бўлган. Айrim таржимонлар таржимадаги эркинликни асл нусха мазмунини бериш зарурияти билан асослашган.

Табиийки, узок-яқиндаги хорижий дўст-у биродарларимиз, жаҳон жамоатчилиги, энг аввало, бизнинг замонавий адабиётимиз ва миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлмоқда”<sup>1</sup>.

Мазкур дастурда шарқ тилларидан она тилига, она тилидан шарқ тилларига таржима килишнинг назарий ва амалий қарашлари, таржима усуллари ва моделлари, илмий, расмий, бадиий, публицистик ва сўзлашув услубидаги матнларни таржима қилиш услублари, ёзма ва оғзаки таржима усуллари, таржиманинг ҳар хил моделлари ҳақидаги маълумот баён этилган

“Тарихдан ва фаннинг ҳозирги тараққиётидан шу нарса яққол кўринадики, ривожланаётган жамият таржимага қулай шароит яратиб, унга кенг йўл очиб беради. Ўз навбатида, фан, техника ва маданиятнинг юксалиши таржима ишининг тараққиёти билан узвий боғлиқдир”<sup>2</sup>.

Юзлаб тилларда яратилган бадиий асарлар ўзаро адабий алоқалар воситасида миллий адабиётларни бойитади. Бунда бадиий таржиманинг аҳамияти улкандир. Зоро, ҳар қандай миллий адабиётнинг салмоқли қисмини бадиий таржима маҳсулотлари ташкил этади. Таржима асарларининг бадиий қимматини белгилашда эса таржима назарияси ва танқидининг ўрни бекиёс. Таржиманинг сифати ва савияси, таржимоннинг оригинал асарни қайта яратишдаги маҳоратини ўрганиш ҳар доим таржимашуносликнинг долзарб муаммоларидан бўлиб келган.

Таржимон маҳорати қирраларини тадқиқ этиш асар таржимасининг сифати ва бадиий савиясини белгилашга имкон беради. Таниқли ўзбек адиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад хикояларининг туркча таржимасида ёзувчи услубининг берилиши мавзусига бағишланган битирув малакавий ишимиз айнан давр талабига мос равишда амалга оширилганлиги ва таржима назарияси ва амалиёти олдига қўйилаётган талабларга мувофиқ холда бажарилганлиги билан долзарбдир.

Ушбу дастурда таржима ва таржимашунослик соҳасининг асосий тушунча ҳамда атамалари, стилистика фанининг проблематикаси ва методологияси, таржима назарияси ва амалиёти ҳамда стилистика фанининг узвий алоқаси, матн тушунчаси, матннинг турлари, таржимадаги муқобиллик масаласи, аслият ва таржима матнларидағи муқобилликнинг матн усулубига боғлиқлиги каби масалалар баён этилган.

<sup>1</sup>Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.—Т.Маънавият, 2008. —Б.138-139.

<sup>2</sup>Саломов Ф. «Таржима назариясига кириш» Ўқитувчи – 1978. Б. 21

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Таржима услубияти” модулининг **мақсади** шарқ тиллари бўйича таржима назарияси ва амалиёти ҳақидаги билимларини ривожлантириш, турли услубдаги матнларни таржима қилиш малакасини ривожлантириш, таржиманинг усуллари ва услубларини самарали кўллаш ҳақида ахборот беришдан иборат.

“Таржима услубияти” **модулининг вазифалари:**

- шарқ тилларидан она тилига, она тилидан шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий қарашлари, таржима усуллари ва моделлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш;

-тингловчиларнинг илмий, расмий, бадиий, публицистик ва сўзлашув услубидаги матнларни таржима қилиш қўнимларини ривожлантириш;

- ёзма ва оғзаки таржима усуллари, таржиманинг ҳар хил моделларини маълум бир аниқ матнлар ҳамда асарларни қиёслаб ўрганишга ва таҳдил этишга ўргатиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўнимаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

«Таржима услубияти» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

-матн ва таржима услубияти тушунчasi;

-таржима турлари ва услублari;

-ёзма ва оғзаки таржиманинг ўзига хос мураккабликлari;

-таржима матн турлari;

-таржима моделлari;

-шарқ тилларидан она тилига, она тилидан шарқ тилларidagi турли услубдаги матнлар таржимасини амалга оширишнинг асосий ўзига хос хусусиятлari;

-шарқ тилларидан она тилига, она тилидаги шарқ тилларига илмий, публицистик, сўзлашув ва бадиий услубдаги матнларни таржима қилиш ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

-ўз касбий фаолият соҳаларида турли типдаги матнларнинг ёзма ва оғзаки таржима қилиш;

-шарқ тилларidagi матнларни таржима қилиш учун тўғри таржима қилиш усулларини танлаш;

- шарқ тилларидан она тилига ёки она тилидан шарқ тилларiga қилинган таржималарни асл матн билан солиштириш, таржимон маҳоратини таҳдил қилиш;

- таржима асарларни асл матни билан солиштириб, таржимонлар йўл қўйган камчиликларни аниқлаш ва уларни таҳrir қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш **қўнимларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- шарқ тилларидан она тилига, она тилидан шарқ тилларiga турли услубдаги матнларни таржима қилиш;

- ёзма ва оғзаки таржима усулларини амалда тўғри кўллаш;

- шарқ тилларидан таржима қилиш муаммоларни аниқлаш;

- таржима асарларни асл нусхаси билан солиштириб таҳдил этиш;

- таржима асарларни мукаммаллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- таржима асарларни баҳолаш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- турли услубдаги асл ва таржима матнлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- илмий, публицистик, сўзлашув, расмий ва бадиий таржима матнларини асл матни билан солиштириб таржима қилиш;

- таржима қилинган турли услубдаги асарлар ҳақида хуносалар бериш;

- таржима назарияси бўйича берилган назарий билимларни амалиётда тўғри кўллаш юзасидан қарорлар қабул қилиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

«Таржима услубияти» курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курслари ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усувларини кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Таржима услубияти» модули мазмуни ўқув режадаги “Миллатлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таржима қилиш, таржимага ўргатиш бўйича касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ёзма ва оғзаки таржиманинг усувлари тўғри кўллаш, шарқ тилларидағи турли услубдаги матнларни она тилига таржима қилиш, таржима асарларни асл матнлари билан солишириб таҳлил этиш, таржиманинг муваффакиятили ва нуқсонли жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш, таржима қилиш бўйича тавсиялар беришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустакил таълим</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>		<b>Жумладан</b>	<b>Назарӣ</b>		
			<b>Жами</b>	<b>Назарӣ</b>				
1.	Стилистика лингвистик фан сифатида	4	4	-	4			
2.	Шарқ тилларининг функционал стилистикаси назарий асослари	4	4	-	4			
3.	Таржима тушунчаси ва таржимашунослик соҳасининг вазифалари	6	6	-	6			
4	Таржима учун матнлар ва уларнинг таснифи	8	6	-	6	2		
5	Таржима босқичлари ва таржима турлари	8	6	-	6	2		
	<b>Жами</b>	30	26	-	26	4		

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Стилистика лингвистик фан сифатида**

1. Стилистиканинг фан сифатида шаклланишининг илмий асослари
2. Стилистиканинг асосий йўналишлари
3. Стилистика проблематикаси
4. Захиралар стилистикаси

Стилистиканинг фан сифатида шаклланишининг илмий асослари. Стилистика предмети. Стилистиканинг асосий йўналишлари. Стилистика проблематикаси. Стилистика методологияси. Захиралар стилистикаси. Коннотация тушунчаси (стилистик бўёқ). Ўрганилаётган шарқ тилларининг тилининг стилистик захиралари.

### **2-мавзу: Шарқ тилларининг функционал стилистикаси назарий асослари**

1. Функционал услуг
2. Функционал услубнинг лисоний ва нутқий аспектлари
3. Шарқ тилининг функционал услублари.
4. Услубни шакллантирувчи омиллар ва услубий белгилари

Тилшуносликда «услуб» тушунчаси. Функционал услуг. “Функционал услуг” тушунчаси. Функционал услубнинг нутқий тизимлилиги. Функционал услубнинг лисоний ва нутқий аспектлари. Функционал услубларни ажратиш тамойиллари.

Функционал-услубий меъёр. Шарқ тиллариининг функционал услублари. Услубни шакллантирувчи омиллар ва услубий белгилари. Расмий услуг. Илмий услуг. Публицистик услуг. Сўзлашув услуби. Бадиий услуг.

### **3-мавзу: Таржима тушунчаси ва таржимашунослик соҳасининг вазифалари**

1. Таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти ва вазифалари.
2. Таржимашунослик соҳасининг йўналишлари.
3. Таржимашунослик бўлимлари.

Таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти ва предмети. “Таржима” таърифи. Таржимашунослик соҳасининг тараққиётида уч асосий йўналиши. Таржиманинг асл матнга муқобиллиги. Таржима назарияси ёки таржимашунослик соҳасига фан сифатида қўйиладиган вазифалар. Таржиманинг умумий назарияси. Таржиманинг хусусий назарияси. Таржиманинг маҳсус назарияси. Таржима назарияси ва амалиёти тарихи. Таржима танқиди. Машина таржимаси назарияси. Таржимага ўқитиш методикаси. Таржима социологияси. Таржима таҳрири. Таржима танқиди. Таржима практикологияси. Таржима дидактикаси.

### **4-мавзу: Таржима учун матнлар ва уларнинг таснифи**

1. Матн тушунчаси.
2. Тилнинг вазифалари
3. Матн таснифи
4. Таржима матнларининг услуг хусусиятлари
5. Аслият ва таржимада муқобиллик масаласи

Матн тушунчаси. Тилнинг уч вазифасидан – муроқот, хабар етказиш ва таъсир кўрсатиш вазифалари. Нутқий услублар Сўзлашув матнлари. Расмий иш матнлари. Ижтимоий-информатив матнлари. Илмий матнлар. Бадиий матнлар. Диний матнлар.

Муқобиллик муаммоси ва таржима килинаётган матн типи. Таржима назарияси ва амалиётида муқобиллик (эквивалентлик), адекватлик (айнилик), ўхшашлик. Бевосита синтактик трансформациялар. Синхрон таржима. Оғзаки таржима. Кетма-кет таржима. Расмий иш матнлари. Сўзлашув матнлари. Илмий матнлар. Шарқ тилларида тури услубдаги матнлар таржимаси. Матнлар таржимаси ва аслиятини солишириш, таржимон маҳоратини баҳолаш.

## **5-Мавзу: Таржима босқичлари ва таржима турлари Режа**

1. Таржима жараёни.
2. Таржима босқичлари.
3. Таржима турлари.
4. Таржимани моделлаштириш муаммолари.
5. Таржима услубларидан тўғри фойдаланиш.

Матнни қабул қилиш ва қайта тиклаш таржимонлик фаолиятининг босқичлари сифатида. Таржима босқичлари. Таржима жараёни қабул қилиш босқичи (цикли). Матн рецепцияси. Таржимагача бўлган қабул қилиш. Таржима пайтида маълум бир сўзлар, гаплар, жумлалар, абзацларни бевосита қабул қилиш босқичи. Матнни қайта тиклаш босқичи. Қайта ифодалаш ва идентификациялаш босқичлари. Таржимани моделлаштириш муаммолари. Таржима моделлари. Таржима моделларини таснифлаш. Ситуатив-денотатив модель, трансформацион модель ва семантическая модель. Таржима турлари. Трансформация. Транскрипция. Генерализация. Антонимик таржима.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини хисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
  - тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
  - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
  - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
  - тури услубдаги матнларни таржима қилиш;
  - таржима матнларни аслият билан солишириб, унинг муваффақиятли ва нуқсонли томонларини баҳолаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
4. Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.

7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демоқратик тараққиёт ва маърифий дунё билан хамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.

8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демоқратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.

9. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.

10. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демоқратик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

## **II. Меърий- ҳуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

## **III. Махсус адабиётлар.**

1. Бархударов Л. С. Язык и перевод /Вопросы общей и частной теории перевода). М.: Междунар. отношения, 1975.
2. Виноградов В. С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). — М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. — 224 с.
3. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: Учебное пособие. М.: ЭТС, 2002.
4. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: Курс лекций. М.: Изд-во «ЭТС», 1999.
5. Комиссаров В. Н. Теория перевода (Лингвистические аспекты). —М.: Высш. шк., 1990.
6. Латышев Л.К. Технология перевода: Учебное пособие по подготовке переводчиков. М.: НВИ-Тезаурус, 2000.
7. Миньяр — Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. М: Воениздат, 1980.
8. Петрова О. В. Введение в теорию и практику перевода. Н.Новгород: НГЛУ им. Н.А.Добролюбова, 2001.
9. Сдобников В.В. Теория перевода : [учебник для студентов лингвистических вузов и факультетов иностранных языков] — М.: АСТ: Восток—Запад, 2007. — 448 с.
10. Федоров А.В. Основы общей теории перевода (Лингвистические проблемы). 4-е изд., перераб. и доп. М.: Высшая школа, 1983.

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-мавзу: Стилистика лингвистик фан сифатида Режа

1. Стилистиканинг фан сифатида шаклланишининг илмий асослари
2. Стилистиканинг асосий йўналишлари
3. Стилистика проблематикаси
4. Захиралар стилистикаси

**Калит сўзлар:** Стилистика, тилнинг ифодавий воситалари, стилистик усуллар, коммуникация, стилистик эффект, стилистик хусусиятлари, коннотация. Стилистика, тил стилистикаси, нутқ стилистикаси, захиралар стилистикаси, стилистик бўёқли воситалар, экспрессив-эмоционал бўёқлар, функционал-услубий бўёқлар, сўз, шакл, конструксияларнинг ифода имкониятлари, семантик-функционал устама.тилнинг ифода воситалари, нутқий вазиятлар, услуг ва функционал услуг тушунчаси, тил услублари ва нутқ услубларининг ўзаро муносабати; лингвистик ва экстралингвистик воситалар, индивидуаллик, нутқ шакллари, стилистик меъёр, диахронлик ва синхронлик муаммоси. диахронлик ва синхронлик муаммоси, тилнинг ифода воситалари, лингвистик ва экстралингвистик воситалар, индивидуаллик, нутқий вазиятлар, услуг ва функционал услуг тушунчаси, тил услублари ва нутқ услубларининг ўзаро муносабати; нутқ шакллари, стилистик меъёр.

Аристотел ҳар қандай мураккаб объект икки томондан - тузилиши ҳамда функциялари жиҳатидан ўрганилиши кераклигини эътироф этган. Худди шу фикрнинг тилга нисбатан татбиғи XIX асрнинг бошида В. Гумболт (1767-1835) томонидан илгари сурилган. Унинг қайд этишича, тил бирликларининг йифиндиси (В. Гумбольдтга кўра, –омборхона, маҳсулот) ва тилнинг кўлланилиши, фаолиятини (епеггея) бир-бираидан фарқлаш даркор. Тилда икки аспект – тил тизими ва унинг фаолиятининг фарқланиши тилшунослик тарихидаги энг катта кашфиётлардан биридир. Аммо деярли XX ярмигача бўлган даврда тилшунослик тил тизимини, унинг тузилишини ўрганишга асосий эътиборини қаратди. Тавсифий лингвистика: фонетика, грамматика (морфология ва синтаксис), лексикология, фразеология, сўз ясалиши, яъни маълум бир аниқ тил бирликлари ва категориялар таркибини ўрганувчи соҳалар ривожланди. Масалан:

- 1) Тил тизимининг турли қатламларида кўлланувчи тил бирликлари: фонетик, лексикологик (шу жумладан, фразеологик ва сўз ясалиши), морфология ва синтактик бирликлар таркиби;
- 2) Турли даражалардаги тил бирликларини бирлаштирувчи грухлар ва категориялар (масалан, замон грамматик категорияси ва ҳоказо.)
- 3) Тил тизими доирасида тил бирликлари ва категорияларининг ўзаро муносабати.

Привард натижада XX асрда «еггон - епеггея» бирлигининг факат бир томони, яъни тилнинг структур-систем аспектигина етарли даражада ўрганилди.

Аммо, Г.О. Винокур қайд этганидай, тил мuloқот воситаси бўлганлиги сабабли «тил тузилиши муаммоси билан бир ўринда тилни кўллашнинг муаммоси ҳам бор» (Винокур Г.О., 1959), Тавсифий тилшунослик тилнинг ижтимоий табиати ва унинг коммуникатив вазифасини деярли эътиборсиз қолдиради.

Тилнинг ижтимоийлиги биринчи навбатда унинг инсон фаолияти ва мулокоти билан боғлиқлигига кўринади. А.А. Леонтьевнинг эътирофича, «тил инсоннинг специфик фаолияти маҳсали сифатида майдонга чиқади» (Леонтьев А.А., 1999). Тилнинг энг мухим ижтимоий вазифаси – коммуникативлиги айнан тилни мулокот воситаси ўлароқ кўллаш натижасида юзага чиқади.

Мулокот ва мушоҳадани таъминловчи тилнинг специфик белгиси тушунча ва нарсаларни товуш ва график қобикка ўраб қайд этиш қобилиятидир

Аммо тил таркибини билиш коммуникатив вазифани адо этиш учун етарли эмас.

Маълумки, чет тили сўзларини билиш тўлақонли сұхбат учун етарли бўлмайди. Алоҳида олинган тил бирлиги, ҳаттоқи тилнинг бутун тизими коммуникатив функцияни реаллашириш учун етарли эмас. Тил бирликлари ва тил системаси қисман бу функцияга эга. «Сўзловчи амалда ҳеч қаҷон сўзни барча маънолари ҳажми билан қўлламайди, балки маҳаллий контекстда реаллашувчи маъносини ишлатади (Фрумкина Р.М., 1999). Сўз маъноси мулоқот жараёнида нутқий вазият, мулоқот шарт-шароити, доирасига боғлиқ равишда контекст билан аниқлаштирилади. Масалан, “мен кетдим” гапида ўтган замон ҳам, ҳозирги замон ҳам, келаси замон ҳам англашилиши мумкин. «Тил бирликлари ёрдамида сўзловчилар факат бир-бирига яқин маъноларни назарда тутадилар» (Кожина М.Н., 1993). Румин тадқиқотчиси Т. Слама-Казаку асосли қайд этганидай: «Мулоқотнинг парадокси шундаки, сўзловчи маълум бир тилда ўз фикрини ифодалаш ва уни ҳеч ким тушунмаслиги мумкин». Нутқдаги гапларнинг мазмуни уни тузища ишлатиладиган тил бирликларининг механик йифиндисига тенг эмас. Мулоқот - ижодий жараён, айни пайтда у меъёрга солинган бўлиши мумкин. Коммуникация жараёнида эффективлик ва ифодавийликка эришишга интилиш тилнинг функционал аспекти билан боғлиқ. Айнан тилнинг фаоллиги даврида нутқка сифат, аниқлик, равонлик, мақсадга мувофиқлик, ифодавийлик бахш этувчи тил воситаларининг семантик-стилистик имкониятлари юзага чиқади.

Тилни функционал аспектда ўрганиш зарурияти XX асрнинг бошларида И.А. Бодуен де Куртене, Е.Д. Поливанов, Л.П. Якубинский, кейинроқ В.В. Виноградов, Г.О. Винокур каби тилшунослар томонидан эътироф этилади.

XX асрнинг 20-30-йилларида стилистика тилнинг коммуникатив аспекти, яъни уни қўллаш масаласи билан алокадор фан сифатида шаклана бошланди. Тилшунослар тил структурасини ўрганишдан унинг динамик аспектда тадқиқ этишга ўтишади.

Стилистикани XX асрнинг бошларида алоҳида фан сифатида шакланишига асосан қўйидаги З омил замин яратди:

- 1) Тил ва нутқни фарқлаш ғояси илгари сурилди, натижада тилнинг функционал жиҳатига эътибор қаратилди;
- 2) адабий тил ва меъёр тушунчалари ишлаб чиқилди ( В. Матезиус, В. Гавранека, Э. Косериу, В.В. Виноградов). Услуб тушунчаси меъёр билан боғлиқ адабий тил тушунчасидир. Шунинг учун ҳам адабий тил, стилистика ва нутқ маданияти тарихи деярли бир пайтда пайдо бўлган;
- 3) тилнинг системлилиги ҳақидаги ғоя ишлаб чиқилди, бу стилистика учун ҳам мухим, зеро, услуб систем тушунчадир.

Қайд этилганидек, тавсифий ва функционал-коммуникатив тилшуносликнинг тадқиқот обьекти битта, аммо предмети фарқлидир.

Стилистика - функционал-коммуникатив лингвистиканинг соҳаси бўлиб, тилни ҳаракатда ўрганади ва мулоқотнинг турли шарт-шароитларида (эмоцияларни ифодалаш, маълумот етказиш ва ҳок.), ҳар хил соҳаларда турли коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш учун тилнинг бирликлари ва категорияларидан қандай фойдаланишни ўргатади.

Стилистика қўйидагиларни ўрганади:

- 1) тилнинг коммуникация мақсадида қўлланилиш шакллари;
- 2) у ёки бу тил воситаларини коммуникациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда фаолияти усуллари;
- 3) аниқ матнда ёки мулоқотнинг муаяйн шароитларида тил воситаларининг ўзаро муносабати.

**Стилистика предмети.** Стилистиканинг предметини аниқлаш учун, аввало, қўйидаги саволга жавоб бериш керак: **стилистика тил тизимида алоҳида сатҳми? Агарда алоҳида сатҳ бўлса, унинг бирлиги нима?**

Мавжуд нуқтаи назарларнинг бирига караганда, стилистиканинг асосий бирлиги тилнинг ифодавий воситалари ва стилистик усуллардан иборат (Галперин И.Р., 1981).

Бу назарий қарашга қўшилиш ёки қўшилмаслик учун стилистик усулларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз: .

1. Стилистик усуллар нутқда, яъни тилнинг фаолияти жараёнида яратилади ва ишлатилади.
2. Стилистик усуллар турли коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш учун яратилади.
3. Стилистик усуллар:
4. Таркибий тузилишига кўра стилистик усуллар лексик-семантик, ясама ёки қўшма сўз шаклидаги, фразеологик, грамматик (шу жумладан, синтактик), шунингдек, матнга хос (гапдан катта бирликлар), масалан, композицион бирликлар учун ишлатилади. Яъни стилистик усуллар тилнинг турли сатҳларига хос бўлган (биринчи навбатда лексик ва синтактик), тил харакатдалигида юзага чиқадиган, турли ҳажмдаги, ҳар хил тил бирликлари ва ҳодисаларидан ташкил топади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади, стилистик усуллар алоҳида сатҳни ташкил эта олмайди. Бу воситаларнинг барчаси нутқнинг ягона вазифаси – фикр ифодалашнинг самарадорлигига қаратилганлиги вазифаси билан бирлашади.

Стилистик ҳодисалар айнан нутқда, матнда реаллашганлиги сабабли, стилистик даражани матн даражаси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, стилистик бўёқлар нутқ жараёни контекстида аниқлашади. Контекст сўзга нейтраллик ёки янгича, ўзгача мазмун, янги (окказионал) бўёқ баҳш этиши мумкин. (Киёсланг: *Аферин! Япасиғини яптин!*)

Услуб матн билан боғлиқ. Аммо матн фақатгина услубда рўёбга чиқадиган материалдир. Стилистик анализ нутқ қобиғининг сўзловчи (муаллиф)нинг мақсади, нияти, нутқ мазмунини тингловчи, яъни матн ўзига хос равищда услуб “жо этиладиган жой”. Матн бирликлари ва категориялари (усуллар, услублар, крмпозиция кўринишлари, нутқнинг функционал-маъновий типлари) услубни реаллаштирувчи воситалардир (Кожина М.Н., 1993).

Услуб матннинг хусусиятларидан биридир<sup>3</sup>. Матндан ташки бўлган ёки стилистик нейтрал матн бўлмайди. Демак, матн тил тизимида алоҳида стилистик даражани ҳосил қилмайди.

Шундай қилиб, тил иерархиясида алоҳида стилистик сатҳ йўқ. Г.О. Винокур қайд этганидай, «...стилистика... бир пайтнинг ўзида тил структурасини кўндалангига ўрганади,... аммо ўзгача бир нуқтаи назардан таҳдил этади». Мана шу “Ўзгача бир нуқтаи назар” стилистика учун унинг ўз предметини ҳосил қиласди» (Винокур Г.О., 1959).

Мазкур “Ўзгача бир нуқтаи назар” қуйидаги саволларга жавоб беради:

- тил тизимининг турли сатҳларига хос бирликлар ва воситаларнинг ифодавийлик имконияти қандай?

• Коммуникациянинг мақсад ва вазифларидан келиб чиқсан ҳолда тил воситаларини танлаш ва кўллашнинг қонуниятлари нимларадан иборат?

Ю.М. Лотман стилистиканинг нисбатан образли ва тўлиқ таърифини берган: «Ҳар қандай семиотик тизим (тил) иерархик структурага эга. Семантик нуқтаи назардан қаралганда, бу иерархиклиқ тилнинг мазмуний майдонига ўзаро боғлиқ, алоҳида ўзига хос, айни пайтда ўхшашибликни сақлаб қолган кичик майдонларга бўлинишида кузатилади. Бундай тизимни мусиқий асбоблар, масалан органнинг регистрларига ўхшатиш мумкин. Бу каби асбобларда бир мусиқанинг турли регистрларда чалиш мумкин. Бунда мусиқа мусиқий ўхшашибликни сақлаб қолади, аммо регистр бўёқлари ўзгаради. Агар бирон-бир нотага диққат қилсан, барча регистрлар учун бир хилда аҳамиятга эга бирликини кўрамиз. Турли регистрлардаги айни бир хил ноталарнинг қиёси, бир томондан, уларнинг бир хиллиги, иккинчи томондан, у ёки бу регистрда фарқланиши кузатилади. Биринчи ҳолат семантикага тааллуқли, иккинчи ҳолат стилистикага.

Шу тариқа, стилистика, биринчидан, айни бир семантик мазмунни камида икки турли шаклда ифодалаш мумкин бўлганида, иккинчидан, ушбу икки шаклнинг ҳар бири муайян бир иерархик боғлиқ гурӯхга оид “хотира”ни фаоллаштирганида, майдонга чиқади. Агар

<sup>3</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: В.Е. Чернявская. Интерпретация научного текста. - М., 2006, с. 11-18

икки турли шакл айни бир мазмунни билдирса, стилистик эфект юзага чиқмайди.

Демак, стилистиканинг тадқиқот предмети бўлган тил тизимининг турли сатҳлари бирликлари ва воситалари, уларнинг ифодавийлик имконияти, стилистик хусусиятлари (коннотация), шу билан бирга, тилни турли доираларда ҳамда турли мулоқот шароитларида қўллаш қонуниятлариидир.

### **Стилистиканинг асосий йўналишлари**

Стилистикани фан сифатида шаклланишига асос солган олимлардан бири бўлган Ш. Балли уч турдаги стилистика мавжудлигини қайд этган.

«Умумий стилистика» умуман нутқ фаолиятининг стилистик муаммоларини ўрганади. «Хусусий стилистика» алоҳида олинган муайян бир миллий тил стилистикаси масалалари билан шуғулланади, «индивидуал стилистика», индивидуал нутқнинг экспрессив хусусиятларини таҳлил этади (Балли Ш, 1961).

В.В. Виноградов тилшуносликда стилистиканинг ўзаро бир-бирига боғлиқ уч кўринишини ажратилади:

- 1) тил стилистикаси;
- 2) нутқ стилистикаси;
- 3) бадиий асар стилистикаси (индивидуал стилистика) (Виноградов В.В., 1981).

Замонавий стилистика стилистик тадқиқотларнинг икки асосий тарихий шаклланган йўналишлар (аспекти)ни ажратади.

**«Захиралар стилистикаси»** - тилнинг стилистик имкониятлари захираларини, яъни тилнинг стилистик бўёкли воситалари (экспрессив-эмоционал ва функционал-услубий бўёклар), сўз, шакл, конструкцияларнинг ифода имкониятлари ва семантик-функционал устами маънолари, тасвирий ифода воситаларини ўрганувчи йўналишларидир.

Бу йўналиш анъанавий йўналиш бўлиб, уни **тавсифий, аналитик ёки структур** стилистика, деб номлаш мумкин. Бу йўналишнинг марказий аспектларидан бири – тил тизимининг турли сатҳларидаги, масалан, фонетик; лексик; сўз ясалиши ва ҳоказо сатҳлардаги стилистик синонимиялардан иборат бўлади.

Стилистик захиралар тадқики адабий тилнинг икки шаклига – ёзма ва оғзаки шаклига бевосита боғлиқ.

Адабий тилнинг ёзма шакли “китоб жанрлари”да қўлланиладиган тил воситаларига оид. Аввал, бу “юқори турк тили”га боғлиқ жанрлар бўлган. Кейинчалик бу жанрлар расмий нутқ доирасига тааллуқли деб ҳисобланган. Бу ўринда риториклик, тантанаворлик экспрессив оттенкаларига эга тил воситалари назарда тутилган. Бу воситалар шартли равишда “китоб воситалари” (ёки “китоб услублари воситалари”) деб номланган).

Оғзаки нутқнинг (айникса, кундалик нутқ) тил воситалари адабий тилда қўлланганида, ҳам эркинлик, соддалик, бемалоллик, бетакаллуфлик характеристини сақлаб қолади, қўпинча экспрессив бўёқдор бўлади. Шунинг учун сўзлашув нутки воситалари дейилади.

Тил воситаларининг функционал (коммуникатив) потенциалини ўрганиш стилистиканинг ушбу йўналишининг тадқиқот обьектидир. У стилистик воситаларнинг таркибини тавсифлайди, турли сатҳ тил воситаларининг ифодавийлик имкониятини таҳлил этади. Захиралар стилистикаси – стилистиканинг бошқа йўналишларига нисбатан олинганда, ўзига хос функционал “егтоп (омборхона)”дир.

2. **Функционал стилистика** у ёки бу мулоқот доираси коммуникатив вазифаларга боғлиқ равищда тилни қўллаш қонун-қоидаларини ўрганади. В.В. Виноградовнинг фикрига кўра, муайян коммуникатив мақсадларга хизмат қилувчи, мулоқотнинг турли доираларида тарихан шаклланган ифода воситалари тизими – тилнинг **функционал услублари** мавжуд. (Виноградов В.В., 1981). Функционал услублар илмий, бадиий, расмий, публицистик, оммавий услуг каби мулоқот доираларига монанд равищда таснифланади.

Функционал стилистика қўйидагиларни ўрганади:

1. Мулоқотнинг турли доираларида тилни қўллаш қонуниятлари.
2. Ҳар бир функционал услуг доирасида тил воситаларини танлаш ва мувофиқлашгириш тамойиллари.
3. Функционал услубларнинг нутқий тизими.

Функционал стилистика захиралар стилистикасига нисбатан кейинроқ шакланган, аммо бугунги кунда айнан шу масала стилистиканинг бош йўналиши ҳисобланади. Чунки айнан функционал стилистика стилистикани фан сифатида шакланнишига сабаб бўлди. Бугунги кундаги функционал стилистиканинг долзарблиги ва тараққиёти структур (формал) тилшунослик тадқиқотларидан функционал (тилга коммуникатив-прагматик ва когнитив-дискурсив ёндашуви) йўналиш билан чамбарчас боғлиқдир.

**Захиралар стилистикаси ва функционал стилистика стилистиканинг асосий йўналишлари ҳисобланади.**

Функционал стилистиканинг амалий аспекти билан **амалий стилистика** шугулланади. **Бу аспект фаннинг алоҳида йўналишини ташкил этмайди.** Аспектнинг вазифаси – у ёки бу функционал услубнинг меъёрлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, ихтиёрий услубда мантикий матн тузиш қўникмасини шаклантиришдан иборат. Аввало амалий стилистика аниқ назарий асосларга эга бўлмаган ва ортологиядан (тўғри нутқ ҳақидаги фан, хозирда “нутқ маданияти”) ажратилмаган эди. Замонавий **амалий стилистика** – барча функционал услубларда тил воситаларининг қўлланиши стилистик меъёрларини ўрганувчи ўқув фани.

Функционал стилистиканинг нисбатан янги тармоғи диаҳрон ёки **тарихий стилистика** бўлиб, функционал услубларнинг шакланниш тарихини ўрганади.

**Бадиий асар тили ва услубини ўрганувчи стилистика** ҳам алоҳида ажратилмоқда. Бу йўналиш биринчи марта В.В. Виноградов ишларида, хусусан, унинг «О языке художественной литературы» (1959 г.) алоҳида соҳа сифатида кўрсатилади. В.В. Виноградов таъкидлашиб, бадиий асар тили тўғрисидаги фан тилшунослик ва адабиётшуносликни бирлаштирувчи тарихий фандир. Бу соҳа адабий тил ва бадиий асарларнинг турли услублари ўзаро муносабатини тарихий тараққиёт фонида ўрганади ҳамда маълум бир давр тили ўша пайтда юзага келган адабий йўналишлар эҳтиёжини қай даражада кондирганлигини аниқлайди. Ушбу йўналиш доирасида ёзувчининг индивидуал нутқи стилистикаси (идиоуслуб), алоҳида бир (ёки бир неча) бадиий асар стилистикаси, шунингдек, маълум бир бадиий асарлар интерпретацияси масалалари ўрганилади. Бунда асосий методлар – лингвистик методлар, мақсад –матншуносликка оид тадқиқот.

Матн лингвистикаси соҳасининг ривожи натижасида **матн стилистикасини алоҳида мустақил соҳа сифатида ажратиш ҳоллари мавжуд.** Матн стилистикаси атамаси ҳали умумеътироф этилган бир таърифи мавжуд бўлмаса-да, матн стилистикасининг кўплаб тамойиллари В.В. Виноградова, Г.О. Винокура, Б.А. Ларина кабиларнинг ишларида назарий планда, айрим ҳолларда аниқ мисоллар билан кўриб чиқилган.

В.В. Одиссов, ушбу тамойилларга асосланган ҳолда ҳамда тилшунослик тарихининг янги босқичида уларни такомиллаштириб, стилистиканинг алоҳида тармоғи сифатида, матн лингвистикасидан фарқланувчи, матн стилистикасининг асосли назарий характеристикасини илгари сурди. Матн стилистикаси – матн (матнлар гурухи)нинг структур-мазмуний ташкилий тузилишини ўрганувчи лингвостилистик тадқиқотлар доираси (аспект): 1) унинг композицион-стилистик типлари ва шакллари; 2) конструктив усуслар; 3) матнда тил бирликлари тизимининг қўлланилиши; 4) аниқ бир асар тузилишидаги ўрни ва асар мазмунини ифодалаш, унинг услубий ўзига хослигини шаклантиришдаги роли. Бундай тадқиқотнинг мақсади – таҳлил этилаётган матннинг мазмунини изоҳлаш, шарҳлашдан иборат.

М.Н. Кожинанинг фикрига кўра, матн стилистикасини алоҳида йўналиш сифатида ажратиш учун назарий асос йўқ, чунки, матн стилистикаси ва функционал стилистиканинг предмети, тадқиқот методлари, таҳлил этилувчи тил бирликлари бир хил. Бир томондан, матн стилистикаси – функционал стилистиканинг давомидир: текстдаги тил бирликларининг қўлланилишини ўрганади, турли мулоқот шароитларида матнни тузиш тамойилларини ва матнлар типологиясини тадқиқ этади. Иккинчи томондан, матн стилистикаси бадиий асар стилистикаси билан туташиб кетади.

Стилистиканинг ривожланиб келаётган йўналишларидан бири сифатида бир тил стилистикасини иккинчи тил стилистикасига солиштириб ўрганувчи қиёсий стилистикани

қайд этиш мумкин. Бундай йўналишдаги тадқиқотлар таржимада ва чет тилини ўргатишда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги пайтларда **гендер стилистикаси**, яъни тил эгасининг жинсига қараб маълум бир тил ва нутқ воситалари тизимининг ишлатилишига мойиллик мавжудлиги ҳақида гап кетмоқда. Аммо бу йўналишда эндигина илк тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шунинг учун гендер стилистикасини алоҳида соҳа сифатида ажратишга ҳали эрта.

Бу қадар турли аспект ва йўналишлари мавжудлигига қарамай, стилистика яхлит бир фандир. Зеро, уларнинг барчасини – тил воситалари потенциалини, нутқда уларнинг кўлланиши қонун-қоидаларини белгилаш, талаб даражасидаги мулоқот учун уларнинг қанчалик мутаносиблигини, нутқ (матн)нинг услубий ўзига хослигини қай тарзда шакллантиришини аниқлаш масалалари бирлаштиради.

**Стилистика проблематикаси.** Маълумки, у ёки бу тадқиқот объектини мустақил фан сифатида ажратиш имконияти фақатгина бу соҳанинг тадқиқот предмети, ўзига хос тушунча ва категориялари, проблематикаси ва усувлари мавжуд бўлсагина туғилади.

Юқорида қайд этилганидай, стилистиканинг тадқиқот предметлари:

- 1) тилнинг ифода воситалари имкониятларини ўрганади;
- 2) мулоқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, турли нуткий вазиятларда тил воситаларининг кўлланиш қонуниятлари доирасини белгилаб беради;
- 3) экстралингвистик омиллар таъсирида нутқ фаолиятида шаклланувчи услубларнинг нуткий тизимини тадқиқ этади.

Стилистика бир катор **специфик тушунчалар ва категорияларга эга**: *услуб, функционал услуг, стилистик бўёқ, стилистик восита, услубий белги, стилистик меъёр, услубнинг нутқий тизими, услугни шакллантирувчи воситалар*.

Стилистиканинг ўз **проблематикаси** бор. Стилистиканинг асосий муаммоларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) услуг ва функционал услуг тушунчаси, тил услублари ва нутқ услубларининг ўзаро муносабати;
- 2) турли мулоқот доираларида тилни кўллаш қонуниятлари;
- 3) функционал услублар таснифи;
- 4) стилистикада лингвистик ва экстралингвистик воситаларнинг ўзаро муносабати;
- 5) услугда объективлик ва субъективлик (индивидуаллик) масаласи (идиоуслуб масаласи);
- 6) функционал услублар ва нутқ шакллари муносабати (адабий/сўзлашув);
- 7) услубларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг яхлитлиги масаласи;
- 8) тилшунослиқдаги ва адабиётшунослиқдаги стилистиканинг ўзаро муносабати;
- 9) бадиий асар тилининг функционал услубларга муносабати масаласи;
- 10) стилистик меъёри аниқлаш ва унинг тарихи характерини белгилаш;
- 11) стилистикада диахронлик ва синхронлик муаммоси.

**Стилистика методологияси.** Методология – бирон-бир соҳада қўлланиувчи методлар йиғиндиси, илмий билиш усувлари ва воситалари ҳақидаги таълимот.

Стилистик таҳлилнинг методологик асосини тил ва фикр, тил ва жамият, тилнинг ижтимоий характеристи ва унинг Гумбольдт функциялари ҳақидаги фундаментал қарашлар ташкил этади (В. Гумбольдт, А.А. Потебня, М.М. Бахтин, А.А. Леонтьев ва бошқаларнинг тадқиқотлари). Тил воситаларининг коммуникатив потенциалини ва мулоқотнинг турли шароитларида тил фаолиятининг асосий қонуниятларини ўрганар экан, стилистика тадқиқ предмети ва таҳлил мақсадларига мос келувчи ўз усувлари ишлаб чиқади.

Стилистиканинг анаъанавий йўналиши – заҳиралар стилитикасида – таҳлилнинг асосий йўли – барча сатҳлардаги тил воситаларининг стилистик имкониятларини ўрганишдан уларнинг турли услуг ва жанрдаги матнларнинг вазифаларини таҳлил килишдан иборат.

Функционал стилистика бошқача ёндашувни, яъни вазифалардан воситаларга қараб тадқиқни талаб этади, бунда “нутқ турларининг (услублар, функционал услублар, жанрлар)

асосий функцияларини реаллаштирувчи тил ва нутқ воситаларини аниқлаш<sup>7</sup>ни назарда тутади (Стилистический энциклопедический словарь русского языка, 2003).

Шундай қилиб, замонавий стилистиканинг асосий методи **функционал таҳлил методидир (функционал метод)**. Ушбу методда **турли сатҳлар тил бирликларининг коммуникатив-систем** таҳлили амалга оширилади. Нутқнинг лингвистик ва экстралингвистик аспектлари бирлигини эътиборга олиб, бу метод тил воситалари ишлатилишининг асосий қонун-қоидаларини белгилаш ва услугуб ҳамда турларининг нутқий системасини аниқлашга кўмак беради.

Лингвостилистик таҳлилнинг бир неча хусусий методлари ҳам мавжуд:

**Семантик-стилистик метод** - тил ва нутқ унсурларини, уларнинг контекстдаги ва нутқий асардаги мазмуний ролини таҳлил этишни, шунингдек, сўзнинг матннаги барча семантик трансформациялари қонуниятларини аниқлашни мақсад қиласди.

**Қиёсий метод**-турли сатҳлар бирликларининг стилистик характеристикаларини солиштириш, ҳар бир функционал услубни қиёслаш орқали унинг спецификасини аниқлашга қаратилади.

**Қиёсий-диахрон метод** - функционал услубларнинг шаклланиши ва тарихий ўзгариши жараёнларини ўрганишда, у ёки бу услугуга хос турли даврларда яратилган матнлардаги тил ва нутқ бирликлари спецификасини таҳлил этишда татбиқ этилади.

Бадий асар тилини таҳлил этишда «**сўз - образ**», деб номланувчи метод мухим ахамият касб этади. Ушбу метод у ёки бу ёзувчи ижодига хос бўлган ёхуд маълум бир асарнинг образлари тизимини ташкил этувчи, турли сатҳларга хос тил бирликлари мажмуасини, уларнинг барча стилистик-семантик маъно нозикларини аниқлаш учун ишлатилади.

**Стилостатистик метод** математик статистик метод қуролидир. Бу метод функционал услубларнинг тадқиқида кўлланилади ҳамда услубнинг спецификасини аниқлаш, у ёки бу экстралингвистик омилларнинг нутқ услубига таъсири даражасини белгилашга хизмат қиласди. Статистик маълумотлар “фарқли нутқ турларида тил воситаларининг кўлланилиши қонуниятларини ўрганиш ҳамда нутқ услубининг у ёки бу экстралингвистик омилларига объектив боғлиқлигини аниқлаш<sup>7</sup>та имкон яратади” (Стилистический энциклопедический словарь русского языка, 2003).

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Аристотелнинг обьектнинг икки томони ҳақидаги фикрлари ҳақида сўзланг.
2. Тилнинг энг мухим ижтимоий вазифаси ҳақида нималарни биласиз.
3. Тилни функционал аспектда ўрганиш зарурияти неchanчи асрдан бошлаб шаклланган?
4. Стилистиканинг асосий бирлиги деганда нималар тушунилади?
5. Стилистик усулларнинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот беринг.
6. Тил иерархиясидаги алоҳида стилистик сатҳ ҳақида маълумот беринг.
7. Захиралар стилистикаси ва функционал стилистика ҳақида маълумот беринг.
8. Функционал стилистиканинг турлари ҳақида маълумот беринг.
9. Стилистик заҳиралар тадқиқи ҳақида сўзланг.
10. Стилистика проблематикаси ҳақида нималарни биласиз?
11. Стилистиканинг тадқиқот предмети нималардан иборат?
12. Стилистиканинг асосий муаммоларига нималарни киритиш мумкин?
13. Стилистик таҳлилнинг методологик асоси нималардан иборат?
14. Стилистиканинг анаъанавий йўналиши ҳақида нималар назарда тутилади?
15. Нутқнинг лингвистик ва экстралингвистик аспектлари нималардан иборат?

### **Адабиётлар:**

1. Комиссаров В. Н. Слово о переводе (Очерк лингвистического учения о переводе). М.: Междунар. отношения, 1973. С. 186.
2. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: Курс лекций. М: Изд-во «ЭТС», 1999.
3. Виноградов В. С. Введение в переводоведение. — М., 2001.
4. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. -224б.
5. Комиссаров В. Н. Общая теория перевода (Проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых). М.: ЧеРо, 1999.
6. Миньяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М: Воениздат, 1980

## **2-мавзу: Шарқ тилларининг функционал стилистикаси назарий асослари Режа**

1. Функционал услуг
2. Функционал услугнинг лисоний ва нутқий аспектлари
3. Шарқ тилиининг функционал услублари.
4. Услубни шакллантирувчи омиллар ва услугий белгилари

**Калит сўзлар:** Тилшунослиқда «услуб» тушунчаси. Функционал услуг. “Функционал услуг” тушунчаси. Функционал услугнинг нутқий тизимлилиги. Функционал услугнинг лисоний ва нутқий аспектлари. Функционал услубларни ажратиш тамойиллари.

Функционал-услубий меъёр. Шарқ тиллариининг функционал услублари. Услубни шакллантирувчи омиллар ва услугий белгилари. Расмий услуг. Илмий услуг. Публицистик услуг. Сўзлашув услуби. Бадиий услуг.

Стилистик тадқиқотнинг предмети “услуб” тушунчасини қандай таърифлаш ва қабул қилишга боғлиқ бўлади. “Стил” сўзи лотинча “чўзилган поя, дастадан ясалган предмет», «ёзиш учун ўткир учли таёқча» маъноларига эга.

Услуб атамаси филологик адабиётларда кўплаб маъноларга эга. Албрехт Ройм «Маленкий словар стиля» луғатида «стил» – “услуб” сўзига 106 та таъриф беради<sup>9</sup>.

Тилшунослиқда “стил” атамаси бир неча таърифларга эга:

1. Кенг ижтимоий –коммуникатив доирага бириктирилган тил тури (**тил стили, услуби**). **Тилнинг бу тури ушбу тилнинг бошқа турларидан** лексик, грамматик, фонетик жиҳатдан қисман фарқланади. Анъанавий равища ҳозирги миллий тилларда уч услуб ажратилади: - **нейтрал, юқори (китоб)** и қуи (қуи табакаларга хос ёки фамиляр-сўзлашув, оғзаки сўзлашув) услублар. Бундай таснифнинг асоси уч услуб назариясидир. Уч услуб назарияси, айниқса, Европада ХВИИ - ХВИИ асрларда долзарб бўлган.

**Нейтрал услуг (тилнинг умумуслубий асоси)** нутқий фаолиятнинг ихтиёрий турининг (яъни типик нутқий вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай) умумий стилистик фон сифатида майдонга чиқади.

Экспрессиядан ҳоли нейтрал услуб фонида **экспрессив услублар** фарқланади: тантанавий (риторик), расмий, фамиляр, юмористик, ҳажвий ва ҳоказо. Ушбу услублар тил унсурлари таркибидаги экспрессив характеристидан кўринади.

Уларнинг алоҳида тил унсурлари тизими бўла олиши ёки бўла олмаслиги масаласи турли тилшунослар томонидан турлича баҳоланади.

2. **Функционал услуг** - намунавий мулокот доирасида тил бажарадиган турли вазифаларга боғлиқ адабий тил тури.

3. **Маълум бир аниқ нутқ матнида (шу жумладан, бадиий асарда (идиоуслуб) қўлланган индивидуал услуб.** Бир муаллифнинг маълум бир даврдаги барча асарларини бир макроматн сифатида қабул қилиш мумкин. Шунинг учун стилистиканинг обьекти алоҳида бир матн ёки матнлар йигиндиси бўлиши мумкин. Масалан, Р.Н.Гунтекин услуби. Халиде Эдип Адивар романлари тили ва ҳоказо.

4. **Даврнинг тил парадигмаси, яъни тилнинг шу даврдаги услуб жиҳатданг ҳолати**, масалан, ХВИИ аср иккинчи ярмида турк адабий тилининг услуби, яъни ушбу даврдаги турк адабий тилининг ўзи.

5. **Тилни меъёрий стилистик қоидалар асосида ёки уларга риоя қилмай қўллаш** (яхши услуб, ёмон услуб ва ҳоқ.).

Шундай қилиб, **услуб** тушунчаси тил тизимининг ҳар бир сатҳи тил бирликларига ҳам, тўлиқ фикр ифодаси билан ҳам, ҳаттоқи, у ёки бу мулокот доирасига тааллуқли матнлар гурӯхига ҳам оид бўлади.

Стилистика учун **услуб** тушунчаси барча сатҳларнинг тил воситаларини кенг маънодаги мулокотнинг вазифаларига мутаносиб равища танлаш ва қўллаш натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Шу сабабли тилшунослиқдаги услуб тил воситаларининг ахборотни эффектив етказиб

бериш хусусияти билан боғлиқ. Айни чоғда услуг нутқнинг экспрессивлик, эмоционаллик, мулокот вазияти ва вазифаларига мувофиқлик каби жиҳатларига ҳам чамбарчас алоқадор.

**“Функционал услуг” тушунчаси.** Л.В. Шербанинг қайд этишича, «жамият қанчалик табакаланган бўлса, унинг адабий тил стилистик структураси шунчалик мураккаб бўлади». Бу ҳолат жамият тараққиётининг юкори даражасида қўплаб ранг-баранг мулокот вазиятларини вужудга келтирадики, уларнинг барчаси алоҳида ўзига хос тил воситалари тизимини тақозо этади, яъни ҳар бир услуг функционал мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ҳаётга татбиқ этилади. (Шерба Л.В., 1974).

Типик, такрорланувчи шароитларда мулокотнинг самарадорлигига **намунавий ифода воситалари** орқали эришилади.

**Функционал услугларнинг** ажратилиши коммуникациянинг ижтимоий мухим доираларида юкори натижага эришиш зарурияти билан таъминадики, уларга барча мулқоқот турлари: хизмат ва хуқуқий муносабатлар, илмий фаолият, майший муносабатлар ва бошқалар жалб қилинади. Жамиятнинг барча аъзолари учун долзарб бўлган ижтимоий фаолият турлари ва ижтимоий онг шаклларига коммуникациянинг бу доиралари мутаносиб келади. «Функционал услуглар айни чоғда мазкур доираларга мувофиқ келувчи яқин таниш, расмий шахс, олим, ижодкор. Ва бошқаларнинг типик нутқий ролларларини гавдалантирувчи воситалар ҳамдир...» (Векшин Г.В., 2002).

**Функционал услуг** – муайян мулокот доирасида тил бажарадиган турли вазифалардан келиб чиқадиган адабий тил тури.

«Функционал услуг» атамаси В.В. Виноградов томонидан таклиф қилинган ва ҳамда бу соҳанинг марказий тушунчасига айланган. Атаманинг синонимлари сифатида «функционал вариант (тур)» ёки «(нутқнинг) функционал типи» бирикмалари ишлатилади. Бироқ «функционал услуг» атамаси ўрганилаётган ҳодисанинг спецификасини тўла акс эттиргани учун айнан шу атамани қўллаш афзал.

Функционал услуг - «умумхалқ миллий тилининг у ёки бу доирасидаги нутқий мулокот воситаларини танлаш, шакллантириш ва қўллаш усуllibарининг ижтимоий англашган, функционал жиҳатдан шартланган, ички жиҳатдан бирлашган йиғиндиси бўлиб, улар айни халқнинг нутқий ижтимоий амалиётида бошқа мақсадларга хизмат қилувчи, ўзгача вазифаларни бажарувчи ифода усуllibарига мутаносибdir» (Виноградов В.В., 1981).

«Мулокот доираси» тушунчасига Чехия ва Словакия тилшунослари томонидан уни ижтимоий фаолиятнинг турларини билан ўрганиш натижасида аниқлик киритилган. Ижтимоий фаолиятнинг мазкур турлари ўз навбатида ижтимоий онгнинг шаклларига мос келади (санъат, сиёsat, фан, хуқуқ, қундалик онг).

Мулокотнинг ижтимоий мухим доираси коммуникация соҳаси бўлиб, мазкур тилнинг барча соҳиблари у ёки бу даражада жалб этилувчи ижтимоий фаолият тури ва ижтимоий онг шаклига мутаносиб келади.

Функционал услуг экстралингвистик омиллар таъсирида шаклланади. **Услубни шакллантирувчи омиллар** – адабий тил таркибида у ёки бу услубни ажратиш ва шакллантириш учун тилдан ташқи шароитларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Услубни шакллантирувчи воситалар тилнинг ҳар бир функционал турида тил бирликларининг танлови ва матнни шакллантириш тамойиллари, аниқ бир услубдаги матнда уларнинг қўлланиш усуllibарига таъсир кўrsатади.

**Функционал услуг спецификасини шакллантирувчи омилларнинг базасини қўйидагилар ташкил этади:**

- Ижтимоий онгнинг мутаносиб шаклига мутаносиб келувчи, ижтимоий аҳамият касб этувчи мулокот доираси;
- коммуникациянинг асосий вазифаси (мақсади);
- мушоҳада тури (шакли) (мантикий-тушунчавий, деонтик10, образли);
- мазмуннинг типикнинг хусусиятлари.

Ушбу омиллар ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Услубни шакллантирувчи омиллар **услубий доминантни** тақозо этади. **“Услубий доминант”** тушунчаси тил воситалари танлови ва уларни қўллаш тамойилларининг етакчи

конструктивига нисбатан ишлатилади, у, ўз навбатида хар бир функционал услубнинг услугий белгилари мажмусини белгилаб беради.

**Услубий белгилар** – коммуникациянинг айни доирасидаги оптимал ўзаро мулоқотни таъминловчи тил воситаларининг тизимида мос келувчи характеристикаларидир.

Услубнинг коммуникатив лингвистик моҳияти шундан иборатки, у адресатни ҳисобга олган ҳолда яратилади ва мавжуд бўлади. Услуб асосида мулоқотнинг самарадорлигини эътиборга олувчи прагматик таркиб ётади.

Маълум бир услуб доирасидаги нутқнинг ифодавийлиги айни доирадаги мулоқотнинг мақсад ва вазифаларига имкон қадар мутаносиб бўлишига қаратилган.

Функционал стилистика, биринчидан, тил воситаларининг мулоқотнинг намунавий ва анъанавий, авваломбор, ижтимоий доираларда тил воситалари қандай муносабатга киришишини аниқлашга ҳаракат қиласи (масалан, дин ижтимоий долзарб соҳа эмас); иккинчидан, тил тизимида қандай тил воситалари кўпроқ танланиши, нутқ оқимида, яъни матн майдонида улар қандай тарзда иштироқ этишини ўрганади.

Функционал услуб мулоқотнинг умумий мақсадга йўналтирилган вазифалари ва шартшароитларига боғлиқ бўлади ва тил воситаларининг нутқда (матнда)ги ўзига хос иштироки, яъни тил воситаларини танлаш ва қўллашнинг шаклланган тамойиллари натижаси сифатида яратилади.

### **Функционал услубнинг нутқий тизимлилиги**

Мулоқотнинг ижтимоий мухим соҳасида тилни қўллаш жараёнида тил тизимида қайта қурилиш юзага келади. Коммуникациянинг мақсад ва вазифаларига мутаносиб равища нутқда турли сатҳларнинг муайян тил бирликлари, уларнинг маълум бир семантик маънолари ва функционал-маъновий бўёклари фаоллашади. Умумий коммуникатив вазифалар асосида ушбу тил воситалари ўзаро боғлиқ бўлади ва нутққа ёки матнга алоҳида бўёқ баҳш этади.

Мазкур ўзаро алоқа **функционал услубнинг нутқий тизимлилиги** ҳисобланади. Услубнинг нутқий тизимлилиги тил воситалари иштирокининг (тил тизимининг сатҳлардаги тузилишидан фарқли равища) коммуникатив-функционал тамойили билан аниқланади ва матнда рўёбга чиқади.

Ҳар бир функционал услубда тил барча сатҳларининг (лексик-фразеологик, морфологик, синтактик, баъзи ҳолатларда фонетик) тил воситалари “тўплам”и мавжуд. Масалан, илмий услубда катта миқдорда илмий атамалар қўлланилади, расмий услубда феълнинг мажхул нисбатидан ёки буйруқ майлидаги феъллардан фойдаланилади.

Шу билан бирга, функционал услуб тил спецификасини факат тил унсурлари тўплами эмас, балки уларнинг бирикуви усувлари ва тамойилларини ҳам белгилаб беради. Қайд этиш керакки, айни бир тил воситларини қўллаш, айни бир категорияни ишлатиш воситасида улар семантикасининг турли томонлари, ифода имконларининг ҳар хил жиҳатлари намоён бўлади. Бир тил бирлигининг ўзи турли контекстларда фарқли функционал-стилистик маънога эга бўлиши мумкин.

Тил тизимида мазкур тил воситалари стилистик бўёққа эга бўлмаслиги мумкин. Аммо ушбу нутқ контекстида улар ўзига хос вазифани бажаришади ва функционал-стилистик бўёққа эга бўлишади. Тilda бу маънолар ва функционал имкониятлар потенциал сифатида мавжуд бўлади ва алоҳида тизимни ташкил этишмайди.

Стилистик-нутқий тизимлилиги барча тил сатҳлари: лексик, морфологик, синтактикалик бирликларини қамраб олади.

### **Функционал услубнинг лисоний ва нутқий аспектлари**

Бир томондан қаралганда, муайян услубнинг яратилиши маълум бир аниқ коммуникатив вазифани адo этиш жараёнидаги тилнинг фаолияти натижасида рўй беради. Тил бирликларининг потенциал имкониятлари муайян контекстда намоён бўлади ҳамда тилнинг аниқ бир услубини шакллантиради. Функционал услуб нутқда, тилнинг фаолияти жараёнида мавжуд бўлади ва матнларга бириктирилади. Функционал услублар тилнинг динамик жиҳати, унинг нутқ фаолиятидаги қўлланилуви билан боғлиқ, бу жиҳатдан қаралганда, “функционал” сўзини “нутқий” сўзининг синоними сифатида қабул қилиш

мумкин.

Бошқа томондан, функционал услуг – сўзловчилар онгига мавжуд бўлган тил фаолиятинининг тарихий шаклланган қўринишидир, яъни услуг ҳар бир алоҳида индивид нутқий фаолиятининг маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий мулоқотнинг маълум бир мақсадларига, яъни ижтимоий жамоанинг барча аъзолари мулоқотига қаратилган тил унсурлари тизимиининг ўзига хос ички структураси мавжудлигини англаған адабий тилнинг эгалари жамоавий онгининг натижаси сифатида қабул қилинади.

Тилшуносликда анъанавий равишда қўйидаги функционал услублар таснифланади: илмий, публицистик, расмий, сўзлашув ва бадиий услублар. Булар – асосий услублардир. Аммо бу услублар тилнинг услубий табақалинишини чекламайди. Мулоқотнинг хусусий вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир услуг таркибида яна кичик услублар ажратилади. Масалан, илмий услубда ўқув-илмий ва илмий-оммабоп услублар ажратилади. (вазифа – илмий билимларга ўргатиш ва оммалаштиришдир). Бу услублар илмий услубларнинг ўзига хос вариантлари хисобланадики, илмий услуг улар учун инвариант (бошланғич доимий ҳажм). Тилнинг функционал-услубий табақаланишини майдон тузилмасига ўхшатиш мумкин: ҳар бир услубнинг маркази ва периферия<sup>4</sup> қисми бор. Мазкур услубнинг хусусиятлари максимал даражада тўлиқ бўлган матн марказини ташкил этади, периферияни эса бошқа услуг унсурлари мавжуд бўлган матн ташкил этади. Периферияда услублар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиши мумкин (масалан, публицистик матнлар сўзлашув услубига хос элементларни ўз ичига олиши мумкин). Шу сабабли, функционал услуг – бу, ҳам тил ҳодисаси (инвариант сифатида), ҳам нутқ услубидир (аниқ реаллашув сифатида).

Шу тариқа, функционал услуг ҳам тил, ҳам нутқ услубларидир.

**Функционал услубларни ажратиш тамойиллари.** Маълумки, назарияларнинг кўпчиғилигига тилнинг уч вазифалари ажратилади: 1) мулоқот-коммуникатив вазифа, 2) ахборот-информатив вазифа ва 3) таъсир-эмоционал, волюнтартив вазифа).

Тилнинг вазифалари асосида функционал услубларни таснифлашга илк уринишлар А.М. Пешковский ишларида кузатилади.<sup>5</sup>

В.В. Виноградов турли асосларга боғлиқ равищда функционал услубларни ҳар хил таснифлаш имконияти мавжудлигини эътироф этган. «Тилнинг мулоқот, ахборот ва таъсир каби муҳим вазифаларини белгилашда тил структурасининг умумий планида қўйидаги услубларни таснифлаш мумкин бўлар эди: кундалик-маиший услуг (мулоқот вазифаси); кундалик иш услуби, расмий ҳужжат услуби (ахборот вазифаси); публицистик ва бадиий-беллетристик услуг (таъсир вазифаси)», - деб ёзган эди. В.В. Виноградов, қайд этган эдики: «... тил услубларининг ички дифференсиацияси тил вазифалари (мулоқот, ахборот, таъсир кўрсатиш) ёки у ёки бу коммуникатив вазифалар турини таснифлашга асосланмаслиги мумкин. Ахир “функционал” сўзининг икки хил маъноси бор. У тилнинг ҳар хил вазифалари билан алоқага ёки коммуникатив функцияларнинг у ёки бу турига ёхуд ушбу услубларнинг кўлланилиш доирасининг функционал чекланишига ишора қилиши мумкин» (Виноградов В.В., 1981).

Д.Н. Шмелев ҳам тил вазифаларига таяниб услубларни таснифлаш мумкин, деб хисоблаган: «тилнинг муҳим ижтимоий вазифалари қаторида мулоқот, ахборот етказиш ва таъсир ўтказиш ажратилган вақтида, тилнинг умумий тузилмасида қўйидаги услубларни кўрсатиш мумкин: кундалик-маиший услуг (мулоқот вазифаси); кундалик иш услуби, расмий-ҳужжатли услуг ва илмий услуг (ахборот бериш вазифаси); публицистик ва бадиий-беллетристик (таъсир кўрсатиш вазифаси)» (Шмелев Д.Н., 1977).

Башарти асос сифатида тил коммуникатив вазифалари вариациялари олинса, коммуникатив-маиший вазифанинг бошқа услубларидан ажralган ҳолатда сўзлашув услуги (бадиий услубдан фарқли равища); илмий-коммуникатив вазифага тааллуқли илмий амалий услуг; ташвиқий-коммуникатив вазифага оид газета ёки журнал-публицистик услуг

<sup>4</sup> Ташқи, устки томони.

<sup>5</sup> А.М. Пешковский. Роль грамматики при обучении стилю.- Избранные труды. М., 1959.

ва бошқаларни фарқлаш мумкин.

Бироқ, М.Н. Кожинанинг фикрига кўра, тилнинг уч асосий вазифаси асосида функционал услубларни таснифлашга уриниш муваффақиятли бўлмади. Ушбу ҳолат тил – нутқ дихотомияси эътиборга олинмаган ҳолда тил вазифаларини тавсифланишига боғлик. Тилнинг вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳозирги функционал услубларни қуидагича мувофиқлаштириш мумкин: расмий иш услубида информатив вазифа етакчилик қиласи, илмий услубда когнитив характерга эга информатив вазифа доминантдир; публицистик услубда информатив ва волюнтратив вазифалар бош ўринни эгаллади; сўзлашув услубида коммуникатив вазифа бош мақсаддир; бадиий-адабий услубда эстетик вазифа билан бирга эмоционал-волюнтратив вазифани бажариш назарда тутилади. Тилнинг барча вазифалари бир-бирига ўзаро таъсир ўтказади: масалан, публицистик услубда ахборот ва таъсир ўтказиш вазифалари релевантдир, бадиий-адабий услубнинг назмий вазифаси индивидуал ижодий ёндашувлардан юзага келадиган волюнтратив асосга эга; илмий услубда тилнинг информатив вазифаси онгнинг фаолияти билан боғлик яна бир муҳим вазифаси – когнитив вазифасига асосланади (Кожина М.Н., 1993).

Юқорида зикр этилганидай, замонавий тилшуносликда кўпчилик олимлар асосий функционал услубларни ажратиш учун коммуникациянинг ижтимоий муҳим соҳалари бошланғич меъёр деб қабул қилишади. Ҳозирги замон стилистикасида анъанавий беш услубдан ташқари баъзан илмий-оммабоп, қундалик иш сўзлашув услуби, қонунчилик ва маъмурӣ-хўжалик, техник ва патент иш услубларини тафовутлашади. Бу ҳолат, асосан, тил қўлланишининг янги доираларини вужудга келиши билан боғлик..

Рус тили лингвистикасида черковга оид диний услубни рус тилининг алоҳида функционал услуби тарзида ажратиш мумкинлиги ҳакида гап кетмоқда. Шу билан бирга, дин ижтимоий онгнинг шакли бўлса-да, унга асосланиб, коммуникациянинг ижтимоий муҳим тармоғини ҳамда мутаносиб равишда диний услубни ажратиш анчайин муаммоли. Биринчидан, экстралингвистик омиллар бунга йўл қўймайди: ижтимоий онгнинг диний шакли билан бир қаторда атеистик шакли ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро муносабати аниқ эмас. Рус тили эгалари турли конфесиялар вакилидирлар. Иккинчидан, диний доҳадаги мулоқот диний атамалар ва тушунчаларни фаол қўллаш билан фарқланадики, уларни алоҳида услуб сифатида ажратиш учун бу етарли эмас.

Функционал услубларни таснифлашда энг муҳим ва зарурий факт шундан иборатки, адабий тил ҳар доим турли ижтимоий соҳалардаги самарали коммуникация учун ишлатиладиган функционал вариантларга бўлинади. «Турли тил воситалари тил мулоқотининг турли доираларида фарқлича ишлатилишига шубҳа йўқ, бу ҳолат тилнинг жамиятдаги қўлланилишига оид қўп сонли кузатувлар билан исботланган» (Шмелев Д.Н., 1977).

**Функционал-услубий меъёр.** Адабий тилнинг меъёрлари иккига бўлинади: умумтил меъёрлари ва функционал-услубий (стилистик) меъёрлар.

Умумтил меъёрлари (адабий тил меъёрлари) – адабий тил тараккиётининг маълум бир даврида тил воситаларини қўллаш қоидаларидир, яъни талаффуз қоидалари, сўз қўллаш қоидалари, грамматик қоидалардир. Меъёр тил унсурлари (сўз, бирикма, гап)нинг ягона, умумеътироф этилган қўлланиши намуналариdir.

Тил ҳодисаси қуидаги вазиятларда меърёга мувофиқ, деб ҳисобланади:

- тил структурасига мос келса;
- сўзловчиларнинг кўпчилиги томонидан нутқ фаолиятида доимий равища қўлланилса;
- жамият томонидан маъқулланган ва эътироф этилган бўлса.

Ҳар бир услуб биринчи галда умумтилга оид ёки стиллараро меъёрларни, яъни орфоепик, орфографик, лексик-фразеологик, грамматик (морфологик ва синтактик) меъёрларни акс эттиради. Аммо, айни чоғда тил функционал услубларининг ҳар бири тил бирликларини танловчи ва қўлловчи ўзига хос меъёрларга эга.

Функционал-услубий меъёрлар, бир томондан, умумтил меъёрларини аниqlаштиради, иккинчи томондан, уларни кенгайтириб бойитади. Стилистик меъёрлар тилда стилистик

вариантлар мавжудлигига умумтил мейёрларига аниқлик киритади ва мазкур варианктарни турли услугларда, нутқ жанрларида ва нутқ вазиятларида ишлатилишини бошқаради.

Стилистик мейёр ва умумтил мейёри ўртасидаги муносабат хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги муносабат кабидир, уларни бир-бирига қарама-қарши күйиш ёки тенглаштириш ҳам мумкин эмас. А.Н.Кожин таъкидлаганидек, «стилистик мейёрлар нисбатан хусусий бўлиб, улар функционал ва экспрессив жиҳатдан аниқ мақсадга йўналтирилади, ўзига хос қўшимча ахборот ҳамда восита танлаш ва қўллашнинг ўзига хос қонуниятларига эга тил унсурларининг функционал-нутқий, стилистик квалификацияси характерини ифодалашга хизмат килади» (Кожин А.Н., 1982). Стилистик мейёрлар ифода этилаётган мазмуннинг нисбатан тўлиқ ва мукаммал реализацияси усувларини белгилайди.

Функционал-услубий мейёрлар умумтил мейёрлари асосида шакланади ва асосланади, умумтил мейёрлари каби тил сатҳлари ва воситаларини қамраб олади, аммо улар адабий мейёрларга мос келувчи мулоқотнинг турли соҳаларида қўлланилувчи тил воситаларининг у ёки бу тарафини ўз ичига олади, улар у ёки бу тил воситасининг муайян нутқ фаолиятига оидлигини белгилаб беради, яъни маълум бир контекстлар ва нутқ актларида қўлланилувчи сўз, ибора, сўз шакллари, сўз бирикмаларининг боғланиш услуби, синтактик конструкцияларни белгилаб беради» (Кожин А. Н., 1982).

Умумтил мейёрларининг тури бўлган функционал-услубий мейёр тилнинг барча сатҳларига оид бўлади. «Адабий талаффуз нафақат умуморфоепик ва аксентологик мейёрлар билан, балки стилистик-орфоепик, стилистик-аксентологик мейёрлар билан бошқарилади; лексика ва фразеология сатҳларида лексик, фразеологик мейёрлар билан бир каторда лексик-стилистика ва стилистик-фразеологик мейёрлар фаолият кўрсатади; сўз ўзгариши ва грамматик шакларининг қўлланилиши нафақат морфологик, балки морфологик-стилистика мейёрлар воситасида назорат қиласи; сўз бирикмалари ва гапларнинг курилиши синтактик ва стилистик-синтактик мейёрларга амал қиласи; бутун матн сатҳида матний-стилистика мейёрлар қўлланилади» (Береля И.В., 2007).

Т.Б. Трошеванинг фикрига кўра, стилистик мейёрларни умумтил мейёрларига кодификациялаш мумкин, аммо бунда кодификация қатъий ва тўла бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир функционал услуг турли жанрларда ва турли мақсадга йўналтирилган матнларда рўёбга чиқади. Шу боис, стилистик мейёрлар орасида функционал услугга хос бўлган нисбатан умумий ҳамда алоҳида жанрлар, нутқий вазиятлар, ҳар хил типдаги матнлар учун хос бўлган хусусий белгилар мавжуд. Стилистик мейёрларнинг нисбий эркинлиги мазкур матннинг (жанр) функционал услугининг майдонида қандай ўринни – марказий ёки периферик ўринни эгаллашига боғлиқ бўлади. (Стилистический энциклопедический словарь русского языка, 2003). Бу ҳолат, масалан, диссертация матни (соф илмий услугга хос) ва ўқувчилар учун илмий-оммабоп мақолалар матни (илмий услуг периферияси) солиширилса яққол намоён бўлади.

Функционал-стилистика мейёр тарихан ўзгарувчан характерга эга. Адабий тилнинг услуглари тизими тарихан шакланади, узоқ давом этган тараққиёт жараёнида бойийди ва мураккаблашади. Ҳар бир функционал услугда тил воситаларининг таркиби ва қўлланилиш частотаси вақт ўтиши билан ўзгаради.

Шу тарика, функционал-услубий (стилистика) мейёрлар ҳам адабий тилнинг маҳсус вазифани бажарувчи мейёрларидир. Стилистик мейёрлар тилнинг функционал услугларига боғлиқ бўлиб, турли вариантлар таклиф қилиниши мумкин бўлган вазиятларда умумадабий тил мейёрларини аниқлаштиради.

**Расмий услуг.** Адабий тилнинг расмий услуги қўлланиладиган асосий соҳа маъмурий-хукуқий фаолият ҳисобланади. Расмий услугнинг қўлланилиш доираси муаяйн иш хужжатлари мос келувчи такрорланувчи расмий иш вазиятлари тармоғи воситасида тақдим этилиши мумкин.

**Расмий услугнинг асосий вазифаси-ижтимоий** регламентация вазифаси ҳисобланади. Ушбу услуг давлат идоралари, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда юридик шахслар ўртасидаги ишлаб чиқариш, хўжалик ва хукуқий фаолияти жараёнида юзага келади. Яъни расмий услуг давлат ва ташкилотлар, шунингдек, расмий коммуникацияга

киришган жамият аъзолари ўртасидаги давлат, жамият, сиёсат, иқтисодга оид турли актларни хужжат асосидаги расмийлаштирилиши эҳтиёжларини қондиради.

Расмий услуг мушоҳаданинг **деонтик типини** акс эттиради (коммуникация иштирокчилари томонидан меъёрий-хукукий аспектда тушунилади).

Расмий коммуникация мазмунининг намунавий хусусиятлари расмий услуг таркибида яна учта услубни ажратиш мумкин:

1) **Асл иш услуби** (конселярия услуги), иш юритиш соҳасига хизмат қўрсатади (расмий ёзишларни ҳам хисобга олганда);

2) **Хукукий услугуб**, хукукий муносабатлар, қонунчилик соҳасида қўлланилади;

3) **дипломатик услугуб** ҳалқаро муносабатларда ишлатилади.

Расмий иш услуби турк адабий тилининг китоб услубига хос. Ушбу услуг ёзма шаклда реаллашади. Нутқнинг намунавий шакли монологидир.

Бу услуг улкан сонли жанрлар тарзида намоён бўлади: устав, қонун, буйруқ, қўрсатма, фармойиш, шартнома, шикоят, ресепт, тушунтириш хати, таржимаи ҳол, маълумотнома, турли аризалар ва ҳоказо.

**Расмий иш услубининг жанрларининг матнлари қуидаги вазифаларни бажаради:**

• Маълум бир факт, ҳодиса, шахс ҳақидаги объектив маълумотни етказиши (расмий ахборот, таржимаи ҳол, тавсифнома);

• Кўрсатма бериш, буюриш (қонунлар, карорлар, фармойишлар);

• Қайд қилиш (баённома, ҳисобот).

Қайд этилган услубни шакллантирувчи омиллар асосий услугий хусусиятларни юзага келтиради:

1. Расмий услубнинг услугий етакчи хусусияти **баённинг нихоятда аниқлиги** билан белгиланади, бошқача шархга йўл қўймайди. **Расмий услуг** матнлари бошқача шаклдаги изоҳга имкон бермаслиги керак. Ижтимоий регламентация вазифаси бундай матнларга бирёқлама ёндашувни талаб этади. Баённинг батафсил бўлиши кераклиги ҳам ушбу услугий хусусиятга боғлиқ.

2. **Баённинг умумийлиги.** Расмий услуг индивидуал эмас, балки ижтимоий таржрибани акс эттиради. Расмий нутқнинг специфик услубий белгиси шахсга, шахсиятга алоқадор бўлмаслигидир. Расмий хужжат шахсий характерга эга бўлмаса (масалан, шахсий ариза), ягона муаллифлиқдан маҳрум бўлади. Аризадаги шахсий имзо эса муаллифни кўрсатмайди, хужжатнинг ҳақиқийлигини билдиради. Услуб қонунлари муаллиф индивидуаллигига боғлиқ равишда хужжатнинг турли шакллари бўлишига изн бермайди. Расмий услубнинг объективлиги хужжатнинг ахборот етказиши, қўрсатма бериш ёки қайд қилиш характеристига урғу беради; расмий хужжатнинг мазмуни ёки маълумот ёки ижро учун қабул қилинади.

3. **Баённинг стереотиплиги, меъёрга солинганлиги.**

Расмий доирадаги ҳар бир аниқ ҳолат ўзаро таъсирининг алоҳида бир қўринишига мувофиқ қелади, яъни вазият қайтарилади, бошқача қилиб айтганда, типиклашади. Бу ҳолат муносабатни регламентга солишга ёрдам беради, шу сабабли мулокот аниқ тил стандартлари асосида амалга ошади.

**Тил (нутқ) стандартлари** дейилганда, бир типдаги вазиятларни кўп бора қайтарилиши натижаси юзага келадиган нутқдаги тайёр ифода воситалари назарда тутилади. Айни бир шаклда такрорланадиган вазиятлар тил эгаларининг автоматлаштирилган нутқий реаксиясини талаб этади. Регламентга қатъий риоя этилиши талаб қилинадиган расмий иш мулокотида тайёр тил шаблонлари мулокотни осонлаштиради ва тезлаштиради, чунки улар дарров таниб олинади, тушуниш ва жавобни шакллантириш учун вақт сарфланмайди. Шу сабабли, тил стандартлари нутқий амалиётда қабул қилинган, иш услубида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Расмий иш услубининг стандартлаштирилганлиги иш қоғозларини шакллантирида ҳам намоён бўлади. Бу ҳолат иш қоғозларидаги таркибининг қатъий амал қилиниши, абзаларнинг ажратилиши ва бошқаларда кузатилади, шунинг учун иш қоғозлари кўпинча тўлдириладиган бланка шаклидаги стандарт қўринишга эга.

#### 4. Баённинг мукаррар бўйруқ кўринишида бўлиши (**императивлик**).

Ушбу белги расмий иш услубида таҳлил ва далиллаш жараённинг йўқлиги билан изоҳланади (бу жараён матн тузилишдан аввал бўлиб ўтади), шу боис, расмий иш услубида ўзига хос баён тарзи мавжуд. Ҳикоя қилиш, мушоҳада, тавсиф каби анаъанавий баён усуслари қўлланмайди. Бундай услугубий белгилар, ўз навбатида, барча сатҳларга оид тил ва нутқ воситаларини танлаш ҳамда қўллаш қоидаларини белгилаб беради.

Демак, дипломатик ёзишмаларда, иктиносидий, юридик, муносабатлар ифодаси бўлган ҳужжатларда, давлат идоралари, судлар, савдога доир муомалаларда расмий услугуб қўлланилади. Расмий услугуб иш юритиш ҳужжатларида қўлланади. Бунга ариза, тушунтириш хати, эълон, таржима ҳол, ишончқўғози, тилхат, ҳисобот, ноталар, бўйруқ ва фармонлар, фармойишлар, таклифнома, расмий хатлар, тижорат ёзишмалари кабилар киради.

Бу стилда адабий меъёrlарга қатъий риоя қилинади, шевага хос сўзлар, жаргонлар, ҳар хил стилистик бўёқка эга бўлган сўзлар ишлатилмайди. Бу стил қиска, аниқ, лўндалиги билан ўзига хосликни кўрсатиб туради. Жумлалар ҳам инверсиясиз бўлиши лозим. Гапларда таъсиричаник бўлмайди. Расмий стилда ёзиладиган айрим ҳужжатлар штампга ўхшашиб махсус тартиб ва шакл билан ёзилади. Масалан, расмий хатлар, ариза, тушунтириш хати, билдириги, маълумотномалар, қарорларни кўрсатиш мумкин.

Ҳужжатлар стилида от туркумига оид сўзлар кўп қўлланади. Ҳатто, феъл сўзлар ишлатилганда, унинг отга яқин шакли ҳаракат номидан фойдаланилади. Масалан, қабул килишингизни сўрайман, қарорнинг бажарилиши, талабалар сафига тиклаш каби.

Феъллар мажхул нисбатда ва бўйруқ истак майли шаклида қўлланади. Бажарилсин, тайинлансан, амалга оширилсин, қарор қабул қилинди, кўриб чиқилди, эшитилди ва хиз. Агар пул, буюм миқдори кўрсатилиши лозим бўлса, олдин рақам билан қавс ичидаги ҳарфлар билан ёзилади.

Ҳужжатларда фикр аниқ, лўнда баён қилиниши лозим. Бунда хатбоши (абзатс)нинг ўрни мухимдир. Ҳар бир янги, алоҳида фикр хатбоши билан ажратилиши, бир хатбоши билан иккинчи хатбоши ўртасидаги матн тўрт-беш жумладан ошмаслиги меъёрга мосдир.

Ҳужжатчилиқда имло ва тиниш белгиларига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳужжатнинг номи бош ҳарф билан ёзилади. Агар босма матн бўлса, ҳужжат номининг ҳар бир ҳарфи бош ҳарф билан ёзилиши мумкин.

Дипломатик ҳужжатлар шаклига ва сўз қўлланилиши жиҳатидан ўзига хос кўринишига эга. Уларни ёзишда ҳужжатнинг қай шаклда бўлиши мухимдир. Маълумки, дипломатик ёзишмалар бир давлатдаги оддий корхоналар ёки ташкилотлар орасида бўлмайди. Улар бошқа -бошқа давлатлар ўртасида бўлгани учун ҳужжат юборилаётган мамлакат анъаналари ҳисобга олинади. У ёки бу давлатга ҳужжатнинг қайси тури юборилаётган бўлса, худди шу тури билан жавоб қайтирилади. Дипломатик ҳужжатларга баёнот, нота, расмий хатлар, илова хатлар, яримрасмий шахсий хатлар, дипломатик протокол. Қайдномалар, меморандумлар ва бошқалар киради.

Дипломатик ёзишмаларда ҳужжат юборилаётган мамлакатнинг номланишида, шахснинг исми-шарифи ва лавозимини ёзишда, унга қилинаётган мурожаат ифодаларида хатога ё`л кўйилиши мумкин эмас. Чунки хатолар беписандлик, хурматсизлик саналади. Бу ҳужжатлар ташки кўриниши жиҳатидан ҳам нуқсонсиз бўлиши, фикр аниқ, тўғри, мантиқий, изчил, асосли ва иккинчи томоннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баён этилиши зарур.

Расмий стилда фонетик хусусиятлар бўлмайди. Чунки унда талаффузга хос белгилар учрамайди, адабий меъёрга қатъий риоя қилинади.

Расмий стилнинг лексик хусусиятлари

Асли расмий стилда бўёқдор сўзлар ишлатилмайди. Лекин дипломатик ёзишмаларда бўёқдор сўзлар бўлиши такозо қилинади. Унда мақтov ифодалари: хурматли жаноб, жаноби олийлари, сизга бўлган хурматимга ишонч билдиргайсиз, бош устига, бошимиз кўкка етди, энг самимий табрик, эзгу тилаклар ила, сизга чукур хурмат билан, миннатдорлик изхор этаман кабилар фаол ишлатилади.

Расмий стилда жаргонлар, шевага оид сўз ва бирикмалар одатда ишлатилмайди. Ўрни

билан архаизм ва историзмлардан фойдаланилади: шаҳзода, шоҳ, малика, жаноб, ҳазрати олийлари кабилар.

Юридик ҳужжатларда конституцияда ҳар бир сўз, жумла, фикр ва мулоҳазанинг аниқ ва тўғри ифодаланишига хизмат қилиши лозим. Шунинг учун унда касб-корга оид, юридик, дипломатик, маъмурий ва бошқа терминологиянинг мавжудлиги бу стилнинг ўзига хослигини таъминлаб туради: акт, гувоҳнома, қарор, қидириш, элчи, нота, шартнома, баёнот, декларация, визит, кодекс. Қонун, модда, пошлина, протест (шикоят), кассация кабилар.

#### Расмий стилнинг грамматик хусусиятлари

Бу стилнинг ариза, тушунтириш хати, тилхат, таклифнома каби қўринишларида жумлалар қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туради. Ҳужжатлардаги нутқий штамплар матнга расмийлик белгисини киритади.

Юридик қонун ва ҳужжатларда жумлалар жуда узун, баъзан бир фикр ярим бетлик гап орқали ифодаланади.

Конституция ўз тузилишига кўра боб ва бўлимларга бўлинади. Демак, ҳар бир бўлимдаги фикрлар бир-бири билан мантиқан боғланиши, бири иккинчисини тақозо қилиши лозим. Шундай экан, бунда боғланган қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим турлари шу вазифани бажаришга хизмат қиласди. Чунки бундай қўшма гапларда кетма-кет рўй берадиган, бир вақтда юз бериши мумкин бўлган, сабаб-ошибатли, зиддиятли воқеа-ходисалар ифодаланади.

Баъзи бир юридик ҳужжатларда шахслар ўз номи билан атамасдан уларнинг муҳим белгилари ифодаланган бирикмалар ишлатилиши мумкин: уйни ижараг олувчи, ўғил қилиб олувчи, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари юқори мартабали меҳмон кабилар.

Ҳужжатлардан шартномалар ҳам мураккаб синтактик қурилишга эга. Унинг кириш қисми алоҳида бандлари кўрсатувчи матнлар хат бошларига ажратилган бўлади. Бундай хусусият матнни ўқишини ва тушунишини бир мунча енгиллаштиради.

Ҳужжатларнинг турига кўра шартли қисқартмалар турғун бирикмалар кўп ишлатилади. Масалан, ҳарбий ҳужжатларда Олий Бош Қўмондон, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб, Қуролли кучлар, ҳарбий госпитал кабиларни кўрсатиш мумкин.

#### Расмий (тизимли) ёзувлар

Бир иш учун керакли вазиятларда ёзиладиган аниқ қурилишга эга ёзувлардир. Уларда эстетик шавқ, услугуб ўзига хослиги, тасвирийлик ва тафаккур трансфери кузатилмайди. Улар маълум юридик жой талаб қилгани учун ёзиладиган мақсадли ёзувлардир. Бадиий ва эстетик киммати ё’к, фақат инфоматион аҳамият ташиди. Ариза (дилекче), таржимаи ҳол (özgeçmiş), расмий хатлар (иёл мектуплари), ҳисобот, рапорт (рапор) шу турдаги ёзувлардан бўлиб, улар “формал ёзув” ҳам дейилади.

#### Ариза (дилекче)

Ариза бирор истак, талаб ёки бирор шикоятни билдириш учун расмий идораларга тақдим этилувчи, имзо ва манзилга эга ёзув туридир. Илгари арзуҳол ва истидо деб аталган. Аризалар хат туридир. Таърифлардан келиб чиқсан холда, ариза бирор истак, талабнинг бажарилиши, маълум бир масала юзасидан тегиши жойларга маълумот тақдим қилиш ёки бизни безовта қилувчи ҳар хил муаммоларнинг бартараф қилиниши мақсадида ёзилади. Шундай экан ариза одамларнинг давлат ёки тегишли идоралар билан турли муносабатларнинг тартибга солиниши ёки муаммоларнинг ҳал қилинишида асос бўлиб хизмат қилувчи асос воситадир.

Ариза шахснинг конституцион ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқни шахс ёки шахслар қонун доирасида охиригача фойдаланишга мажбурдир. Акс ҳолда кераксиз шикоят ва арз-додлар, хеч қандай муаммони ҳал қиломаганидек бир қанча нохушшикларга ҳам ёл очиси мумкин.

Ариза доимо бир қат юксак мақомга ёзилади. Масаласи ва усулига мос тарзда тегишли идора тақдим қилинган аризани қабул қилишга мажбурдир. Бу хусусиятларни ўзида ташувчи аризалар долзарб масалалар ва таркибида берилган хусуслар билан боғлиқ ҳолда қонунан белгиланган муддат ичida шахс ёки шахсларга керакли жавоб берилади.

Аризалар мазмунига кўра иккига бўлинади:

1. Истак (талааб) аризаси (истек дилекчеси)
2. Шикоят аризаси (шикает дилекчеси)

#### Истак (талааб) аризаси

Бирор истакнинг ёки талабнинг бажарилиши ёки бирор ишнинг амалга оширилиши мақсадида ёзиладиган аризадир. Бундай аризалар бирор бир ишга кириш, талаба маълумотлари ва хоҳиш(талааб)лари, таклиф хатлари, иш жойи билан боғлиқ фаолиятни бошлиш ва яқунлаш талаблари, солиқ бўйича эътиrozлар, иншоот учун рухсатлар, вазифа бажарувчи тайнинлаш ва лавозимни ошириш истаклари, мактабларга қайд килиниш истаклари ва шу каби масалаларни ўз ичига олади.

Яна ҳам очиқроғи, расмий идоралар ёки маҳсус ташкилотларга турли муносабатни ариза ўзида мужассам қиласди.

#### Шикоят аризаси

Атрофимизда бизни ва аҳолини безовта қиласдан турли муаммоларнинг ҳал килиниши мақсадида расмий идораларга ёзиладига аризадир.

Бундай аризаларда масала тўлалигича ва маълумотларга таянган ҳолда ёритилади. Хато ва тўлиқиз хабарлар қонунан баъзи муаммоларнинг ўртага чиқишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бундай аризаларда шикоятга сабаб бўлган масала очик тарзда берилиши керак.

**Илмий услуб.** Илмий стилнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу стилда фикрлар мантиқий жиҳатдан аниқ бир маъноли бўлиши лозим. Илмий стилда фикрлар факат тушунчаларни ифодалайди. Бу тушунчаларнинг ифодаси муҳокама, мунозара ва хулосалар шаклида бўлиб, улар қатъий мантиқий изчилликка асосланган бўлади. Бу стилда мантиқийлик энг асосий белги бўлса-да, фикр қатъий далилланиши керак. Таҳлил ва синтез бир-биридан ажралмаган ҳолда қўлланади, бири иккинчисини келтириб чиқаради. Шу орқали қонуниятлар очилади. Мана шу қонуниятлар очилиши жараёнида тафаккурнинг умумий, мавхум бўлиши қўринади.

Шу нарсани фарқлаш лозимки, илмий стилда бир томондан, илмий фикрлаш хусусияти мавжуд. Иккинчи томондан, уни илмий стилда ифодалаш. Илмий стилда фикр берилаётганда, яъни ёзилаётганда, унинг тадқиқот босқичи билан бирга шакллантириш масаласи ҳам ҳисобга олинади. Бунда исботлаш усуслари, лўндалик даражаси, оддий тасвир ёки муҳокама эканлиги, оммалаштириш даражаси назарда тутилади. Шунинг учун ҳам ички ва ташки нутқни бир нарса деб бўлмайди. Лекин улар орасида катта фарқ ҳам йўқ. Улар бир-бирини тўлдириб, бири иккинчиси учун замин бўлади. Лекин шуни эътиборга олиш лозимки, тафаккурнинг узил-кесил ифодаси ташки нутқда бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, илмий стилнинг муҳим хусусияти деб шуни кўрсатиш лозимки, илмий баён умумий ва мавхум бўлиб, мантиқийлик яққол сезилиб туради. Бундан иккинчи хусусият келиб чиқади, яъни бу стилда қўлланадиган тил бирликларининг ишлатилиш даражаси ва стилга хос бўёғидир. Илмий стилнинг типик бўлган хусусиятлари куйидагicha;

1. Терминларнинг қўлланниши.
2. Бир маънолилик.
3. Образлиликтининг деярли бўлмаслиги.
4. Яширин эмоционаллик.
5. Баённинг объективлиги.
6. Баённинг қуруқ ва қатъийлиги.

Илмий стилда фаннинг турли соҳаларига оид рамзий белгилар, рақамлар, жадваллар, турли чизмалар ва расмлар қўлланниши мумкин. Масалан, кимё фани бўйича турли формулалар: *M<sub>2</sub>-магний, Cl<sub>2</sub>-хлор, H<sub>2</sub>+O=H<sub>2</sub>O* ишлатилади.

Юқорида кўрсатилган белгилар муаллифнинг стилига, илмий стилнинг мавзусига, уни баён қилиш муҳитига боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Илмий стилда эмоционаллик ва услубий бўёкнинг бўлиши фан соҳаларига боғлиқ. Адабиётшунослик ва тилшунослик фанларида бундай хусусият мавжуд. Табиий фанларда бу нисбатан камроқ учрайди.

Бутун дунёга машхур бўлган физик олим Алберт Эйнштейн "Физика ва реаллик" деган мақоласида "мен тушунчанинг хиссий идрокдан мантиқан мустақил эканлигини тан олмайман" деган эди. У илмий тушунтиришда хажв, ҳазил, асқия, қизик ўхшатишлар кўшиб юборарди. (Р. Бекжонов. Алберт Эйнштейн, "Фан", Тошкент, 1966 ) Албатта, илмий ва бадиий стиллардаги образлилик фарқланади. Илмий стилда юкорида келтиририлган образли номлар аташ вазифасини, бадиий адабиётда эстетик таъсири кўрсатиш вайфасини бажаради. Кўринадики, илмий техник баён илмий математик баёндан ёки қатъий илмий баён илмий оммабоп баёндан фарқланади. Масалан, илмий оммабоп стилда ёзилган бирор фанга оид китоб, мақола ёки маъruzalар шу фан билан таниш бўлмаган кишиларга тушунарли тарзда баён этилади. Фикр жонли ва қизиқарли шаклда ифодаланилади. Илмий терминлар кам ишлатилади. Мавхум маъноли жумлалар ва формулалар ўрнига тасвирий материаллар кўллананилади. Баъзан образли ва эмоционал ифодалардан фойдаланилади. Шунга қарамай улар илмий стил тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига путур этказмайди

### ***Илмий стилнинг лексик хусусиятлари***

Илмий стил илмий терминология билан боғлиқ. Шунинг учун терминлар илмий стилнинг лексикасини ташкил қиласи. Албатта, ҳар қандай илмий асарда факат термин кўлланмайди. Унда мавхум сўзлар, кўп маънолиликка эга бўлган умумхалқ сўзлари хам кўлланади.

Бу стилда ҳар бир сўз умумий тушунчани ёки мавхум нарсани ифодалайди.

Фан, техника, санъат, сиёсат, дипломатия соҳаларида борлиқни мантиқий жиҳатдан билишга қаратилганлиги сабабли сўз ва терминларнинг ниҳоятда равшан аниқ бўлиши талааб килинади. Лекин улар қайта- қайта тақрорланса, бир хиллика олиб келиши мумкин. Шунинг учун олимлар олдида илмий баённинг хусусиятига зиён этказмайдиган ва унинг жонли таъсирчанлилигини таъминлайдиган терминларнинг синонимик варианtlарини топиш масаласи туради.

Илмий стил ***фонетик хусусиятларга*** эга эмас. Чунки илмий стил адабий меъёрда ёзилади.

### ***Илмий стилнинг грамматик хусусиятлари***

Илмий стилнинг грамматик курилиши мантиқий боғлиқликни изчилликни, синтактик аниқликни тақозо қиласи. Шунинг учун унда эллипсиз (гапдан бирорта сўзнинг тушуб қолиши) ҳодисаси учрамайди. Бу стилда гапнинг кесими кўпинча мажхул нисбатдаги феъл билан ифодаланади. Шунинг учун унда шахси номаълум гаплар, пассив конструкциялар кўлланади. Мисол: 1. Масалларин ҷосукларда бекленилен давранш дебишикликлерини ве гелишмелери сағлаябilmеси ичин бир таким олумлу нителиклери таşiması герекир. 2. Масаллар, хикаелер, романлар, анлар, биёграфик эсерлер, гези язлари, шиирлер вд. бу эсерлere гирер. каби.

Демак, илмий стил ўрганилаётганда, аниқ бир фаннинг: математика, физика, биология, адабиёт, она тили, тарих кабиларнинг стилларига хос хусусиятлар алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Албатта, уларга хос бўлган фарқли ва мушгарак томонлар хам бор. Уларни хам намоён этиб, ўзаро тақкослаб ёки умумлаштириб, умумий хулоса чиқарилади. (талабалар илмий стилга хос бўлган турли матнларни таҳлил қилишади).

Илмий стилда табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушунтирилади. Бу стил ўзининг алоқида вазифага эга эканлиги билан ажralиб туради. Илмий стил илмий терминология билан боғлиқ. Одатда терминлар илмий стилнинг лексикасини ташкил қиласи. Лекин асарлар тили факат терминлардангина ташкил топмай, унда кўп маънолилик хусусиятига эга бўлган умум халқ сўзлари хам кенг кўлланади. Илмий стилда яна фаннинг турли соҳаларига оид символ ва белгилар, ракамлар хам ишлатилади.

Илмий стилнинг грамматик курилиши мантиқий боғлиқликни, изчилликни, синтактик аниқликни талаб этади. Шунинг учун илмий стилда эллифсис (назарда тутилган бирорта сўзнинг тушиб қолиши) ҳодисасидан қочилади. Масалан: Агар ёқилги оддий модда,

масалан, кўмир бўлса, унинг тўла ёниши натижасида карбонат ангидрид хосил бўлади: Бунда углерод кислород билан уксидланади.

Илмий стил эмоционал ва образли бўёққа ҳам эга бўлади. Бу стилнинг аниқ ва равшан бўлишини унинг образли ва эмоционаллигига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Буни фалсафа, математика, механика сингари анмқ фанлар доирасида ҳам кузатиш мумкин. Поляк олим Леопольд Инфелдининг бутун дунёга машҳур физик тадқиқотчи Эйнштейн ҳакида айтган кўйидаги сўзлари ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. «Эйнштейн ихчам, ажойиб қилиб ёзарди, унинг услубидан поезия нафаси сезилиб туради». Эйнштейн ҳаёти ва фаолиятиги оид хотираларида ёзилишича, «олим ўз сухбатига баъзан жонли-қизиқ ўхшатиш қўшиб юборади... Ҳажв, ҳазил, асқия - Эйнштейн кўлида илмий тушунтиришга хизмат қиласди».

География ва астрономияда ҳам шунга ўхшаш атамаларини учратиш мумкин: учар юлдуз (метеор), кўйрукли юлдуз (комета), сомон йўли ва бошқалар.

Албатта, илмий стилдаги образлиликдан илмий стилдаги образлилик билан бадиий адабиётда эса ўқувчига эстетик таъсир қўрсатиш вазифасини бажаради. Образлилик (эмоционаллик) категорияси агар илмий стилда «сўнган, нурсиз» ҳолда кўринса, бадиий адабиётда эса «жонли» тарзда намоён бўлади. Масалан, учар юлдуз, сомон йўли астроном учун, аввало, термин вазифасини ўтайди, ёзувчи учун эса бу сўз бирикмалари ўхшатиш ёки образли ифода манбаи бўлиши мумкин. Илмий стилнинг барча белги-аломатлари уларнинг ҳар бирида ўзига хос бир шаклда тақорорланади. Масалан, илмий стилнинг оммабоп вариантида ёзилган бирор фанга оид китоб, мақола ва лекциялар шу фан масалалари билан таниш булмаган кишилар учун мўлжалланганда материал уларга тушунарли шаклда баён этилади, фикр жонли ва қизикарли қилиб тушунтирилади, илмий терминлар кам қўлланади, умуман таниш булмаган термин ва мавхум формулатлар ўрнига конкрет тасвирий материалларга кенгроқ ўрин берилади. Баъзан айтилаётган фикрнинг образлилик ва эмоционаллигини таъминлаш учун бадиий нутқ усувларидан ҳам фойдаланилади. Лекин илмий стил билан унинг илмий-оммабоп кўриниши ўртасидаги, бу хилдаги тафовутлар илмий стил тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига, птур этказмайди.

Махсус соҳалардан, хусусан, фан, техника, санъат, сиёсат, дипломатия соҳаларида ҳам ҳамма нарса борлиқни фақат мантиқан жиҳатдан билишга қаратилганлиги сабабли улар сўз ва терминларнинг ниҳоятда равшан, аниқ бўлишини талаб қиласди. Лекин терминлар қанчалик тўғри танланган ва равшан, аниқ англашиладиган бўлмасин, уларни у ёки бу қоидани тарифлаш жараёнида қайта-қайта тақорорлайвериш ҳам маълум даражада стилистик монотонликка (бир хиллиликка, бир тарзаликка) олиб келади. Стилистик монотонлик математика ёки физика фанларида унчалик сезилмаса-да, лекин биология, геология, айникса тарих ва филология фанларида очиқ кўриниб туради. Шунинг учун ҳам бирор катъий илмий қоида ва таърифни ёритувчи олимлар олдида кўпинча илмий баённинг жиддийлигига халал этказмайдиган ва илмий стилни жонли ва таъсирлилигини таъминлайдиган терминларнинг синонимик эквивалентини топиш масаласи туради.

Ҳар бир услубнинг, шу жумладан илмий услубнинг ҳам иккита муҳим белгиси бор. 1-екстролингвистик, 2-лингвистик белгилардир.

Экстролингвистик белгиларга ижтимоий факторлар, алоқанинг мақсад ва вазифаси ҳамда стил сатҳлари каби ҳодисалар киради.

Илмий услубнинг мақсад ва вазифаси илмий алоқадан: информация берувчи олимлар, қабул қилувчи – олий маълумотли кишилардан; алоқа формаси: ёзма ёки адабий нутқ формасидан иборат бўлишидир. Шу факторлар натижасида илмий стил шакланади ва яхлит адабий тил фонида бошқа нутқ туридан ажралиб туради.

Илмий услубнинг сатҳларига аниқлиқ, объективлик, мантикий изчилиқ, нейтраллик, қисқалик ва тўлиқлик каби факторлар киради. Бу факторлар кўп ҳолларда илмий текстнинг лингвистик белгиларида кўринади.

Аниқлиқ ҳодисаси предмет маъносини англатувчи сўзларнинг номинатив маънода кўлланишида, моносемантик характерга эга бўлишида, синонимиянинг бир қадар чегераланишида, терминларнинг илмий нутқка мос қўлланишида кўринади. Умуман, аниқ фикрсиз билимнинг бўлиши мумкин эмас.

Объективлик – нарса, ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлигига, уларнинг тўғри фан тушунчалари асосида изоҳланишида фикрнинг мисоллар, фактик материаллар, теорема ва формулалар билан исбот қилинишида, бунга кишининг тўлиқ ишонч ҳосил қилишида кўринади.

Мантиқий изчиллик – мавхум отлар ва атамаларнинг кўп қўлланишида, фикрнинг бир бирига мантиқий боғланишида, изчил баён этилишида, тақорнинг кўп бўлишида, тақорнинг илмий нутқ учун норма эканлигига, илмий нутқда изчилликни юзага келтирувчи маҳсус ўзига хос сўз ва бирикмаларнинг мавжудлигига акс этади.

Қисқалик илмий нутқка хос белгидир. Илмий баён ортиқча тасвири,, изоҳни талаб этмайди. Шунинг учун илмий баёнда нарса ва ҳодисалар тасвири учун узундан узоқ ўхшаташ, сифатлаш, параллелизм каби тасвирий воситалар қатнашмайди. Бу каби ортиқча баён фикрни чалгитиб, дикқатни бўлади. Шу сабабли илмий баён доимо қисқаликка интилади. У асосан, ёйик содда гаплардан тузилади. Кўшма гаплар таркибида боғловчилар кўпроқ ишлатилади.

Тўлиқлик илмий нутқнинг синтактик белгиларида кўринади. Илмий нутқда тўлиқсиз гаплар учрамайди. Бунга илмий нутқнинг монологик характерда бўлиши ҳам сабабчидир.

Илмий нутқда тингловчи хабарни ўзи олади, лекин ўзгага хабар қилиш маъносида нутқ тузилмайди. Автор ўз фикрини исботлаш учун жуда кўплаб фактик материалларни келтириш билан тингловчининг ишончини қозонади. Шу мақсадда илмий нутқда ҳар бир сўз аниқлик, тўғри маънода қўлланилиб, айтмоқчи бўлган фикр тўлиқ баён этилади.

Нейтраллик унда қўлланган тил бирликларида кўринади. Илмий баёндаги ҳар бир сўз, ҳар бир грамматик форма адабий тилга хос бирлик саналади.

Сўзлар фигуран маънога, алоҳида лексик қўллашга хос бўлмайди. Интел-лектуал лексика асосий ўринда туради. Экспрессив лексика чегераланади. Мақол, матал, сўз ўйини ишлатилмайди. Эмоционал ундовлар, товушга тақлид сўзлар, образага тақлид сўзлар қўлланмайди. Тилнинг тасвирий ифода воситалари образлилик учун хизмат қилмайди.

**Публицистик услуг. Публицистика** (лот. Публисус – ижтимоий ) – даврнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишлиланган адабий ижод тури. Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шаклантириш, маълум мақсадга йўналтириш, хужжатли факт – маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметидир. Ҳаётда ижтимоий фаолият, онг-карашнинг солмоғи органи сари публицистиканинг, яъни ижодкорнинг воқеликка фаол аралашуви, фикрни бевосита ошкора, дангал ифодалаш тамойили ҳам ошади. Публицистика фан, санъат, адабиёт асарлари таркибига тобора кўпроқ кириб бормокда. Публицистик роман, пеъса, кино асарлари пайдо бўлмоқда.

Публицистика кенг маънода ижтимоий сиёсий ҳаёт масалаларини юритадиган барча турдаги асарларини ўз ичига олади. Публицистик стил турк адабий тилининг нутқ стиллари системасида асосан ХУ111-Х1Х асрларида пайдо бўлди. Турк ноширчилигининг юзага келиши ва аста–секин китоб чоп этиш ва газетачилик асосида ривожланиши Усмонли империясига ХУ111-Х1Х асрларда ижтимоий тараққиётга янги муҳим унсурни олиб кирди. Турк ноширчилиги тарихида ижтимоий ва тарихий ўсишга туртки вазифасини бажарган. Турк публицистикаси Усмонли империясида ислоҳатларнинг бошланишида муҳим омил ролини ҳам ўйнаган.

Публицистик стилнинг оғзаки турига эса нотиқлик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиқлари кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида моҳирона фойдаланиб келганлар. Публицистик стилнинг оғзаки турига кундалик воқеаларга доир мақолалар ёки ҳалқаро обзор билан радио ва телевиденияда чиқаётган шарҳловчиларнинг нутқлари киради.

Публицистик стилнинг ёзма ва оғзаки кўринишлари ўзига хос хусусиятларига эга бўлса-да, улар публицистик стилнинг умумий талабларига бўйсунади. Чунончи, бу стилнинг иккала турида публицистикага хос сиёсий активлик, ҳозиржавоблик, ўтқир ва таъсирчан нотиқлик, мантиқий саловат, ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар мавжуд бўлади.

Публицистикага хос умумий белгиларга автор муносабатининг ошкора ва аниқ ифодаланиш хусусияти ҳам киради. Авторнинг воқеликка муносабати фактларни танлашида, уларни ўз дунё қараши ва эстетик тамойили асосида мантиқий таҳлил қилишида ва ниҳоят, тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларидан фойдаланишида ўз ифодасини топади. Публицист катта (ёшдаги) ҳаётий масалаларни мантиқий мулоҳаза, далил, асослар билан тушунтириши, исботлаши билан бирга ўқувчи ёки тингловчини бунга ишонтириши унинг ирова ва хис туйғуларига таъсири этиши лозим. Шунинг учун публицистик стил ўзида ёзув нутқи стилларига хос хусусиятларини ҳам (масалан, маҳсус ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳага оид терминологиянинг ишлатилиши), бадиий адабиёт стилига хос хусусиятларни ҳам (масалан, образли ифодаларни ишлатиш, эмоционал бўёққа ҳам эга бўлиши) бирлаштирилади.

Воқелик фактларини мантиқий ва образли умумлаштириб ифодаловчи мақола ва бошқа йирик асарларгина эмас, балки матбуот жанрларининг ҳаммаси ҳам публицистикага киради. Публицистика мавзу хусусиятлари жиҳатидан фалсафий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий; услуб жиҳатидан баҳс-мунозарали, ташвиқот – тарғибот, танқидий-таҳлилий, ҳажвий кўринишларга эга. Публицистика жанр жиҳатидан воқеий –информацион (хабар, репортаж, хисобот), таҳлилий (мақола), бадиий-публицистик (очерк, Фельетон, памфлет, ёзувчи мақоласи) турларга бўлинади. Публицистика ҳаёт фактларини чукур таҳлил ва тадқиқ этиш, яъни ижтимоий-публицистик тадқиқот орқали воқеликни кашф этади. Шу жиҳатдан у ижтимоий фанга яқинлашади. Публицистика илмий-назарий хусусиятларга эга бўлиши, у ёки бу фан масалаларини публицистик мақола тарзида талқин ва ташвиқ этиши мумкин. Публицистиканинг шакли, ички тузилиши мантиқий тафаккур ва образлиликнинг ўзаро бирикувидан иборат. Публицистика жанрида образ ўзига хос меъёрда қўлланади. Публицист шахсияти шоир шахсияти сингари ўзининг бой ички дунёси, нуқтаи назари билан намоён бўлади.

Публицистика ўзининг жанрлари миқёси билан даврнинг энг муҳим томонларини камраб олади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари унинг учун кенг майдондир. Публицистика – адабиётнинг факат бир шоҳобчаси, жанригина эмас, балки унинг ўзи бир қанча тур ва хилларга бўлинниб кетади. Шунинг учун ҳам публицистикани адабиётнинг бир жанри деб ҳукм чиқариш нотўғридир. Публицистика ижтимоий сиёсий адабиёт экан, турли соҳаларни ўз ичига олган ижтимоий мазмунни акс эттирувчи ва маълум хусусиятга эга бўлган илмий назарий асарлар ҳам унинг қисмлариdir.

Илмий назарий адабиётлардаги қарашлар асосида публицистика илмий публицистика, сиёсий публицистика, бадиий публицистика каби уч хилга бўлинади.

**Илмий публицистика.** Илмий - назарий публицистика таҳлилнинг чуқурлиги, мазмуннинг объективлиги, хуласаларнинг аниқлиги, илм фандаги буюк кашфиётларнинг жамият ривожига таъсири ва унинг равнақини таъминлашга ёрдами ҳақида баҳс этиш ва бошқа шу каби хусусиятлари билан характерланади.

Публицистика ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олиши ва жанговорлик хусусиятлари билан бирга, кучли маърифий ва бадиий эстетик фазилатларга эга. Публицистиканинг ана шу табиати унинг адабий ижоднинг ҳам маҳсус соҳаси эканлигини кўрсатади.

Илмий публицистика жанрларини қўйидагиларга бўлиш мумкин: тарихий экономик обзор, тарихий адабий обзор, халқаро обзор, сўз боши, хотима, реферат, экономик монография, илмий мақола ва комментарий, конспект, ресензия, полемик чиқищ, тарихий обзор – памфлет, хат кабилар. Жанрлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, кўрсатилган ҳар бир жанрнинг ички хусусиятлари, композицион тузилиши, ифода компонентлари, қонуниятлари, ривожланиш эволюсияси бўлади.

**Сиёсий публицистика** ҳалқ, давлат ҳаётига доир масалаларни, шахс ва миллат хуқуқи, эркинлиги каби сиёсий проблемаларни олға суради.

Маълумки, хат Шарқ сиёсий публицистиканинг энг қадимги жанрларидандир. Мактуб (нома)нинг ривожланиш жараёни орамий, авесто, уйғур, ўрхун-енесей каби қадимги ёзув ёдгорликлари намуналарининг тараққиёт тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Қадимги Чин

манбаларида Даван (Фарғона) давлатининг хони томонидан эрамиздан аввалги 192 йилда Чин императоричаси Гао –Хоуга “нома” ёзилгани тилга олинади. Мазкур фикр Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул ҳақоик” асарининг сўз бошисида ҳам тасдиқланади. Шарқда нома жанрининг қадимдан мавжуд эканлигини исботлаш учун ал-Берунийнинг замондоши, стилист, “Қобуснома” нинг муаллифи Қобус ибн Вашимирни тилга олишимиз мумкин. У катта мартабали кишиларга ёзиладиган сиёсий –ижтимоий характердаги хатларни ўзи ёзган. У даврларда бирор кишига йўлланадиган хатларни ёзиш учун маҳсус лавозим бўлган. Бу лавозимга ҳар томонлама маълумотли киши тайинланган. Қобус ибн Вашимир ана шундай шахслардан эди.

**Бадиий публицистика** ёзувчининг ижтимоий ҳаёт, инсон ва борлик ҳақидаги тушунчаларини бадиий тасвир воситалари, образлар орқали ифодалашдан ташқари, унинг воқеликка муносабати ҳам акс этади. Бадиий публицистика илмий-назарий, сиёсий публицистикадан ўз характерига кўра фарқ қиласи. Яъни унда ёзувчининг ҳис ва эҳтироси, юксак эмоционал руҳи бўлиши зарур. Бадиий-публицистик асарларда фактларнинг ва кўйилган проблемаларнинг сиёсий аҳамияти образли қилиб тасвиранади.

Илмий, сиёсий, бадиий публицистик мақолалар вақтли матбуотдаги газета жанрлари бўлмиш информциядан, лавҳадан ўзининг фактларни ғоявий умумлаштириб бериши билан фарқ қиласи. Бадиий асарда санъаткор тарғиб этмоқчи бўлган ғояни персонажлар системаси ва бадиийлик орқали ифода этади. Варака, мурожаат, прокламация, матбуот обзори кабилар эса бу хусусиятларга урғу килинмайди. Бадиий публицистиканинг илмий-назарий мақолалардан яна бир фарқи шундаки, унда ёзувчининг воқеликни бадиий ўзлаштириши ва ҳис –эҳтироси кўпроқ иштирок этади. Шунинг учун ҳам бадиий публицистик асарларда поэтик ижоднинг барча элементларини учратиш мумкин. Хуллас, публицистика кенг ижтимоий ҳаёт масалаларини қамраб оловчи бадиий –естетик адабиёт ҳамдир.

**Фельетон** (франс. Феуиллеон –варак ) – бадиий – публицистик жанр бўлиб, ижтимоий ҳаёт масалаларини сатира ва юмор воситаси билан, яъни ижтимоий кулги асосида ёритади, ҳамда ижтимоий танқид учун хизмат қиласи.

Фельетон деб, дастлабки даврда матбуотда берилган ижтимоий-сиёсий, адабий – танқидий мавзудаги қизиқарли ва алоҳида ажратиб қўрсатилган материалларга айтилган. Кейинчалик, жамият тараққий этиши билан бу руқнда ижтимоий ҳаётда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни кулги танқиди остига оловчи материалар чоп этила бошланган.

Фельетон ҳажвий публицистиканинг алоҳида жанри бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Мазкур жанрнинг асосий вазифаси жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий томонларини қамраб олган ҳолда ўзида акс этириш, мазкур соҳаларда учрайдиган камчилик, нуқсон, ижтимоий иллатларни фош этиш, бу камчилик ва нуқсонларнинг тутатилишига эришиш, бинобарин, жамият ҳаётининг тараққиётига ижобий таъсир қўрсатишдан иборат. Фельетоннинг танқидий мақола ва бошқа жанрларга оид мматериаллардан фарқи – унинг ҳажвий публицистика қонуниятларига асосланиши, яъни ижтимоий кулги, сатира ва юмор воситаларига таянишидир. Ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турлича бўлиб, улар орасида киноя, ҳазил, енгил кулги кабилар билан бир қаторда заҳархандали кулги, ижтимоий масҳаралаш, гротеск (атайлаб бўрттирилган кулги) каби ҳажв воситалари ҳам мавжуд.

Фельетон ёзилиш услуби жиҳатидан хикоя-Фельетон, публицистик Фельетон, Фельетон – шарҳ, Фельетон – тақриз, Фельетон туркуми кабиларга бўлинади. Буларнинг ҳар бирида Фельетонга хос умумий хусусиятлар билан бир биргалиқда алоҳида тасвирий услуб, ижодий йўналиш мавжуд.

Фельетон бадиий публицистика жанри бўлганлиги сабабли, унда турли бадиий воситалар, жумладан, бадиий тўқима ҳам иштирок этади. Аммо Фельетонда бадиий тўқима адабий асарлардагидан фарқли равишда чекланган кўринишга эга. У Фельетоннинг асоси бўлиб хизмат қилаётган факт ва воқеалардан, “қаҳрамон”лар феъл –авторларининг мантиқидан келиб чиқиши лозим. Фельетонда образ муҳим ўрин тутсада, бадиий адабиёт асарларидан фарқли равишда, унда образ публицистик характерга эга бўлади.

**Мақолада** ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чукур таҳлил қилиниб, назарий ва оммавий

жихатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, иқтисодиёт, техника, фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, халқ хўжалигидағи нуқсонлар танқид қилинади. Матбуотда бош мақола, назарий ва тарғибот мақола, муаммоли мақола кенг қўлланилади. **Бош мақола** таҳририятнинг энг масъулиятли мақоласи бўлиб, унда ички ва халқаро ҳаётга доир муҳим масалаларни ўқувчилар оммасига етказиш вазифаси қўйилади. Бундай мақолалар муайян масала юзасидан йўл-йўриқ кўрсатиш, мавжуд камчиликларни олиб ташлаши, ҳар бир ишнинг асосий ҳақиқий йўлини белгилаб бериши лозим. Президент фармонлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган давлат ва хукумат ҳужҷжатлари, қарорлари, қонунлари, даврнинг долзарб масалалари бош мақолада очиб берилади. **Назарий мақола** ва **тарғибот мақоланинг** асосий вазифаси мустакиллик, миллий ғоя, истиқтол мафкурасининг асослари ва принципларини; илмий мақоланинг вазифаси фан, маданият, техника ютуқларини тушунтириш, оммалаштириш, ўқувчининг ғоявий, илмий савиясини оширишдан иборат. **Муаммоли мақола** мунозара, баҳслашув мазмунида бўлиб, унда бирор масала юзасидан муаллиф ўз қарашларини ўртага таштайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, публицистиканинг барча жанр-ларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларнинг бош мақсади кенг халқ оммасига маълумот етказиш, яъни дунёда ёки ватанимизда содир бўлган муҳим воқеалар, фан – техника ютуқларидан хабардор этиш, адабиёт, санъат, таълим ва бошқа соҳалардаги ижоднинг салбий ёки аксинча ижобий томонларини очиб беришdir.

Публицистика шартли равища уч (илмий, сиёсий ва адабий)га бўлиниб, уларнинг ҳар бири бир неча жанрлар асосида тармоқланади. Ушбу жанрлар-нинг ҳар бири ўзига хос лексикасига, атамаларига ва мазмунига эгадир. Дастрлаб публицистика адабиёт таркибиغا кирганд бўлса, кейинчалик эса у алоҳида мустакил йўналиш сифатида ажralиб чиқсан.

### Сўзлашув услуби

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услубини икки асосий турга ажратиш мумкин: адабий-сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий нормаларига мос бўлиб, тартибга солинган ва пухта ишланган бўлиши билан характерланади. У содда тил, шева ва жаргон элементларидан холидир. Абадий сўзлашув услуби касби ва мутахассислигидан қатъий назар, шу адабий тилни билган барчага таниш ва маълум бўлган асосий услуг ҳисобланади. Шу маънода у, кўпинча, нейтрал услуг сифатида идрок қилинади. Тилнинг табиий сўзлашув усули маҳсус фаолият билан боғлиқ бўлмаган кундалик алоқа – аралашув учун хизмат қиласи: у билан мактабларда ва ўқув юртларида ўқитилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. Қисқаси, адабий сўзлашув услуби умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал тури саналади.

Оддий сўзлашув услуби учун эса бетакаллуфлик билан эркин равища мумкин, алоқа килиш характеристи хусусият саналади. Унда сўзлашув нутқига хос бўлган эмоционаллик яққол билиниб туради. Бу ҳол айниқса, унинг синтактик қурилишига ҳам, лугат бойлигини танлашга бўлган муносабатига ҳам таъсир қиласи.

Оддий сўзлашув усули ўз таркибига содда тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий нормаларига хос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиши мумкин.

Сўзлашув услубининг бу икки тури ўзининг бир қатор грамматик, лексик-фразеологик ва фонетик хусусиятларига эгадир. Қуйида булар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Миллий тилнинг равнақи учун лексик-фразеологик ва грамматик нормалар билан бир қаторда талаффуз нормалари ҳам жуда аҳамиятлидир. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг орфоепик нормалари театр, кино, радио, телевидениедаги эшиттиришлар, айниқса, мактаб ва ўқув юртларидағи ўқиши – ўқитиш ишларини тараққий қилдириш туфайли янада кенг ёйилиб бормоқда.

Сўзлашув услубида, бир томондан, умумадабий тилга хос, иккинчи томондан, оғзаки нутқка хос талаффуз хусусиятларини кўриш мумкин.

Нутқнинг характер ва хусусиятига кўра талаффуз усулларини икки асосий гурухга

бўлиш мумкин:

1. Тўлиқ усул
2. Қисқартма усул

Талаффузнинг тўлиқ усули лекторлар, актёрлар, дикторлар, нотиклар нутқи учун характерли. Тўлиқ усул нутқи маданиятининг барча соҳаларида адабий тилнинг умумий талаффуз нормаларига риоя қилишни талаб қиласди, унда ҳар бир сўз аниқ, дона –дона талаффуз қилиниши шарт.

Талаффузнинг қисқартма усули эса асосан жонли сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди.

Қўйида талаффузнинг қисқартма усулининг баъзи хусусиятлари ҳакида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, сўзлашув услубида умумистеъмодаги адабий-нейтрал сўзларни талаффуз қилишда бирмунча эркинлик сезилиб туради. Ана шу “еркинлик” айрим адабий –нейтрал сўзларнинг фонетик жиҳатдан фарқланишига сабаб бўлади.

Сўзлашув услубига мансуб сўзларнинг фонетик белгиси қўпинча амалдаги адабий норматив шакллардан фарқланувчи ёки унга қарама-карши келувчи ўринларда юзага келади. Бунинг қўйидаги қўринишларини учратиш мумкин:

1. Адабий-норматив талаффузда сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алманиши орқали фарқланади. Масалан, қийғир, наълат, шапра, ўрпимоқ сўзлари талаффузига кўра жонли сўзлашувга хос бўлиб, уларнинг адабий талаффуз нормаси қирғий, лаънат, шарпа, ўпирмоқdir.

2. Сўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши ҳам сўзлашув тилида бирмунча учрайди: қуфламоқ (кулфламоқ), ташамоқ (ташламоқ), кўқартмоқ (кўқартиромоқ), барикарам (баргикарам).

3. Сўзлашув талаффузида баъзан бирон товуш орттирилади: чечмоқ (ечмоқ), камчин (камчи), корчаллон (корчалон), янгитдан (янгидан)

4. Сўзлашув тилида сўз таркибидаги бир товушнинг бошқа бир товуш билан алманиши орқали ўзгарган сўзлар ҳам кўп: бўқоқ (буқоқ), минчоқ (мунчоқ), кўмирчак (кемирчак), кўйнак (кўйлак), таннов (тарнов), қамич (қамиш), нуска (нусха), қалмоқ (қармоқ), қимилламоқ (кимиrlамоқ), тиқиллатмоқ (тиқирлатмоқ), бойламоқ (боғламоқ), маҳтамоқ (мағтамоқ) ва б.

5. Нихоят, сўзлашув нутқида аффикслар қўшилиши натижасида ўзак –негизда хосил бўладиган қисқартмалар ҳам бирмунча учрайди: опти (олибди), кепти (келибди), опкепти (олиб келибди).

Талаффузнинг қисқартма усулига хос бу каби шакллардан бадиий адабиётларда оғзаки нутқни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида фойдаланилади. Масалан:

“Қора ботир келиб, қилич яланғочлаб, саҳнадан ҳайдаб, (олиб) опчиқиб кетди”. “Бир қизни яхши қўрадим. Учратиб қолдим. Кинога опкириб кетаётган эдим, хотиним ўғлимни боғчадан опкелаётган экан, кўриб севиниб кетдим”.

Сўзлашув услубининг баъзи морфологик хусусиятларини бошқа сўз туркumlари доирасида ҳам кузатиш мумкин.

Сўзлашув услуби нутқнинг диалогик шаклидир. Бу стил ёзма нутқка қараганда таъсиранлиги, хиссиётга бойлиги, янги сўз қўллашлар мавжудлиги билан ажralиб туради. Бу стилда сўзловчининг барча имкониятлари намоён бўлади. У нутқига хиссиётини ҳам қўшиб гапиради. Бунда турли имо ишора ва қўл харакатларидан фойдаланади. Бу воситалар нутқда айтилмай қолиши мумкин бўлган сўз ва ибораларнинг ўрнини тўлдиради ва баён қилинаётган фикрни янада аниқлаштиради. Бу стилда тўлиқсиз гаплар ишлатилади, чунки туширилган қисм бошқа бир репликада ёки бошқа бир нутқ вазиятида ифодаланиши мумкин. Сўзлашув стилининг икки хил қўриниши бор;

1. Адабий сўзлашув стили.
2. Оддий сўзлашув стили.

Адабий сўзлашув стилида ўқитувчилар, сухандонлар, журналистлар, илмий ходимлар, ёзувчи ва шоирлар, раҳбар ходимлар, артистлар гаплашадилар. Бу стил дарс жараёнида, саҳна нутқида, кино санъатида, телефилмлар, ахборотлар, телекорклар,

радиоинтсенировкаларда ишлатилади. Адабий сўзлашув стилида жаргон ва шева сўзлари бўлмайди.

Оддий сўзлашув стилида бетакаллуфлик билан эркин муомала қилинади. Бунда шундай сўзлар ишлатилади, улар адабий тилда бўлмаслиги мумкин. Лекин бундай сўзлар бадиий нутқда айрим персонажлар нутқининг ўзига хослигини таъминлаш учун қўлланиши мумкин. Оддий сўзлашув нутқи диалектал нутқни ҳам акс эттиради. Сўзловчи қайси диалект вакили бўлса, шу диалектда гапириши мумкин. Масалан, *аши*, *маши*, *қайдам*, *қайтайин*, *шулайми*, *жсаа*, *бўлтика* билар оддий сўзлашув стилига хос.

Ҳар бир стил тури фонетик, лексик - фразеологик ва грамматик хусусиятларга эга. Шунингдек, сўзлашув стилининг ҳам шундай томонлари бор.

Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари

Бу стилда ҳам адабий тилга, ҳам оғзаки нутқка хос талаффуз хусусиятларини кўриш мумкин. Бу стилга хос талаффуз меъёрларини 2 турга бўлиш мумкин:

Биринчиси - актёрлар, ўқитувчилар, сухандонлар, нотиклар нутқига хос бўлиб, бунда ҳар бир сўз дона - дона талаффуз қилиниши, нутқининг фонетик бўлаклари: фраза, тантрі ажратилиши лозим.

Иккинчиси - оддий сўзлашув нутқига хос бўлиб, адабий талаффуздан фарқланувчи ва унга қарама-қарши бўлган хусусиятлар ифодаланиши мумкин.

Сўзлашув стилининг лексик-фразеологик хусусиятлари

Бу стилда ишлатиладиган фаол сўзлар луғат таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Бундай сўзлар уйда, кўчада, ишхонада, бозорда, тўй-томушада ишлатилади. Сўзлашув стилида қўлланадиган асосий сўзлар; *эмек*, *су*, *сосук*, *гїнеş*, *туз*, *эт*, *тенсере*, *казан*, *карӣ*, *коса* кабилар услубий бўёқсиз бўлгани учун нейтрал сўз ҳисобланади. Лекин бу стилда яна шундай сўзлар ишлатилади, улар ё ижобий ёки салбий бўёққа эга бўлади. Масалан, эшекче - каба (бир биçимде) кабилар салбий бўёқка, *ҳаним*, *ҳанимефенди*, *эфенди*, *бейлер*, *аби*, *кўйиқ* кабилар ижобий бўёққа эгадир.

Сўзлашув стилининг грамматик хусусиятлари

Сўзлашув нутқида этикетнинг мажбурий элементи сифатида *ҳаним*, *ҳанимефенди*, *эфенди*, *беефенди*, *наşa* каби сўзлар фаол ишлатилади:

— Арзеттик я паşам... Беним сергим мидеден, дамактан зияде гўзлерин зевки исин...

— Сизи мўтебассир ми эдиёр, Кенан Бей?

Кенан, сесини даҳа зияде алқакті :

— Онун исин дебил, Нимет Ҳанимефенди... Бу манасиз Кинали Япмасакъм ҳикаесинден чок даҳа эҳеммиетли шейлеримиз вар... Онлардан баҳсетмеелим ми?

Турк тилидаги сўзлашув нутқида кириш сўзлар кўп қўлланилади:

Мўземин асл киймети нересиндедир, **билиёр мусун?**

Факат, **билирсин я**, бен ҳаятта дайма менфааттен зияде кейфими дўйшндём.

**Гўрёёр мусун** Савидан...

Сўзлашув стили икки ва ундан ортиқ одамлар орасида бўладиган мулокотда ишлатилади. Бунда диалог рол ўйнайди. Шунинг учун, гаплар тўлиқсиз шаклда бўлади. ишлатилмаётган гап бўлакларининг ўрнини нутқ вазияти тўлдириб туради. Масалан:

— Ҳайди генç санаткар, деди, соҳбетинизин аркасина ики ай сонра девам эдерсиниз...

Ҷалашинз, операнзла биййик муваффакиет казанасайдинзи ўмит эдерим... Бу киши Істанбулъда гецирмек истиёрдук... Факат эсеринизин ilk темсилинде ҳазир булумак вазифеси қўти. Кенан Бейин муваффакиетине истирак, бир сеяҳат заҳметине дебор дебил ми Савидан?...

— Элбет баба, бунлар сойлемеден караплашан шейлерден...

— Эсериниз ҳаккнда бизе ара сира биркаш сатрла малумат верирсиниз дебил ми?...

— Бу да сойлемеден караплашан шейлерден, дебил ми эфендим...

Нутқ вазияти эса, бу жумлаларни тўлиқ айтмасликни тақозо қиласди.

**Бадиий услуб.** Стилистика тилшунослик ва адабиётшунослик ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллайди. Тилшунослик учун тилни ўрганишдан асосий, бош мақсад ҳисобланади. Тилшунослик тилни айтилган, гапирилган гапнинг маъносидан ажратиб олади. Айтилган гапнинг мазмуни нутқ, сўз, гапнинг маъноси сифатида назарда тутилади. Адабиётшунос

учун эса, албатта биринчи навбатда ғоя мұхим. У тилга шу тарафдан ёндашади. Ва у учун тил мазкур ғояни (фикрни) ифодалаш учун керак. Бадий асарнинг тилига тилшүнослик ва адабиётшүнослик икки турли томондан ёндашади. Албатта бирорта ҳам иборани унинг мазмунини ҳисобга олмай туриб ўрганиб бўлмайди. Биз юқорида айтган бўлинниш шартли бўлинишдир. Стилистика масалалари айнин қайси бўлимга – тилшүносликками ёки адабиётшүносликками - тегишли эканини айтиш мушкул. Стилистика – тилшүнослик билан адабиётшүносликни боғловчи фан ҳисобланади.

Академик В.В.Виноградов стилистика учта катта проблемани ўз ичига олиши керак, деб бунга қуидагиларни киригади: 1) тил стилистикаси, 2) нутқ стилистикаси, 3) бадий адабиёт стилистикаси.

Б.В.Виноградов тил стилистикасига функционал стилларни киритади ва уни “системалар системаси” деб ҳам номлайди. Бунга сўзлашув, илмий, публистик, расмий иш қоғозлари ва бошқа нутқ турларини киритади.

У нутқ стилистикасида ёзма ва оғзаки нутқнинг семантик ва экспрессив- стилистик фарқларини аниқлайди ҳамда дискуссия, лексия, консультация, пресс-конференсия, доклад, сұхбат, бош мақола, илмий ресензия, табрик, адрес каби турларга бўлади. Классификациясининг бири, учинчиси эса факат адабиётшунослик стилистикасининг текшириш обьектига киради. Ана шу 1- ва 2-масала бир томондан тилшунослик стилистикасининг ўзи ҳам турлича изохланса, иккинчи томондан “адабиётшунослар билан тилшунослар ўрта-сида тортишувга сабаб бўлмоқда”.

Лингвистик стилистикада бир хил қарашнинг йўқлиги бадиий ва инди-видуал стилларнинг функционал стиллар доирасига кириши ёки кирмас-лигига, унинг умумхалк адабий тилига муносабатида, тил ва нутқ ҳодиса-ларининг турлича изохланишида кўринади.

Адабиётшунослар билан тилшунослар ўртасыда тортишувга сабаб бўлган ҳодиса бадиий стилнинг икки аспектга эгалигидадир. Чунки адабиёт-шунос бадиий стил ва автор стилини ўрганар экан бевосита тил элемент-ларига мурожаат этади. Натижада ўртада фарқ қолмагандек кўринади. Шунинг учун бу ҳақда кисман тўхтаб ўтамиз.

Адабиётшунослик стилистикаси хам “биринчи элемент” бўлган тил бирликлари орқали иш кўради. Аммо адабиётшунослик стилистикаси “Тил-нинг тасвирий ифода воситалари”ни, яъни сифатлаш, ўхшатиш, метафора, жонлантириш, муболага ва кичрайтириш, антитеза, эллипс ва бошқа *кўчим* хамда стилистик фигуralарнинг бирор бир бадиий асар, автор, бирор адабий оқим ёки бутун бир даврга хос белгиларини ўрганадики, бу билан адабиёт-шунослик стилистикасида сўз–образлилик, бадиий тафаккур маҳсулси сифа-тида қаралади. Шу нуқтаи назардан у поэтика, адабиётшунослик назарияси соҳалари хисобланади.

Бадиий стилда индивидуал стил ҳам, адабий оқимлар стили ҳам намоён бўлади. Яъни бир ижодкорнинг бир неча асарларини таҳлил этиш билан индивидуал стилни, бир адабий оқимга мансуб бўлган ёзувчи, шоирларнинг асарларини таҳлил қилиш билан маълум адабий оқим стилини ўрганиш мүмкин бўлади.

Шу ўринда бир нарсаны унутмаслик керакки, бадий адабиётни факат стилистикагина эмас, балки тарих, адабиёт назарияси, эстетика, психология, педагогика ва тилшунослик фанлари хам ўрганади. Бу фанлар бадий адабиётни ўз методлари асосида текширади.

Адабиётшунослик стилистикаси бадий асарнинг стил хусусиятларини ўрганишда асарда акс этган даврнинг ижтимоий ҳаёти, асар қандай тузумга оид мамлакатда ёзилганилиги, қайси синфга хизмат қилиши, давр тили, маданияти, жанр хусусиятлари каби масалаларга ҳам эътибор қаратади. Булардан қатъий назар, бадий асарнинг стилистик анализига келганда адабиётшунос ҳам, тилшунос каби тил фактларига дуч келади. Бу ўринда адабиётшунос ҳам, тилшунос ҳам тилнинг бир бутун табиатини, бадий асарда кўлланган умумхалқ, диалект, жаргон ва адабий тилга хос бирлик-ларни ажратади. Бу тилнинг ўз табиатини ҳамда бадий тафаккур маҳсули сифатида контекстдаги табиатини зарур. Шу билан бирга, бадий асарнинг умуман лингвистик асоси билан бадий санъат асари тилини бир-бирига кўшиб юбормаслиги керак. Тил бирликларини оддий фактлар билан анализ қилиш орқали бадий санъат асарининг моҳиятини очиб бўлмайди. Бу ўринда тилнинг ўз табиатини ҳамда бадий тафаккур маҳсули сифатида контекстдаги табиатини

ажрата билиш лозим.

Адабиётшунослик стилистикасида бадий асарнинг фақат тил хусусиятларини текшириш билан иш битмайди. Унинг барча форма ва мазмунини ҳам яхлит тушунмоқ керак бўлади.

Бадий асарнинг стилистик анализида биринчи ўринда ғоявий –тематик мазмун туради. Гоявий-тематик мазмунга ахлоқий, сотсиал, сиёсий, психологик ва бошка проблемалар оид бўлиб, буларни ижодкор ҳаётий фактлар асосида ишонарли даражада тасвирлайди. Иккинчи ўринда бадий асарнинг композиция ва сюжети, образлар системаси, фабула, характер ва шароит туради. Булар воситасида ғоявий-тематик мазмун очилади. Учинчи ўринда тилнинг лексик ва грамматик бирликлари, булар асосида образлар системаси, тасвирий воситалар берилади. Тўртинчи ўринда бадий асарнинг лексик ва грамматик бирликлари, товуш ва график белгилари ётади. Бадий асарни бу каби бўлиш автор нуқтаи назаридандир. Тадқиқотчи эса, аксинча, қуидан юкорига қараб боради. Яъни график белгиларни ўқиш ёки эшитиш орқали сўзга, грамматикага, сўнг образли фикр, характер, пейзажга, охирида шулар орқали ёзувчи томонидан илгари сурилган ғояга қараб келади. Бу бўлинишларнинг биринчи ва иккинчисида соф адабиётшунослик нуқтаи назаридан анализ қилиш орқали бадий адабиётнинг стилистик хусусиятини ўрганиш мумкин бўлса, учинчи ва тўртинчи бўлинишларда лингвистикани ҳисобга олмасдан туриб адабиётшунослик стилистикасини ўрганиб бўлмайди.

Учинчи ва тўртинчи бўлинишларда гарчи, лексика ва грамматика биринчи планда турса-да, лекин тилшуносликнинг бошка соҳалари: фоне-тика, диалектология, этимология бўйича маълум билимга эга бўлиш лексик ва грамматик тадқиқотларни янада мукаммалроқ бўлишини таъминлайди. Бунинг учун адабиётшунос ҳам тилшуносликнинг шу соҳалари билан маълум даражада таниш бўлиши лозим. Бу ўринда, яъни учинчи ҳамда тўртинчи бўлинишда адабиётшунослик ва тилшунослик стилистикаси ўртасида фарқ қолмагандек кўринади. Адабиётшунослик стилистикаси лексик ва грамматик воситаларнинг образлилик, тасвирий ифода воситаси, характер, пейзаж каби бадий компонентларни акс эттириш нуқтаи назаридан ёндашади ва буларни бошка авторларга солишигириш, қиёслаш асосида бирор бадий асар, автор ёки бирор бадий оқимнинг стилистик хусусиятларини аниқлади. Тилшунослик стилистикаси эса бадий адабиётдаги лексик ва грамматик бирликларни адабий тилга, унинг нормасига чоғишигириш орқали бадий асарда қўлланган бирликларнинг тил ёки нутқ ҳодисасига кириши нуқтаи назаридан текшириб, бадий нуткнинг стил белгиларини аниқлади.

Бадий услубда индивидуал (ёзувчи, шоир) услуги ҳам, адабий оқимлар услуги ҳам намоён бўлади.

Бадий адабиётда фақат услугбиятни эмас, балки тарих, адабиёт назарияси, эстетика, психология, педагогика ва тилшунослик фанлари ҳам ўрганади.

Адабиётшунослик услуги бадий асарнинг услуг хусусиятларини ўрганишда асарда акс этган даврнинг ижтимоий ҳаёти, асар қандай тузумга оид мамлакатда ёзилгани, давр тили, маданияти, жанр хусусиятлари каби масалаларга ҳам эътиборни қаратади.

Бадий адабиётнинг услугий таҳлилида биринчи ўринда ғоявий-тематик мазмун туради. Иккинчи ўринда бадий асарнинг композиция ва сюжети, образлар системаси, характер ва шароит туради. Булар воситасида ғоявий-тематик мазмун очилади. Учинчи ўринда тилнинг грамматик ва лексик бирликлари, булар асосида образлар системаси, тасвирий воситалар берилади. Тўртинчи ўринда бадий асарнинг лексик ва грамматик бирликлари, товуш ва график белгилари ётади.

Бадий услуг турли жанрларда ифодаланади. Минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бидиият масаласи ҳамиша шеър аҳлиниң дикқат марказида бўлиб келган. Бидиият маънавий ва лафзий санъатларга бўлинади.

Иншо лафзий санъатлардан бўлиб, шеърдаги ифода усулларини англатувчи бу санъат таманинъ, нидо истифҳом ва нахий деган тўрт усулни ўз ичига олади.

Таманинъ “орзу қилиш” маъносини ифодаловчи бу бадий усул шеърда лирик қаҳрамоннинг у ёки бу тилаги – таманносини ифодалашни назарда тутади. Масалан:

Очмағай эрдинг жамолинг оламаро кошкы,  
Солмағай эрди бори оламда ғавғо кошкы.

Навоий

Нидо. Бу усул лирик қаҳрамоннинг бошқа шахсларга, нарсаларга хитоб қилиши, уларга мурожаат этган ҳолда ўзининг ички кечинмалари, туйғулари, тилаклари, мулоҳазаларини баён қилишини назарда тутади. Масалан :

Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг, зор-зор,  
Ким соладур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушкан хор-хор  
Навоий

*Истифҳом.* “Сўрамоқ” маъносини англатувчи бу усул шеърий асарларда лирик қаҳрамоннинг ички олами, қалбида мавжланаётган туйғулари, покиза орзуларини кимгадир ёки нимагадир мурожаат этиб сўраш орқали, саволлар воситасида акс эттиришни низарда тутади. Масалан:

Жигарим боғлади қон ёр учун, ёр қани?  
Сирри ҳолимни билур маҳрами асрор қани?

Хофиз Хоразмий

*Ташибиҳ.* Маънавий санъатлар турига киради. “Ўхшатиш” маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Шарқ адабиётшунослигида ташбихлар ҳақиқий ва мажозий ташбихларга бўлинган. Аниқ хаттий буюмлар ўхшатиш учун танланган бўлса, ҳақиқий ташбих; ноаниқ, мавҳум тушунчалар танланган бўлса, мажозий ташбих ҳисобланади. Мисол (ҳақиқий ташбих)

Лабинг ғунча, юзинг икки қизил гул,  
Қадинг сарву, сочинг гўёки сунбул.  
Фуркат.

Ташбих санъатининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар ташбихи мутлақ, ташбихи киноя, ташбихи машрут, ташбихи тавсия, ташбихи акс, ташбихи измор ва ташбихи тафзил номлари билан аталади.

*Истиора* - маънавий санъатлар турига киради. Арабча сўз бўлиб “бирон нарсани омонатга олмоқ” деган маънени ифодалаб, адабий асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи уни ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати саналади. Масалан:

Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигинги сарвдек ҳаргиз,  
Оёғингға тушуб барги ҳазондек мунча ёлвордим.

Бобур.

Адабиётшунослиқда истиора ташбихдан кучли саналади. Тузилишига кўра содда ва мураккаб истиорага бўлинади. Содда истиора – бир сўздан ёки иборадан ташкил топган (гул). Мураккаб истиора – бирикмали истиоралар (тўқармен лолалар).

Киноя – маънавий санъатлар тури. “бир фикрни яширин ифода этмоқ” маъносидаги сўз бўлиб баён илмида уни “ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз маъноси англашиладиган сўз” – деб изоҳланади.

Киноя ҳалқ оғзаки ижодидаги асқия ва ибораларда ҳам кўп қўлланилади. Масалан: “тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди” жумласи аксар ҳолда кўчма, киноя маъносида қўлланиб “умидсизланди”, “лол бўлиб қолди” каби мазмунни ифодалайди.

### Назорат учун саволлар:

1. Адабиётшунослик стилистикаси ва тилшунослик стилистикаси орасидаги фарқ нимада?
2. Тилшунослик стилистикаси нимани аниқлайди?
3. Қачон адабиётшунослик ва тилшунослик стилистикаси ўртасида фарқ қолмагандек кўринади?

4. Бадиий асарнинг стилистик анализида иккинчи ўринда нима туради?
5. Бадиий услугга хос хусусиятлар қайсилар?
6. Сўзлашув стилининг кўринишлари қандай?
7. Сўзлашув стилининг лексик хусусиятлари нималардан иборат?
8. Илмий публицистика қайси хусусиятлари билан фарқланади?
9. Публицистиканинг вазифаси нималардан иборат?
10. Бадиий публицистиканинг илмий –назарий мақолалардан фарқи нимада?
11. Илмий стилнинг қандай хусусиятлари бор?
12. Илмий стилнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари қандай ифодаланилади?
13. Адабий тилнинг меъёрлари нечага бўлинади?
14. Умумтил меъёрларининг турлари хақида гапиринг.
15. Стилистик меъёрлар нималарга боғлик?
16. Функционал услубларни таснифлашда қандай меъёрларга суюнилади?
17. Замонавий тилшуносликда кўпчилик олимлар асосий функционал услубларни ажратишида нималарга таянилади?
18. Анъанавий функционал услубларни сананг.
19. Тил воситалари “тўплам”и деганда нимани тушунасиз?
20. Функционал услубнинг нутқий тизимилиги нималарга боғлик?
21. Функционал услуг қайси омиллар таъсирида шаклланади?
22. Услубнинг коммуникатив лингвистик моҳияти нималардан иборат?
23. “Стил” тушунчасига таъриф беринг.

#### **Адабиётлар:**

1. Латышев Л. К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М., 1988.
2. Миньяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М: Воениздат, 1980  
Комиссаров В. Н. Теория перевода (Лингвистические аспекты). –М.: Высш. шк., 1990. С. 51.
3. Комиссаров В. Н. Лингвистика и перевод. М., 1980.
4. Комиссаров В. Н. Общая теория перевода (Проблемы переводоведения в освещении зарубежных учёных). М.: ЧеРо, 1999.

### **3-мавзу: Таржима тушунчаси ва таржимашунослик соҳасининг вазифалари Режа**

1. Таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти ва вазифалари.
2. Таржимашунослик соҳасининг йўналишлари.
3. Таржимашунослик бўлимлари.

**Калит сўзлар:** Таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти ва предмети. “Таржима” таърифи. Таржимашунослик соҳасининг тараққиётида уч асосий йўналиши. Таржиманинг асл матнга муқобиллиги. Таржима назарияси ёки таржимашунослик соҳасига фан сифатида кўйиладиган вазифалар. Таржиманинг умумий назарияси. Таржиманинг хусусий назарияси. Таржиманинг маҳсус назарияси. Таржима назарияси ва амалиёти тарихи. Таржима танқиди. Машина таржимаси назарияси. Таржимага ўқитиш методикаси. Таржима социологияси. Таржима таҳрири. Таржима танқиди. Таржима практикологияси. Таржима дидактикаси.

Таржима инсонларнинг энг қадимги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Тиллар ўртасидаги фарқ инсонларни ушбу оғир, бироқ зарурий меҳнат билан шуғулланишига сабаб бўлган. Зеро, таржима халқлар ўртасидаги мулокот ва маънавий қадриятлар билан алмашинув васитаси бўлиб хизмат қилган ва бугунги қунда ҳам хизмат қилмоқда.

“Таржима” сўзи кўп маъноли бўлиб, унинг икки маъносини атама сифатида қабул килишимиз мумкин. “Таржима” атамаси бир тилдаги мазмунни иккинчи тилга муайян тил воситалари ёрдамида ўгириш жараёни бўлган ақлий фаолиятни билдиради. Ушбу жараённинг натижаси – ёзма ёки оғзаки таржима матни ҳам “таржима” атамаси орқали ифодаланади. Бу иккала тушунча бир-биридан фарқ қиласа-да, диалектик алоқадаги бир бутунликни ҳосил этади, уларнинг бири иккинчисиз юзага келмайди. Шу ўринда қайд этиш керакки, тилшуносликда “таржима”га қараганда кенг маъноли бўлган “икки тилли коммуникация” тушунчasi ҳам мавжуд. Унда асосий ўринни лисоний воситачилик эгалладиди, таржима ҳам, қайта сўзлаб бериш, ёзма баён этиш ҳам, мослаштирилган жумлалар ҳам айнан шу тушунча таркибиغا киради.

Ҳозирги пайтда дунё тилларида қўлланилаётган, масалан, роман тилларидаги традустион (*фр.*), традуссион (*усн.*), традусао (*порт.*), традузионе (*ит.*), “таржима қилмоқ” (традуире, традусир, традузир, традурре) ва «таржимон» (традустеур, традустор, традутор, традутторе) тушунчалари, факат ХВИ асрдагина пайдо бўлган. Бу давргача қайд этилган тушунчалар бошқа сўзлар билан берилган.

Таржимашунослик соҳасининг тараққиётида уч асосий йўналиш кўзга ташланади: тилшунослик соҳасидаги таржимашунослик, адабиётшунослик соҳасидаги таржимашунослик, машина таржимаси (амалий, инженерлик таржимаси).

Тилшунослар асосий эътиборни таржима жараёнини ўрганиш, таржиманинг гипотетик моделларини яратиш, асл матн ва таржима матнини солишишириш орқали лексик, грамматик ва матний муқобилликларни аниқлаш, таржимашунослик қонуниятларини аниқлаш, асл матн мазмунини беришдаги таржима усусларини тавсифлаш, таржимада эквивалентликни белгиловчи мезонларни ахтариш, таржимага ўқитишнинг самарали усусларини аниқлаш каби масалаларни ўрганишга қаратишиди.

Адабиётшунослар таржиманинг аксеологик аспектларини<sup>6</sup> тадқиқ этишни диққат марказларида тутишди. Одатда улар бадиий асарларни таржималари билан солишишириб ўргания ва таржиманинг асл нусхага эстетик нуқтаи назардан муқобиллиги даражасини баҳолаш, таржима тилининг маънавий маданиятнинг ривожида тутган ўрнини белгилаш, таржиманинг давр ахлоқий эҳтиёжларига мутаносиблиги даражасини таҳдил этиш каби

<sup>6</sup> Аксиология (қадимги юононча ἀξία — қадрият сўзидан) — фалсафанинг бўлими бўлиб, қадриятлар назарияси маъносини билдиради. Аксиология қадриятлар табиати, уларнинг воқеликдаги ўрни ва роли, турли қадриятларнинг ўртасидаги алоқалар, ижтимоий ва маданий омиллар билан шахсият ўртасидаги муносабатни тадқиқ этади.

масалалар билан шүгүлланишди. Адабиётшунослар ва бадий адабиёт таржимонларининг кўплаб ишлари таржимачилик фаолиятининг касбий масалаларини ўрганиш, таржимачилик соҳасидаги тажриба алмашинув, маълум бир таржима асарларнинг ютуқлари ва нуқсонларини баҳолашга бағишлиланган.

Машина таржимаси йўналиши автоматик тарздаги таржимани амалга ошириш ғояси кучайган бир даврда пайдо бўлди ва амалий аҳамият касб этди. Бу йўналиш машина таржимасини моделлаштириш муаммолари билан шүгүлланади, хусусан, воситачи тил ёрдамида таржима қилиш ёки уч босқичли (анализ — қайта шакллантириш — синтез), таржимани моделлаштириш, инсоннинг таржионлик фаолиятини қолиплаштириш, лисоний маълумотга самарали қайта ишлов бериш усуллари топиш, тилнинг синтактик қурилмаларини аниқлаш, лексик бирликлар маъноларини тавсифлаш, маълум бир электрон мослама учун бир тилдан иккинчи тилга ўтириш дастурлари ва алгоритмларини тузиш кабилар ҳам айнан машина таржимаси йўналишининг вазифаларидан саналади.

Мазкур йўналишлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлардан адабиётшунослик ва тилшуносликка оид ишларнинг бир-бири яқин эканлигини кўришимиз мумкин. масалан, адабиётшуносликка оид масалалар таҳлилида, хусусан, бадий асар татадқиқида тилшунос эстетик баҳолар ва адабиётшуносликдаги қарашларга ҳам мурожаат қиласиди. Таржима бўйича тадқиқот олиб бораётган адабиётшуносининг тилшунослик тушунчаларига эътибор қилмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли бу икки йўналишни бир соҳа – филология соҳасида ўрганиш мақсадга мувофик.

“Таржима” атамаси тадқиқот мақсадлари ва олимларига қарашларига боғлик равища таърифланган. Масалан, рус таржимашунослиги асосчиларидан бири бўлган А. В. Федоровнинг эътирофига кўра, таржиманинг тадқиқ материали ўлароқ «фақат нутқий асар бўлган матнлар хизмат қиласиди»,<sup>7</sup> айни чоғда таржима «бир тил воситалари орқали ифодаланган мазмунни иккинчи тил воситалари ёрдамида тўлиқ ва тўғри ифодалаш» қобилиятидир<sup>8</sup>. Структур тадқиқотлар тарафдори бўлган А. А. Черняховская “таржима” бу, «нутқий асар тузилмасининг қайта шаклланиши бўлиб, мазкур фаолият натижасида мазмун плани ўзгармаган ҳолда ифода шакли ўзгаради, бир тил иккинчиси билан алмашади»<sup>9</sup>. Таржимага денотатив ёндашиш тарафдорларининг фикрига кўра, таржима «асл матн тилида тавсифланган денотатларни таржима тили ёрдамида баён этиш”дир»<sup>10</sup>; трансформацион усул тарафдорлари таржима — бу «бошланғич тил (асл матн тилининг) бирликлари тузилмаларини таржима тили бирликлари ва тузилмаларига айлантириш” деган фикрни илгари суришади»<sup>11</sup>, семантик назария тарафдорларининг таъкидлашича, таржиманинг вазифаси «асл матн ва таржима матни мазмунлари ўртасидаги муқобиллик муносабатлари моҳиятини очиб бериш”дан иборат<sup>12</sup>.

В.В.Виноградов “таржима” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “ижтимоий зарурият туфайли юзага келган, бир тилдаги ёзма ёки оғзаки матнларда ифодаланган ахборот (мазмун)ни бошқа тилдаги муқобил матн орқали етказиш жараёни ва натижаси таржима” хисобланади. Бу таърифга қўшимча изоҳ бериш зарур.

Биринчидан, “ахборот” дейилганда, асл матннинг бутун мазмуни, ғоясига тааллуқли бўлган ва таржимада акс эттириш мажбурий бўлган барча хусусиятлар, шунингдек, услубий, эмоционал-экспрессив, функционал, баҳо бериш, жанрига оид белгилар, эстетик юки тушунилади. Шу тарзда, ахборот дейилганда, кибернетикада ўрганиладиган эмас, балки ўлчанадиган тушунчалар англашилади. Н.Винернинг қайд этишига кўра, «ахборот —ташқи дунёни бизга таништириш ҳамда хиссиётларимизнинг унга мослашиши жараёнида қабул

<sup>7</sup> Федоров А. В. Основы общей теории перевода. М., 1983. С. 10.

<sup>8</sup> Ўша асар. С. 10.

<sup>9</sup> Черняховская Л. А. Перевод и смысловая структура. М., 1976. С. 3.

<sup>10</sup> Комиссаров В. Н. Слово о переводе. М., 1973. С. 32.

<sup>11</sup> Комиссаров В. Н. Слово о переводе. М., 1973. С. 38.

<sup>12</sup> Ўша асар. С. 42-43

килинган мазмун белгисидир»<sup>13</sup>. Бошқача килиб айтганда, кибернетикада ахборот билан эмас, балки ахборотнинг мутаносиб келувчи сўзлар, белгилар, рамзлар ва бошқалар орқали моддий ифодаси билан иш кўришади. Ахборот микдорининг кибернетик ўлчови ихтиёрий белги ёки ишоранинг реал мазмуни, сўз орқали ифодаланадиган маъно ва ҳислардан ажралган, яъни айнан биз учун бош тадқиқот обьекти бўлган тушунчалардан ажралиб чиқкан.

Иккинчидан, “муқобиллик” дейилганда, асл матнинг жанридаги ўзига хослик, хусусан, ундаги турли-туман ахборотнинг таржима матнида нисбатан энг тўлиқ ва аниқ сақланган кўриниши тушунилади. Факатгина хизмат кўрсатувчи тил ички маълумотлар, таржимада акс этмайди, чунки улар факт ўёки бу тил тизимиғагина хос бўлган “бўш” грамматик категориялар ҳақидаги маълумотни ташийди(жинс категорияси, сифатларнинг келишик, сон ва жинс категорияси, айрим олмошлар). Таржиманинг асл матнга муқобиллиги нисбий тушунчадир. Муқобиллик даражаси ва спецификаси таржима килинаётган матннинг жанри ва таржима усулига боғлиқ равишда ўзгаради. Зотан, илмий, расмий, бадиий услугдаги матнлар таржималарига ҳам турлича талаблар кўйилади.

Таржима назарияси ёки таржимашунослик соҳасига фан сифатида кўп вазиятларда қуидаги вазифалар кўйилади:

- Таржима жараёни ва унинг қонуниятларини ўрганиш;
- Муайян асл матнлар ва уларнинг таржималарини солишириш, натижаларни умумлаштириш ва бир тизимга солиш орқали турли даражадаги тиллараро муқобилликни моҳиятини, характерини ва доимийлигини аниклаш;
- Таржима усувлари ва услубларини тавсифлаш;
- Таржима назарияси ва амалиёти тарихини ўрганиш;
- Миллий маданиятнинг ривожидаги таржима ролини кўрсатиб бериш.
- Тадқиқот обьект ўлароқ турли кўринишлардаги таржима жараёни, ҳар хил услугдаги таржима матнлари ва уларнинг асл нусхалари хизмат қиласиди, уларни қиёлаб ўрганиш таржима назариясининг тараққиёти учун обьектив манба вазифасини ўтайди.

Таржимашуносликнинг бир неча асосий бўлимлари мавжудлиги эътироф этилади:

В.В.Виноградовнинг фикрига кўра, **таржиманинг умумий назарияси** таржима жараёнининг универсал қонуниятларини тадқиқ этади, ва умуман олганда, таржима қилинаётган матнларнинг жанрига боғлиқ равишда тиллараро, услубий, функционал ва бошқа муқобилликларнинг назарий асосларини белгилаш, оғзаки ва ёзма таржималар спецификасини аниклаш каби масалаларни таҳлил этади. А. В. Федоров таржиманинг умумий назариясини «тарли тиллардан турли тилларга ҳар хил типдаги материалларни таржима қилишда татбиқ этиладиган умумлаштириш тизими» сифатида таърифлаган<sup>14</sup>.

В.В.Виноградов **таржиманинг хусусий назарияси** маълум бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилишнинг ўзига хосликлари, аниқ тил бирликлари ва ҳодисалари ўртасидаги муқобилликлар типлари, окказионал нуткий муқобилликлар кўринишлари, таржимонларнинг индивидуал услублари ва бошқалар масалалар бўйича тадқиқот олиб боришини эътироф этади. Бошқача қилиб айтганда, бу соҳа «аниқ бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиш, шунингдек, материалларнинг аниқ кўриниши таржимаси бўйича тадқиқотлар натижасининг жамланмасидир»<sup>15</sup>. Албатта, умумий ва хусусий таржима назариялари ўзаро узвий алоқади. Таржиманинг хусусий назариялари бой эмпирик материалга асосланади ва хуносалари билан таржиманинг умумий назариясини бойитади. Албатта, умумийлик ва хусусий қаердадир ўзаро боғлиқ бўлади.

В.В.Виноградов **таржиманинг маҳсус назарияси**, деганда таржимонлик фаолиятининг турли кўринишларини (ёзма таржима, оғзаки таржима, синхрон таржима, Тадрижий таржима, абзас-жумлали таржима ва х.), шунингдек, таржима қилинаётган

<sup>13</sup> Винер Н. Кибернетика и общество. М., 1958. С. 31

<sup>14</sup> Федоров А. В. Основы общей теории перевода. М., 1983. С. 20.

<sup>15</sup> Ўша асар.

ишининг жанрига боғлиқ (бадиий асар, илмий, техник, публицистик асарлар) ўзига хосликлар, қонуниятларни ўрганувчи соҳани назарда тутади.

**Таржима назарияси ва амалиёти тарихи** таржимонлик фаолиятининг асосий йўналишлари ва тарихий босқичлари, таржималарни даврлаштириш, таржиманинг моҳияти ҳақидаги тасаввурларнинг тадқики, таржима асарларининг миллий адабиёт тараққиётидаги роли сингари масалаларни ўрганади.

**Таржима танқиди** соҳаси таржимани қабул қилаётган маданият учун муҳим аҳамият касб этадиган таржиманинг асл нусхага мутаносиблиги даражасига баҳо беради. Бу йўналиш одатда бадиий асар таржималари билан шугулланади ва таржимашуносликнинг алоҳида илмий асосланган бўлими сифатида энди шаклдан бошланди.

**Машина таржимаси назарияси** таржимашунослиқда муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда иш олиб борувчилар табиий таржима жараёнини моделлаштириш, таржима қиласидаги машиналар, шунингдек, турли тиллардаги лексик-грамматик ва семантик муқобилликларни ҳақида маълумотни сакловчи инженерлик мосламаларини яратишга уриниш каби масалаларни ўрганишни мақсад қилишади. Машина таржимаси назарияси информатика, кибернетика, математика, семиотика сингари соҳалар натижаларига асосланади.

Таржимашунослик **таржимага ўқитиши методикаси** соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Бу соҳа бир тилдан иккинчи бир тилга ёзма ва оғзаки таржима таржима қилишнинг кўринишлари хамда типларига ўргатишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича<sup>16</sup>, замонавий таржимашунослиқда яна икки бўлим мавжуд: таржима социологияси, таржима таҳрири, таржима танқиди методологиясини ўз ичига олувчи **таржима практикологияси**, таржимонларни тайёрлаш ва таржимонлар учун ўқув кўлланмалар яратиш масалаларини тадқиқ этувчи **таржима дидактикаси** бу сўнгти тилга олинган бўлим юқорида қайд этилган таржимага ўқитиши методикаси йўналишига мос келади.

Аввал қайд этилганидек, таржимашунослиқда инсон онгидаги рўй берадиган таржима жараёни ҳам, мазкур жараённинг натижалари бўлган нутқий асарлар, матнлар ҳам тадқиқ этилади. Айнан таржима материаллари таржима жараённинг моддий кўриниши бўлиб, коммуникатив ва таржимачилик қонуниятлари, асл матннинг турли-туман маълумотни таржимада муқобил ифодалаш усуллари ва услубларини аниқлашга кўмак берадиган киёсий таҳлил учун асос вазифасини адо этади. Демак, таржимашунослик муайян мавзулар ва маълум бир материаллар устида иш олиб боришида фанлараро ёндашувга эҳтиёж сезади. Таржимашунослиқда тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, социология, психология, этнография, семиотика, информатика ва яна бир қатор фанлар натижаларидан фойдаланилади. Аммо муҳими шундаки, таржимашунослик бир тил жамоасининг маънавий маданияти асарларини бошқа тил жамоасига етказиш жараёнларини тадқиқ этиш, ёзма ва оғзаки таржималарни асл матнлари билан турли мезонлар асосида солишириб ўрганишни мўлжаллайди. Мазкур фикрлар таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти инсон маънавий маданиятининг жамиятдаги ифодачилари бўлган тил ва матн бўлган гуманитар фанлар сирасига киришини яна бир бор далиллайди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Таржимашуносликнинг тадқиқот обьекти ва предметини изоҳланг.
2. Таржимашунослик соҳасининг тараққиётида уч асосий йўналишини тавсифланг. Таржиманинг асл матнга муқобиллиги масаласи ҳақидаги олимлар фикрини асослаб беринг.
3. Таржима назарияси ёки таржимашунослик соҳасига фан сифатида қўйиладиган вазифалар ҳақида сўзлаб беринг.
4. Таржиманинг умумий назарияси нимани ўрганади?
5. Таржиманинг хусусий назарияси нимани ўрганади?

<sup>16</sup> Попович А. Проблемы художественного перевода. М., 1980. С. 28.

6. Таржиманинг махсус назарияси нимани ўрганади?
7. Таржима назарияси ва амалиёти тарихининг тадқиқот обьекти ва йўналишлари.

### **Адабиётлар:**

1. Латышев Л. К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М., 1988.
2. Комиссаров В. Н. Теория перевода (Лингвистические аспекты). –М.: Высш. шк., 1990. С. 51.
3. Комиссаров В. Н. Лингвистика и перевод. М., 1980.
4. Комиссаров В. Н. Общая теория перевода (Проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых). М.: ЧеРо, 1999.
5. Комиссаров В. Н. Слово о переводе (Очерк лингвистического учения о переводе). М.: Междунар. отношения, 1973. С. 186.

### **4-мавзу: Таржима учун матнлар ва уларнинг таснифи Режа**

1. Матн тушунчаси.
2. Тилнинг вазифалари
3. Матн таснифи
4. Таржима матнларининг услугуб хусусиятлари
5. Аслият ва таржимада муқобиллик масаласи

**Калит сўзлар:** Матн тушунчаси. Тилнинг уч вазифасидан – мулоқот, хабар етказиш ва таъсир кўрсатиш вазифалари. Нутқий услублар Сўзлашув матнлари. Расмий иш матнлари. Ижтимоий-информатив матнлари. Илмий матнлар. Бадиий матнлар. Диний матнлар. Муқобиллик муаммоси ва таржима қилинаётган матн типи. Таржима назарияси ва амалиётида муқобиллик (эквивалентлик), адекватлик (айнилик), ўхшашик. Бевосита синтактик трансформациялар. Синхрон таржима. Оғзаки таржима. Кетма-кет таржима. Расмий иш матнлари. Сўзлашув матнлари. Илмий матнлар. Шарқ тилларидағи турли услугдаги матнлар таржимаси. Матнлар таржимаси ва аслиятини солишириш, таржимон маҳоратини баҳолаш.

### **Таржима учун матнлар ва уларнинг таснифи**

Таржимашуносликнинг юкорида берилган таърифларидан маълум бўладики, бу соҳада илмий тадқиқотлар ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналишда олиб борилади. Биринчи илмий тадқиқот йўналиши таржима жараёни, иккинчи йўналиш таржима матнлари тадқиқига қаратилади. Биринчи йўналиш асосан дедуктив усусларга асосланади, чунки таржима жараёнини бевосита кузатиб бўлмайди, у инсон онгига рўёбга чиқади. Таржимашунослик соҳасида аниқ тадқиқотлар учун ёзма ёки оғзаки асл матнлар ва таржима матнлари моддий обьект вазифасини ўтайди. Ушбу матнларнинг функционал, мазмуний ва эмоционал белгилари тадқиқот методологияси ва методикасига жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, амалиётда таржима қилинадиган матнларни умумий доирада таснифлаш мақсаддага мувофиқ.

Таржима қилинаётган матнлар жанри, услуги ва вазифаларига кўра турли-туман бўлади. Шу сабабли, таржимон қандай матнни таржима қилишини олдиндан билиши керак. Матнларнинг типи таржимага бўлган ёндашув ва талаблар, таржима усусларини танлаш, асл матнга таржиманинг муқобиллиги даражасини белгилашга таъсир кўрсатади. Таржимоннинг мақсади ва вазифалари унинг романми, поемами, илмий мақолами ёки газетадаги ахборотними, бирор хужжатними ёки техниқ йўрикноманими, қандай услугдаги асарни таржима қилишига боғлиқ равишда ўзгариади. Ҳар бир жанрдаги асар таржимаси конуниятлари ўзига хос белгиларга эга.

Филологлар анчадан бўён матнларни таснифлашга уринишади. Аммо бу анчайин мураккаб вазифа, чунки матнлар хаддан зиёд ҳар хил бўлиб, уларнинг ўзига хос

хусусиятлари бир-бири таркибига кириб борган. Матнларнинг функционал белгилари асос сифатида олинган матнлар таснифи кўпроқ ишонч уйғотади. Академик В. В. Виноградов тилнинг уч вазифасидан – мулоқот, хабар етказиш ва таъсир кўрсатиш вазифаларидан келиб чиқиб, тил ва нутқ услублари таснифини таклиф этган (умуман олганда, тилнинг бошқа вазифалари ҳам борлигини эътироф этишимиз керак). Бу ғоя матнлар таснифи учун ҳам кўлланилади, чунки матнлар ҳам нутқнинг маълум бир услубига хос бўлади.

Мулоқот вазифаси инсонларнинг кундалик мулоқоти доирасида асосий вазифа хисобланади. Тил эгаларига нимадир ҳақда маълумот берувчи матнлар учун хабар етказиш вазифаси хосдир. Таъсир кўрсатиш вазифаси инсонларнинг нафакат ақлига, балки хиссиётларига қаратилган бадиий ва публицистик матнлар учун мухим аҳамият касб этади. Бу типдаги асарлар ўқувчига маълум даражада таъсир кўрсатиш мақсадида яратилади.

Услуб матнда моддий шаклланса-да, бу икки тушунчани тенглаштириб бўлмайди. Услуб - турли кўринишдаги матнларнинг лексик-семантик бирлиги хусусияти бўлиб, матнларнинг маълум бир категориялари учун ўзига хос белгиларни жамлайди. Бас, шундай экан, матнлар таснифида уларнинг у ёки бу функционал услубига хослигини ҳисобга олиш зарур. Албатта, матнларнинг қатъий таснифлаш деярли имконсиз. Нутқий яратувчанлик кўп қатламлидир. Нутқий услублар бир-бирига таъсир кўрсатади ва бир-бири таркибига кириб боради. Бир-бирига ўтувчи ёки перефериқ услублар ҳам бор. Аммо ҳар бир матнда унинг ўзига хослигини белгилаб берувчи хусусиятлар бор. Ушбу ҳолат матнларни гурухларга ажратишга имкон беради. Батафсил таснифда янада кичикрос турухлар, типлар таснифланиши мумкин.

Демак, нутқ ва тилнинг вазифалари ҳамда услубарини эътиборга олган ҳолда матнларнинг олтита функционал-услубий турини ажратиш мумкин<sup>17</sup>:

1. *Сўзлашув матнлари*. Бу типдаги матнлар маиший сўзлашув матнлари, расмий сўзлашув матнлари ва бошқа типларга бўлиниши мумкин. Сўзлашув матнлари мулоқот вазифасини бажаради, оғзаки диологик шаклда реаллашади ва маълум бир мақсадлар учун ўзаро мулоқотга мўлжалланади.

2. *Расмий иш матнлари*. Бу типдаги матнларга давлат хужжатлари, хусусан, сиёсий, дипломатик, хукукий, тижоратга оид кўплаб хужжатлар киради. Мазкур матнларнинг бош вазифаси ахборот етказишидан одатда, бу хужжатлар ёзма кўринишга эга бўлиб, баъзи типлари қатъий тузилмага эга.

3. *Ижтимоий-информатив матнлари*. Айни типдаги матнлар оммавий ахборот воситалари, газеталар, журналлар, радио ва телевидение орқали етказиладиган ҳар хил ахборотни қамраб олади. Уларнинг асосий вазифаси – маълумот етказиш. Ушбу матнлар бир

<sup>17</sup> Матнлар дифференциацияси масаласининг мураккаблиги бу борада бир-бирига зид таснифларнинг мавжудлигидан ҳам маълум бўлади. Масалан, Катарина Райснинг «Классификация текстов и методы перевода» («Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике». М., 1973. С. 202—228) номли мақоласида турли муаллифларга тегишли қўйидаги матнлар таснифлари қайд этилади: И — а) техник ва табиий фанлар матнлари, б) фалсафий матнлар, в) адабий матнлар; ИИ — а) информацион, хужжатли ва илмий матнлар, б) ижтимоий-сиёсий матнлар, в) бадиий матнлар; ИИИ — а) прагматик матнлар, б) бадиий (адабий) матнлар; ИВ — а) прагматик матнлар, б) эстетик-бадиий матнлар, в) лисоний матнлар, г) этнографик матнлар; В — а) диний матнлар, б) бадиий матнлар, в) иш матнлари, г) расмий матнлар; ВИ — а) диний матнлар, б) бадиий матнлар, в) шеърий матнлар, г) болалар адабиёти, д) драматургик матнлар, е) кинофильм матнлари, ж) техник матнлар. Катарина Райс ўзининг қўйидаги таснифини таклиф этади: а) мазмунга қаратилган матнлар (матбуот хабарлари, репортажлар, иқтисодий-молиявий матнлар, расмий хужжатлар, ўқув ва маҳсус адабиёт, ҳисоботлар, трактатлар, гумантар, табиий-илмий ва техник матнлар ва х.); б) шаклга асосланган матнлар (бадиий адабиёт, шеърият, эссе ва б.); в) даъватга асосланган матнлар (реклама, ташвиқот, ваъз, панл-насихат, баҳс-мунозара); г) аудио-медиал матнлар (радио ва теледустурлар, саҳна асарлари, нолисоний шаклдаги – ижро этиладиган, мусикий, декоратив ва шу каби барча матнлар).

ёклама характерга эга бўлиб, маълум бир таассурот кўрсатиш, ижтимоий фикрнинг хосил қилишга мўлжалланади. Бироқ хабар етказиш бундай матнларни шакллантирувчи асосий типологиясини ташкил этади. Бундай матнлар кўпинча ёзма шаклга эга бўлади. Радио ва телевидениеда ёзма матнлар оғзаки ўқиб эшиттирилади. Маъruzачилар ҳам ёзма матнни ўқиб беришади.

4. *Илмий матнлар*. Илмий матнлар билимлар соҳаси ва йўналишига кўра кўплаб кўринишлар ва турларга бўлинади. Улар орасида мутахассисларга мўлжалланган маҳсус матнлар, оммавий китобхонларга мўлжалланган илмий-оммабоп матнлар ажратилади. Бу типдаги матнлар учун ахборот етказиш, хусусан, матн мазмунини мантикий кетма-кетлиқда, объектив тарзда, далилларга асосланган тарзда баён этиш вазифалари хосдир. Илмий матнлар асосан ёзма шаклда реаллашади. Конференсиялар, симпозиумларда илмий матн оғзаки шаклда бўлиши мумкин.

5. *Бадиий матнлар*. Ушбу типдаги матнлар бадиий адабиёт, адабиё танқид ва публицистиканинг барча жанрларини қамраб олади. Мазкур кўринишдаги матнлар ўзаро боғлиқ икки матнни шакллантирувчи вазифалари мавжуд: таъсир кўрсатиш ва эстетик вазифалари. Бундай матнларда баён шакли муҳим аҳамиятта эга бўлади. Асарларда воқеликнинг рационал, бадиий ва эстетик хусусиятларини билиш жараёни акс этади. Асарнинг эстетик қиммати ва китобхонга эмоционал-экспрессив таъсир даражаси унинг мазмуни қандай моддий қобиққа ўралишига боғлиқ бўлади. Бадиий матнларда барча услубларнинг бирликлари ва воситалари қўлланилади, аммо бу услубий унсурларнинг барчаси ўзига хос адабий тизимга киради ва энг эстетик вазифага эга бўлади. Албатта, бадиий матнлар ўз ичida яна гурухларга, масалан, адабиё тур ва жанрларга бўлинади. Ҳар бир адабий тур ва жанрларнинг ўзига хос бадиий, лисоний ва функционал спецификаси бўлади.

6. *Диний матнлар*. Диний матнларнинг мазмуни ва белгилари ўзига хос бўлади. Муқаддас диний китоблар, ваъзлар, авлиёларнинг ҳаётига оид ёзмалар, диний асарлар таржимаси алоҳида ёндашувни талаб этади.

---

Таржима амалиётида “таржима стратегияси” тушунчаси анчадан бери мавжуд. Бу тушунча остида маҳлум бир матннинг таржимасида таржимон томонидан қўлланиладиган хатти-харакатларнинг моҳияти ва тартиби тушунилади. Баъзан бу вазиятда “таржимон харакатлари” тушунчаси ҳам қўлланилади.

Бироқ “таржима стратегияси” тушунчаси таржимашунослик диққатини сўнгги пайтларда жалб этди. Кейинги йилларда Д. Селескович ва М. Ледерер, С. Басснетт-Мактайр ва Х. Крингс кабилар бу масала билан шуғуллана бошлилди. Таржимадаги қўлланиладиган амалларнинг таҳлилини биринчилардан бошлаган олим сифатида Ю. Холс-Мянттарини тилга олиш мумкин<sup>18</sup>. Таржима стратегиясини ишлаб чиқишига ўргатувчи амалий қўлланмаларҳам мавжуд. Энг машҳур амалий қўлланмалардар бири Х. Г. Хениг ва П. Кусмаулнинг «Стратегие дер Уберсетzung» (5-нашри 1999 йилда чиққан) китоби бўлиб, унда бўлажак таржимонларни кенг фактик материаллар мисолида тўғри қарор қабул қилишга ўргатишиади.

Шу билан бирга, “таржима стратегияси” тушунчасининг назарий асосланганини кам холатларда қузатамиз. Устига –устак, одатда стратегия ҳақидаги фикрларда кўпроқ йўл-йўриқ кўрсатувчи тавсиялар учрайди.

Таржима стратегиясининг объектив ва субъектив компонентларини аниқлаш ва бу тушунчанинг моҳиятини белгилашга ҳаракат қиласиз. Бу ўринда “таржимон амаллари” ва “таржима стратегияси” тушунчалари ўртасидаги фарқни белгилаб олиш керак. “Таржимон амаллари” деганда, таржимани амалга оширишда қўлланиладиган барча имконий хатти-харакатлар йиғиндисини тушунамиз, “таржима стратегияси” деганда эса маълум бир матн (ёки матнлар мажмuinи) таржимаси учун таржимон томонидан онгли равища бу хатти-харакатлардан танлаб олиб ишланган алгоритмни назарда тутамиз.

Х. Фермеер таржимон амалларини маданиятларро мулоқотни амалга оширишдаги

---

<sup>18</sup>Холз-Мантари Ж. Транслаторисчес Ҳанделн. Тҳеорие унд Метҳоде. — Хельсинки, 1964.

эксперт фаолияти, хар бир аниқ ҳолатда маълум бир мақсадга йўналтирилган вазиятга боғлиқ харакатлар сифатида баҳолайди.

Ю. Холс-Мянттарининг таъкидлашича, таржимадаги амалларнинг мазмуни биринчи навбатда эксперт сифатидаги коммуникатив фаолиятда эмас, балки маълум бир ниятда бошқа одамлар учун муайян “маҳсулот”ни (бунда у “дизайннер маҳсулоти” атамасини ишлатади) яратишда намоён бўлади<sup>19</sup>. Таржиман амалларига берилган бу тавсифга X. Риску таржимоннинг реципиентлар билан муроқкотда бевоиста иштирок этиши зарурлигини кўшимча қиласди. Бу муроқкот натижасида таржимон реципиентга қандай матн кераклигини аниқлаштиради<sup>20</sup>.

Таржимон амалларини “дизайнарлик маҳсулоти”ни яратиш жараёни тарзида тавсифлар экан, Ю. Холс-Мянттари “матн дизайнни” учун зарур бўладиган амалларни санаб ўтади:

- “маҳсулот” ҳақидаги ўз тасаввурларини ва унга бўлган эҳтиёжни аниқлаштириш;
- Ўз ҳатти-харакатлари режасини тузиш;
- Матнни яратишни бошлаш;
- Бу жараённи назоратда тутиш;
- Таржима усусларини излаш;
- Топилган материални айнан шу вазиятга мослаштириб ўзгартириш;
- Ўз қарорларини асослаш;
- Ўз ҳатти-харакатларини мунтазам равишда молсшатириб бориш<sup>21</sup>.

Аксарият тадқиқотчидар таржима амаллари ва уларнинг қўлланилиш кетма-кетлиги (яъни стратегиялари) ҳақида ўз фикрларини билдиришар экан, одатда ёзма таржимани эътиборда тутишади. Бу ўринда М. Ледерер томонидан синхрон материал мисолида чиқарган хуласалари алоҳида аҳамият касб этади. Унга кўра, аксарият вазиятларда таржимон амаллари таржиманинг хар хил кўринишлари учун бир хил адо этилади. М. Ледерер синхронист таржимон иши давомида кузатиладиган 8 хил амалиётни ажратади:

1. Оғзаки нутқни қабул қилиш.
2. Эштилганни англаш.
3. Асл матндан олинган бирликларининг англанган маъноларини аввалги билимлар билан бирлаштириш.
4. Когнитив хотира асосида таржима тилида жумлаларни шакллантириш.
5. Жумлаларнинг унсурларини автоматик тарзда реаллашадиган бевосита мукобилларини қўллаш орқали чет тилида тиклаш.
6. Вербал хотира орқали жумла унсурларини тиклаш (англанган тушунчани ифодалаш учун сўз излаш).
7. Таржимоннинг ўз нутқига қулоқ солиб текшириши.
8. Ўраб турган мухитни англаниши<sup>22</sup>.

Қайд этилган амаллардан факат еттинчиси “таржимоннинг ўз нутқига қулоқ солиб текшириши” ёзма таржимада ишлатилмайди. Қолган амаллар озми-кўпми даражада, айrim ҳолларда маълум бир шаклда ўзгарган ҳолда қўлланилади. Оғзаки нутқни қабул қилиш ёзма матни қабул қилишга ўхшаш бўлади, бироқ ёзма таржимада кўриш рецепторлари ишга тушади. Ёзма таржимада матн бирликлари тушунчаларини таржимоннинг олдинги билимлари билан бирлаштирилиши таржимон томонидан нафакат аввалги, балки кейинги матндан англанган маъновий бирликларни ҳам қамраб олади. Ўраб турган мухиятни англаш

<sup>19</sup> Ҳолз-Манттари Ж. Эволутионаре Транслатионстхеорие // Дије Эволутионаре Эркенитнистхеорие им Спиегел дер Виссенсчафтэн. — Виен, 1996. — С. 306-332.

<sup>20</sup> Риску X. Конструтивист Сонсекуенсес: Транслатион анд Реалитий // Нью Трендс ин Согнитиве Ссиенсе. — Виен, 1997.

<sup>21</sup> Ҳолз-Манттари Ж. Техдисигн — верантвортлич унд геҳирнгеречт // Традусере навем. Фестсчрифт фур Катхарина Рейсс зум 70. Гебуртstag / Хрг. Ж. Ҳолз-Манттари, Ч. Норд. — Там5пбере, 1993.

<sup>22</sup> Ледерер М. Ла традустион симултанее. Эхпериенсэ эт тхеорие. — Парис, 1981.

амалини ёзма таржима учун ситуатив вазиятни англаш дея мослашириш мумкин.

Қайд этиш керакки, ҳаттоқи синхрон таржимада ҳам алоҳида таржимон амаллари маълум бир тартибда бажарилади, албатта, улар бир пайтда ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, оғзаки таржимада вазиятни тушуниш ва қабул қилиш устма-уст ва бир пайтда қўлланилиши мумкин, шундай бўлса-да, англаш қабул қилишдан аввал рўй бериши мумкин эмас. Бир қатор олимлар таржима жараёнини босқичлар сираси сифатида қўришади. Масалан, Ж. Делил қуйидаги З босқични ажратишни таклиф этади: англаш, қайта ифодалаш, таҳдилнинг тасдиқланиши, бунда ҳар бир босқич янада ўз ичидаги кичикроқ босқичларга бўлинади<sup>23</sup>. С. Басснетт-Макгайрнинг фикрича, муқобил таржимани яратишнинг кафолати бўлган таржимон амалларининг объектив мавжуд бўлган аниқ тартиби мавжуд<sup>24</sup>.

Таржимон амалларига ва уларнинг кетма-кетлигига юқорида берилган таърифларда “таржима стратегияси” ҳақидаги тасаввур яширган. Ҳақиқатда асл “таржима стратегияси” тушунчасига биринчи бўлиб X. Крингс эътибор қаратган. тҳинк алоуд («овоз чиқариб ўйлаш») методикасини қўллаш орқали тўплланган тажриба материалларига асосланиб, “таржима стратегияси” тушунчаси остида аниқ таржимага оид муаммони ҳал қилишга қаратилган таржимоннинг онгли режаларини тушунишни таклиф этади. X. Крингс таржима стратегиясининг икки турини таснифлаш фикрини илгари суради бир қатор таржима масалаларини ҳал этиш усувлари мажмуини ҳамда микростратегияни – бир вазифани ҳал қилиш усувлари мажмуини ажратади. Макростратегия нуқтаи назаридан таржима жараёнида муаллиф З босқични ажратади: таржимаолди босқичи, соғ таржима ва таржимадан кейинги босқич. X. Крингс шахсни ўзини англаши билан боғлиқ бўлган тажриба материалларига асосланганлиги сабабли, бир қатор таржимонларнинг гувоҳлигига кўра, биринчи ва учинчи босқич факултатив, яъни ихтиёрий характерга эга.

X. Крингс, хусусан, чет тилига таржима қилиш ва чет тилидан таржима қилишда таржима стратегиялари алгоритми фарқланиши мумкинлигини қайд этиб ўтади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, чет тилига ўтиришда, таржимон чет тилини тўлиқ (она тили даражасида) эгалламаганлиги сабабли муқобилларни топишда қийналади, шунинг учун унга кўпинча муқобилни аниқлаш ишини осонлаштириш мақсадида асл матн тилида фикри қайта ифодалашига тўғри келади. Чет тилидан ўтиришда, аксинча, таржимон мукаммал биладиган она тилидаги луғат бойлигидан танлаб қўллаши керак бўлади.

Таржима стратегиясининг асосий уч босқичига батафсилоқ тўхталамиз:

**Матннинг таржима олди таҳлили.** Тасаввур қиласи, таржимон рўпарасида асл матн ва оқ қоғоз ёки компьютер монитори турибди. Предположим, что перед переводчиком текст оригинала и чистый лист бумаги или пустой экран компьютера. Узок вақт, таржимон малакали мутахассис бўлиб етишмагунча, матнни олиб бир чеккадан таржима қилиб кетавериш иштиёқи “қитиқлаб” туради. Матн билан танишишга вақтни сарфлашга ҳожат борми, ахир вақт бу ишсиз ҳам таҳчил!

Аммо вақт ўтиб, тажриба ортгач, қайтанга бу тартибдаги таржимада замон кўп талаб этилишини ангалайсиз. Чунки уч-тўрт. саҳифани таржима қилиб бўлгач, бирданига англайсизки, матндаги субъектив баҳоли сўзлар нейтрал сўзларга алмаштирилган, матн тили расмий эмас, балки сўзлашув нутқига яқин услубда ёзилган, атамаларни ҳам бу даражада илмийлаштиришга ҳожат йўқ эди, балки ҳаммага тушунарли илмий-оммабоп сўзларни танлаш лозим эди. Энди матнни таҳrir қилиб, тўғрилаб чиқиш керак бўлади. Таҳrir қилиш жараёнида у ёки бу сўзни тақрорарн ишлатаётган-ишлатмаётганини эсда тутиш қийин бўлади, қайтариқлар бошланади, услуб “оқсоқ”лана бошлайди. Натижада бу таржима қорлама нусха бўлиб қолади. Шу сабабли, таржимимага тайёргарлик қўриб, кейин кириш ҳар томонлама фойдалироқ бўлиши аён бўлади.

Бу эса, албатта матнга олдиндан кўз югуртириб чиқиш зарурлигини билдиради. Агар

<sup>23</sup> Делисле Ж. Лъаналайсе ду диссоурс соммеметходе де традустион. — Ottawa, 1984.

<sup>24</sup> Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. — М., 1999. — С. 57-58.

китоб таржимаси мўлжалланган бўлса, турли жойларини вараклабўкиб кўриш керак, кейин матннинг бир неча бўлакларини танлаб олиб, маҳсус тайёргарлик таҳлилини ўтказиш керак ю таҳлилнинг вазифаси таржима қилиниши керак бўлган матннинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, буюртмачининг мақсадини ва таржиманинг кимга мўлжалланганини билиб олиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Факат ана шу босқичдан сўнг таржима қилиш босқичига ўтиш зарур. Шу вазиятда таржимани қайта ўзгартиришга ҳожат бўлмайди. Шу тариқа, хатоларга, англашилмовчиликларга йўл қўядиган экстенсив усул ўрнига мақбул бўлган интенсив йўл таклиф этилади.

Бироқ инсонга хос бўлган ўз-ўзига ишониш туйғуси таржимоннинг саркашлиқ қилишига сабаб бўлади. Таржимон тахминан шундай фикр юритади: тилни жуда яхши биламан, сўз бойлигим ҳам юқори даражада. Чет тилидаги услубни ниҳоятда яхши ҳис қиласман. Матнни бир бошдан таржима қилаверсам, ички туйғум ҳам йўл кўрсатади.

Дарҳақиқат, баъзида ҳақиқиатда ҳам ички туйғу ёрдам беради. Ва бошқалар (ёки таржимоннинг ўзи): “Бу сенбоп матн, қандай таржима қилишни дарров ҳис қиласман”, – дейишиади. Бошқа сафар таржима қилища муқобилларни танлашда адашади. У ҳолда: “Бу сенбоп матн эмас, бундай матнларни таржима қилиш учун туғилмагансан,” – дейишиади. Афсуски, етарлича тажрибали бўлмаган таржимонлар ўз жоҳиллиги сабабли бу сафсатага ишонишиади. Ҳар қандай матнни таржима қилиш мумкин. Шунчаки, ёмон тайёргарлик кўрган, тажрибасиз таржимонлар бўлади, холос. Аслида, бор-йўғи талаб этиладиган нарса – елкада кўтариб турган нарса ҳушёр бош бўлса!

Ҳушёр бош ва ҳаётий тажрибалар ҳар қандай касбдаги юқори малака учун илҳом ва совуққонлик билан ҳисоб-китоб қила олиш (режалаштириш) малакаси зарурлигини кўрсатади. Совуққонлик билан ҳисоб-китоб қила олиш (режалаштириш) малакаси – автоматлаштириш даражасига етказилган сайқалланган касбий кўниқмалар бўлса, илҳом (аникроғи, изодий интуиция) – касбий кўниқмалардан “ўсиб” мукаммаллашган, керакли усусларни танлаш, уларни бирлаштириш қобилиятидир. Бу шундай ҳиссиётки, ягона тўғри ечим гўёки ўз-ўзидан, ўйланмасдан пайдо бўлгандек туюлади, аслида эса ҳамма нарса аллақачон англанган бўлади ва таҳлил босқичини ўтказиб юбориш мумкин. Бундай ечимларга етишиш йўлини босиб ўтиш учун баъзи таржимонларга кўп вакт талаб этилади, бошқаларда эса фикр “ярқ” эти миясида пайдо бўлади. Бироқ матн устида бутун диққат-еътиборни тўплаб, “кўмилиб” ишланмаса, бу босқични босиб ўтиб бўлмайди. Агар бу босқич босиб ўтилса, ҳар қандай сўз бошқаларни танлаш учун ишора қиласди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам таржима илҳом билан туғилаётгандай тасавур уйғотади.

Совуққонлик билан ҳисоб-китоб қила олиш (режалаштириш) босқичини босиб ўтишга ҳаракат қиласмиз, яъни таржимага тайёрланиш учун талаб этиладиган матнларнинг таҳлилига зарур бўлган асосий аспектларни белгилаб оламиз.

*Матн ҳақидаги ташки таълумотларни тўплаши.* Матн ҳақидаги қайси асосий ташки маълумотларни билиши зарурлиги аён. Уларни келажақда ҳисобга олиш даркор. Булар – матн муаллифи, маннинг яратилиш пайти ва нашр бўлиш вақти, қайси асосий манбадан олинганилиги (газета, журнал, энсиклопедия). Ушбу ташки маълумотлар таржимада нимани тушириб қолдириб бўлмаслиги ҳақида йўлланма беради. Масалан, ўтган асрга тааллукли матн таржимасида архаизмларни кўллаш, яъни эскирган сўзлар ва синтактик қурилмалар, грамматик шаклларни ишлатиш афзаллигини кўрсатади. Публицистик, илмий-оммабоп матнларда, мемуарлар матнларида эса асл матн муаллифи услубини ҳисоб олиш кераклигини билдиради. Бу белги таржимада инвариантга киритилади. Асосий манба (таржима матни олинган манба) ва таржима қилиниши мўлжалланган матннинг ундаги жойлашиш ўрни қандай матнни ўгиришимиз кераклигини аниқлашга қўмак беради.

Таржима буюртмачисининг хоҳишларини ҳисобга олишни ҳам ташки маълумотларни тўплаш босқичига киритамиз. Буюртмачига нафакат таржима, балки йўл-йўлакай матн ишлов берилиши – танланган таржима, услубни ўзгартириш, мослаштириш ва бошқалар талаб этилганда, айниқса, мухим аҳамият касб этади. Бошқа вазиятлард, таржимондан муқобил таржима (аниқ) таржима талаб этилса, у асл матн типига асосланади.

*Манбани ва реципиентни аниқлаши.* Матн ким томонидан (кимнинг манфаатлари учун)

ва ким учун яратилганини аниклаш мухим аҳамият касб этади. Агар матн манбаси ва ўқувчиси нотўғри белгиланса, таржима матнида англашилмовчиликлар юзага келиши мумкин. масалан, расмий хат қўринишидан аниқ муаллиф номидан ёзилган, ҳаттоқи хат охирида имзоси ҳам бўлади. Бироқ хат фирма номидан, фирманинг манфаатлари йўлида ёзилган, демак, ҳақиқий манба фирмадир. Энциклопедиядаги мақоланинг муаллиф бор, бироқ ҳақиқий манба таҳририят ҳисобланади. Чунки энциклопедик мақолада акс этган маълумотар инсоният томонидан эътироф этилган, умум томонидан қабул қилинган фикрлардан ташкил топади(масалан, маълум бир шахар, муайян бир олим ёки ёзувчи ҳақидаги мақолага дикқат қилинг.).

Реципиентни, яъни матннинг кимга мўлжалланганлигини аниклаш осонроқ. Бу маълумот асосий манба аннотациясида ёки кириш қисмида қўратилган бўлиши мумкин (китоб бўлса, сўз бошида, журнал бўлса, таҳририят мурожаатида). Бошқа вазиятларда ушбу маълумот кейинги таҳлилларда аникланади. Бу босқич нима учун керак? Гап шундаки, матннинг кимга мўлжалланганлигини билиш таржима матнида қайси услубдан фойдаланиш учун йўлланма бўлади. Масалан, матн болалар учун қўзланган бўлса, содда синтактик қурилмаларни қўллаш керак, болаларга монанд содда, ёрқин сўзлар, болаларбоп образли сўзларни сақлаб қолиш керак. Башарти матн мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолиси учун мўлжалланган бўлса (маиший асбоб учун йўриқнома, энциклопедик мақола), у ҳолда турли синтактик қурилмаларни ишлатиш мумкин, лекин тор мутахассисликка оид сўзлар, шевага оид сўзларни ишлатишдан қочиш керак.

Манба ҳақидаги тўғри тасаввур мухим аҳамиятга эга. Асосийси, бу тасаввурни нимани беришида: муаллиф номининг кўрсатилиши ҳар доим ҳам унинг индивиуал услубини ифода этмайди. Масалан, кундалик газетадаги ахборот муаллифи номи ҳар доим ҳам кўрсатилиши мумкин, бироқ бунда маълумотни маълум бир масъул шахсга бириктириш учун керак бўлади.

*Ахборот таркиби ва унинг зичлиги.* Матнга сингдирилган маълумот тури ҳам мухим аҳамиятга эга. Ҳар бир таржимага мўлжалланган матннаги тўрт типдаги ахборотни аниклаш зарур. Буни расмий хат мисолида кўриб чиқайлик.

Биринчи ўринда матннаги когнитив маълумотни аниклаш керак. Таржима қилинаётган расмий хатда **когнитив ахборот**, яъни ташки дунё ҳақидаги объектив маълумотлар борми? Албатта, бор. Бу хат муаллифи, фирмалар номлари, маҳсулотлар номлари, уларни етказиши муддатлари, етказиши шартлари. Бу маълумотларнинг барчаси хатда ўзига ос шаклда расмийлаштирилади. Биринчи навбатда, улар атамалар – нейтрал маъноли, моносемантик, соҳага доир сўзлар орқали берилади. Бу, таржима учун йўл-йўриқдир! Демак, таржимада бир маъноли муқобиллар ишлатилиши керак. Иккинчи мухим хусусият: матнда когнитив маълумот ёзма адабий тилда баён этилган бўлади (расмий услуг, илмий услуг – аниқ бир вазиятларда ёзма нутқ меъёрлари турли ном олади, лекин моҳияти, белгилари бир хил бўлади). Асл матнда бу хусусиятни кўриб, таржимада ҳам нейтрал ёзма адабий тил меъёрларига амал қилинади. Агар таржима қилинаётган расмий хатда адресат учун буйруқ, фармойиш, кўрсатма мавжуд бўлса, яъни **оператив (раҳбарлик қилувчи) ахборот** бўлса, унда матн маълум бир тил воситалари билан – буйруқ майлидаги феъллар, зарурият ёки имконият семантикасини билдирувчи феълли қурилмалар, модал сўзлар билан ифодаланади. Таҳлил натижасида бу шакллар аниқланса, таржимада мос келувчи шакллар билан ифодалаш керак.

Энди расмий хатда **эмоционал ахборот**, яъни бизнинг хиссиётларимиз учун янги маълумот борми, йўқми, шунга дикқат қиласиз. Ҳа, мавжуд. Бу саломлашиш ва хайрлашиш сўзлари, хатда ифодалangan фикр ва баҳо эмоционал ахборот ҳисобланади. Албатта, расмий хатда эмоционал ахборот расмий этикет билан чегараланган, “силлиқланган”. Шу сабабли, шахсий хатда учрайдиган, эмоционал бўёқдор сўзлашув нутқига хос воситалар, масалан, “жуда хурсанд бўлдим”, “чин дилдан табриклайман” каби жумлалар расмий хатда ишлатилмайди.

Демак, таржима учун мухим қарорга келмаиз: эмоисонал ахборот эмоционал бўёқдор лексика орқали берилади, бироқ бу воситалар расмий этикет доирасида чекланган бўлади.

Ва, нихоят, расмий хатда *эстетик ахборот* борми? Бу матн гўзалликни ҳис қилишга имкон берадими? Унда маҳсус воситалар — метафора, рифма, сўз ўйини, ритмика, ғаройиб эрпитетлар борми?

Йўқ, биз эстетик ахборотнинг белгиларини расмий хатни кўрмаймиз.

Демак, расмий хатнинг ахборот мазмунини таҳлил этиш бизни бу матнни қандай қилиш бўйича аниқ хуласаларга келишишимизга ёрдам берди.

Таржиманинг амалий тажрибаси шуни кўрсатадики, таржимонга кўпинча турли типдаги ахборотлар аралашган матнларни таржима қилишга тўғри келади. Масалан, рекламада тўрт типдаги ахборот ўзига хос шаклда бириккан холда намоён бўлади. Бунда когнитив ахборот — фирма номи, маҳсулот номи, унинг ўлчамлари ва нархи, оператив ахборот — маҳсулотни сотиб олишга бевосита даъват ёки билвосита — ҳаётнинг янги қадириятларига эга бўлишга чақириқ, эмоционал ахборот маҳсулот сифатининг орттирилган ижобий баҳоси, оғзаки сўзлашув нутқига яқин жумлаларнинг янграши, эстетик ахборот — сўз ўйини, кофия, иборалар, қайтариқларнинг кўлланилишида ифодаланади.

Шундай бўлса-да, инсон мулоқотни осонлаштириш учун ўйлаб топган таркибдаги матнлардан ташқари бир типдаги ахборотни етказишга хосланган матнлар мавжуд. Масалан, илмий матн когнитив ахборотни етказишга, майний мулоқотга оид матн эмоционал ахборотни ифодалашга, бадиий матн эстетик ахборотни акс эттиришга хизмат қиласди. Айнан шундай матнлар таржимаси стратегиясини белгилаш таржимонга осон. Бироқ бу матнлар бир типдаги ахборотни тамомила “соф” кўринишда акс эттирмайди. Ҳаттоқи, энг илмий матнда ҳам эмоционал ахборотнинг бир қатраси акс этиши мумкин. бироқ шуниси муҳимки, ахборотнинг тури таржимада лисоний воситаларни танлаш учун етакчи рол ўйнайди. Таржима стратегияси деб номланган таржимон амаллари мажмуасини белгилаш учун ҳам ахборотнинг типини аниқлаш зарур.

Матннинг ахборот мазмунини таҳлил этишда таржима учун муҳим ўрин тутадиган ўлчам — **матннинг зичлиги** ўлчам мавжуд. Турлим матнларни кўздан кечирар эканмиз, масалан, энциклопедик мақолаларда кўплаб қисқартмалар ишлатилади, синтактик қурилмаларда иккинчи даражали бўлаклар тушириб қолдирилади ва ҳоказо. Ушбу ҳолат матнда ахборот зичлигининг ортиқлигини билдиради ва таржимада буни ифодалаш учун ўхшаш воситаларни қўллаш кераклигига ишора қиласди. Қайд этиш керакки, ахборот зичлигининг ортиқлиги факат когнитив ахборот турига хос, бироқ ахборот зичлигининг ортиқлиги (масалан, қисқартмалар) бадиий матнда қўлланилиши ҳамда бу восита эстетик ахборот кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*Коммуникатив вазифа.* Матннинг ахборот мазмуни таркиби аниқлангач, кейинги босқичга қадам қўйиш керак — матннинг коммуникатив вазифасини белгилаб олиш. Бу вазифа ҳар хил бўлиши керак: янги муҳим маълумотларни етказиш, ўзининг ҳақлигига ишониш, алоқа ўрнатиш ва ҳоказо.

Кўпинча коммуникатив вазифалар уйғунлиқда ифодаланади: янги маълумотларни хабар қилиш ва уни сотиб олишга ишонтириш, айни пайтда матннинг тузилиши орқали завқ, қониқтириш ҳосил қилиш (реклама). Бу вазифаларни белгилаб олиш таржимонга таржимадаги асосий белгиларни ажратиб олишга ёрдам беради.

*Нутқий жсанр.* Юқорида баён этилган таржима олди таҳдилларининг аспектлари матннинг қандай шакллантирилганлиги ҳакида тўлиқ тасаввурни уйғотмайдио агар матннинг қайси нутқий жанрга тааллуқли эканлигини белгиласак, якуний тасаввур ҳосил қилинади. Инсоният матнларнинг ўз тарихи, ўз анаъаналарига эга бўлган турғун типик шаклларини ишлаб чиқсан. Қайд этиш керакки, бу типки шакллар, айrim истисноларни хисобга олмаса, байналминал характерга эга, яъни маълум бир тилга боғлиқ эмас. Зоро, таржима олди таҳлили ҳар қандай тил учун жорийдир айтайлик, Интервью ёки илмий маъруза нутқий жанри ўзбек тилида ҳам, турк, япон тилларида ҳам бир хилда шакллантирилади. Нутқий жанрлар билан функционал стилистика шуғулланади, шунинг учун таржимон бу соҳа ва нутқий жанрлар билан алоҳида танишиб чиқиши лозим.

Нутқий жанрнинг таржима олди таҳдилларида аниқланган барча хусусиятларининг барчасини таржимада хисобга олиш шарт эмас. Масалан, таржимоннинг қўлидан таржимада

матн абзасларини ўзгартериш, монологни диалог билан алмаштириш, учинчи шахс тилидан қилинган баённи биринчи шахс баёнига ўтказиш келмайди. Бироқ буларнинг барчаси биргалиқда нутқий жанр тизимини ташкил этади, ҳамда бу тизимдан таржимада нимани (кайтариқлар, эмоционал бўёқдор лексика ва бошқаларни) ифодалашни билиш учун айни тизимни тўлалигича билиш керак.

*Оғзаки таржимада таржисман таҳлили.* Оғзаки таржимада вақт таҳчиллигига қарамай, бу вазиятда ҳам таржимон маълум бир стратегия асосида иш кўради. Мазкур стратегияни белгилаш учун ҳам олдин муайян таҳлилларни амалга ошириш керак. Чунки таржимани бошлашдан аввал, матнни бевосита қабул қилишдан олдин, таржимон матн хақидаги бошлангич маълумотларни олади. Буюрмачидан олинган бу бошлангич маълумотларга таянган ҳолда таржимон матннинг мураккаблиги даражаси, хусусиятлари, атамалар мавзуи, таржимада қайси усулларни кўллаши хақида маълум бир холосага келади. Булар оғзаки матннинг таҳлили ҳисобланади. Бу таҳлил таржима иши бошлангунича бажарилади ва таржима жараённида давом эттирилдаи. Оғзаки матн таҳлили алоҳида вақтни талаб этмайди, малакали таржимонда бу амалнинг ижроси автоматлашган бўлади.

Оғзаки таржимадаги матн таҳлили ёзма матн таҳлили схемасига ўхшайди, факат оғзаки матнда ўзига хос етакчи белгиларнинг турли-туманлиги чекланган бўлади ҳамда вақт таҳчиллиги асосида бажарилганлиги сабабли инвариантни саклаш даражасининг паст бўлишига йўл қўяди.

Ҳар қандай вазиятда манба ҳам, реципиент ҳам аниқ бўлиши керак. Манба ахборотни хабар қиласи ва ўзи тақдим этаётган инсонлар гурухи номидан фикр юритади. Мисол учун, радио оркали етказилаётган ахборот агентлиги номидан етказилади ва айни пайтда ҳукуматнинг нуқтаи назарига мувофиқ бўлиши ёки зид келиши мумкин. расмий нутқ ижтимоий ташкилот номидан, ҳамкаслар жамоаси номидан жаранглаши мумкин; Интервьюни банк директори, спортчи, сиёsatчи ва бошқалардан олиш мумкин. Манбани тўғри белгилаш матнда кўлланиладиган лисоний воситаларни, биринчи навбатда лексиканинг мавзуй йўналишини аниқлашга кўмак беради.

Интервью жанрида манбани тавсифлаш мураккаблашади, чунки манба нафақат гурух вакили сифатида, балки шахс сифатида иштирок этади. бу ўзига хос лисоний воситалар кўлланилишида (адабий тил меъёрларидан четга чиқиши, кутилмаган лексиканинг ишлатилиши, матнда ортиқча аллюзияларнинг ишлатилиши ва б.) намоён бўлади. Таржимон эса таржимада бундай лисоний воситалар учрашини билиши керак.

Оғзаки матн ёзма матнга қараганда реципиентга – тингловчига кўпроқ мослашган бўлади. Агар тингловчилар маълум бир соҳа бўйича мутахассислар бўлса (масалан, курувчилик, сувни тозалаш мосламалар соҳаси бўйича), матнда касбий малаканинг юқори даражасига мўлжалланган ўзига хосликлар учраши мумкин. Ахир ушбу йўналишдаги илмий мақоланинг ёзма матнини қабул қилишда биз маълумотномалар, лугатлар ёрдамида етишмаётган билимларимизни тўлдиришимиз мумкин, оғзаки таржимада эса бу билимларни биз тайёр ҳолда, актив лугат захирашимиз даркор. Бошқа тарафдан, оғзаки матнни етказишдаги мимика ва оҳангдаги эмоционал ахборотнинг мавжудлиги таржимонга матн мазмунини осонроқ қабул қилишига ёрдам беради.

Демак, таржимон таржима тингловчиларининг ўзига хос хусусиятларини таҳминан белгилаб олиши керак.

Кейинги навбатда мазкур матннинг коммуникатив вазифаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Бу оғзаки таржиманинг учинчи босқичидир. Матн жанрларига мувофиқ равишда таржимон қуидаги типик ҳолатларга дуч келиши мумкин. ахборот етказувчи хабарнинг вазифаси манба нуқтаи назари асосида когнитив маълумотни етказишдан иборат. Расмий нутқнинг вазифаси ҳам ахборот етказиш вазифаси бор, ҳам оператив – раҳбарлик қилиш вазифаси бор, чунки эмоционал воситалар тарафдорларни жалб қилишга хизмат қиласи. Интервюда қайд этилган вазифаларга реклама қилиш вазифаси ҳам кўшилади.

Манба, реципиент, коммуникатив вазифа аниқланган, таҳлилнинг тўртинчи босқичида таржимон мазкур жанрдаги матн таржимасида кўллайдиган аниқ лисоний воситаларни

танлаши керак бўлади. Биринчи уч босқичда матн спецификаси ҳақида аниқ тасаввур хосил қилингач, бу вазифани адo этиш қийин эмас, бироқ вақт тахчиллигини эътиборга олсақ, бу пайтда таржимон бўлажак матнига кўз юргутириб, мавзуини билиши ва таҳлили амалга ошириши керак бўлади. Қайд этиб ўтиш керакки, таржима сифати кўп ҳолларда таржимоннинг таржима олди таҳлилини нечоғлик билишига боғлиқ бўлади. Такоран таъкидлаш керакки, етакчи лисоний воситалар мажмуи деярли ҳар доим баркарордир.

Асосий лисоний воситаларга тўхталиб ўтамиз. Барча жанрлар учун таржиманинг доминанти тил адабий меъенинг оғзаки кўриниши фон вазифасини ўтайди. Оғзаки ахборот етказиш кўзланган матнда содда синтаксис, эргашган қўшма гапларнинг чекланган миқдорда ишлатилиши, атоқли отлар, географик жой номларининг ниҳоятда кўп ишлатилиши, миқдорни билдирувчи ахборотнинг кўплиги, тор соҳага доир атамаларнинг йўқлиги, “силлиқланган” эмоционалликнинг асосан сўз тартиби, баҳоловчи эпитетлар воситасидаги ифодаси.

Интервьюларда адабий меъёрдан четга чиқиши кўпроқ бўлади, ракамли ахборот камроқ ишлатилади, баъзида маҳсус атамалар ва экзотизмлар кўлланилиши кузатилади(бу тушунчалар албатта изоҳланадаи). Эмоционалликни ифодаловчи воситалар ахборот матнлаорига қараганда кўпроқ бўлади. Қайд этилган воситаларга иборалар, иқтибослар, мақоллар ва маталлар киради. Мураккаб синтактик қурилмалар учрамайди. Саволлар ва жавоблар мазмуний яхлитликка эга бўлади, баъзан эса синтактик бутунликни ташкил этади. Таржимонга аввалги лукмаларнинг мазмуни ва тузилишини хотирада саклаб туришига тўғри келади. Бу типдаги матнларда нотиқнинг индивидуал услуби муҳим рол ўйнаши мумкин.

Расмий нутқда етакчи лисоний белгиларга қуйидагилар киради: адабий тил меъёрларига етарлича қатъий амал қилиш; матн боши ва охирининг анаъанавий қолилларга эгалиги, иборалар, иқтибосларнинг фаол ишлатилиши, матн синтаксисига таъсир кўрсатувчи риторик услублар, риторик сўроқ гаплар ва ундовларнинг ишлатилиши, лексик ва синтактик такрорлар воситасида мураккаб қурилган риторик период, метафора, қиёлаш, эпитетлар, замон шаклларнинг алмашиниши ва ҳоказо.

Муҳокамалар ва мунозаралар учун ҳам ўзига хос лисоний воситалар ишлатилади. Одатда бу синтактик жиҳатдан мураккаб бўлмаган, тасодифий тарзда шакланадаиган гаплардан ташкил топади. Мавзуга дахлдор тарзда тор соҳага доир атамалар ҳам учрайди. Таржимонга бундай матнлар таржимасида— муҳокама жараёнида ихтилоф келиб чиқса, тўсатдан пайдо бўладиган эмоционал воситаларнинг кўп ишлатилишига тайёр бўлиши керак.

Декларация ёки манифест — шунда жанрки, унда эмоционал бўёқ адабий тил меъёрлари доирасида бўлади, юқори услугба хос чекланишлар, архаик сўзлар ва юқори усулбда кўлланиладиган нутқий қурилмалар қолиллари ишлатилади. Бу типдаги хужжатлар хукукий мавқега эга бўлганлиги сабабли хукукий атамалар ҳам кенг кўлланилади, манифест одатда қатъий композицион тузилмаган эга бўлиб, унинг алоҳида парчалари сарлавҳаланган бўлади ва қонун моддаларига ўхшаб расмийлаштирилади.

Таҳлилнинг охирги босқичида қайд этилган белгиларнинг қайслари инвариантга хослиги, улар таржимада қандай воситалар орқали ифодаланиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилиниши керак. Масалан, атоқли отлар, географик номлар, ташкилот ва муассасалар номлари бир маъноли муқобиллари орқали, иборалар имкон қадар айнан шу даражадаги семантик боғлиқликка эга бирикмалар ёки семантик эквивалент сўзлар орқали берилиши керак.

Таржимоннинг касбий маҳоратининг замонавий даражаси оғзаки нутқ таржимасида матн муаллифи индивидуаллигини саклаб қолишни талаб этади. вақт тахчиллини вазиятида бу – ўта мураккаб вазифа. Агарда таржимон машхур нотиқ билан ишласа, унинг услубини яхши билса, ёки олдиндан муаллиф услубини ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлса, яхши. Нотиқ севимли нутқ ўрамларидан, образлар тизимидан фойдаланади, уларнинг нутқидаги нуқсонлар ҳаммага маълум бўлади. Таржимон уларни нафақат таниши, балки ушбу услубларнинг етакчи характеристикаларини ҳам билиши керак. Бироқ нотиқ нутқнинг

инди видуал хусусиятлари таржима жараёнида аникланса, қийинчилик туғилади. У холда таҳлил этиш кўнгли маси ҳам нотик нутқининг барча жиҳатларини етказа олмайди, улар таржимада “зайфлашиб” намоён бўлади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Услуб ва матнинг ўзаро муносабати
2. Нутқий услублар
3. Бир-бираига ўтувчи ёки перефериқ услублар
4. Таржима матнлари таснифи масаласи
5. Сўзлашув матнлари таржимаси
6. Расмий иш матнлари таржимаси.
7. Ижтимоий-информатив матнлари таржимаси
8. Илмий матнлар таржимаси
9. Бадиий матнлар таржимаси
10. Диний матнлар таржимаси

### **Адабиётлар:**

1. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: Курс лекций. М: Изд-во «ЭТС», 1999.
2. Комиссаров В. Н. Слово о переводе (Очерк лингвистического учения о переводе). М.: Междунар. отношения, 1973. С. 186.
3. Виноградов В. С. Введение в переводоведение. — М., 2001.
4. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. —Т.: Фан, 2005. -224б.
5. Латышев Л. К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М., 1988.

## 5-Мавзу: Таржима босқичлари ва таржима турлари Режа

1. Таржима жараёни.
2. Таржима босқичлари.
3. Таржима турлари.
4. Таржимани моделлаштириш муаммолари.
5. Таржима услубларидан түғри фойдаланиш.

**Калит сўзлар:** Матнни қабул қилиш ва қайта тиклаш таржимонлик фаолиятининг босқичлари сифатида. Таржима босқичлари. Таржима жараёни қабул қилиш босқичи (сикли). Матн рецепцияси. Таржимагача бўлган қабул қилиш. Таржима пайтида маълум бир сўзлар, гаплар, жумлалар, абзасларни бевосита қабул қилиш босқичи. Матнни қайта тиклаш босқичи. Қайта ифодалаш ва идентификациялаш босқичлари. Таржимани моделлаштириш муаммолари. Таржима моделлари. Таржима моделларини таснифлаш. Ситуатив-денотатив модел, трансформацион модел ва семантик модел. Таржима турлари. Трансформация. Транскрипция. Генерализация. Антонимик таржима.

**Матнни қабул қилиш ва қайта тиклаш таржимонлик фаолиятининг босқичлари сифатида.** Таржима жараёни нутқнинг инсон онгига туғилиши каби ҳали ҳам сирлигича қолмоқда. Аммо таржима жараёнида икки босқичли иш бажарилиши кундай равшан. Биринчи босқич чет тилидаги матнни англаш жараёни билан, иккинчи босқич бу матнни она тилида қайта тиклаш жараёни билан боғлиқ. Шуни эътироф этиш керакки, биринчи босқич онгнинг аналитик ишига, иккинчи босқич факат синтезга асосланади, дейиш нотўғри. Аслида ҳар бир босқичда онгнинг билиш ва яратувчилик фаолияти анализ ва синтезиз иштамайди. Инсон билиш жараёнининг мазкур самарали воситаларининг диалектик бирлиги чет тилидаги матнни англаш босқичида ҳам, уни таржима тилида тиклаш жараёнида ҳам кузатилади.

Таржима босқичларини бадий асар таржимаси мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, чунки уларда таржимон фаолияти мураккаблиги ва ўзига хослиги нисбатан тўлиқ намоён бўлади.

Таржимани қабул қилиш деб номланган биринчи босқич (сикл) анчайин мураккаб босқич бўлиб, мия ва ҳис-туйғу аъзоларининг анализ ҳамда синтез билан шуғулланувчи турли кўринишдаги ва шаклдаги фаолиятига асосланган сенсор фикрий жараён. Бу босқичда таржимон асл матнни тўлароқ англашга ҳаракат қиласи, айниқса, бадий ва публицистик матнларнинг эстетик қиймати, китобхонга таъсир қўрсатиш характеристикин англаши ва ҳис қилишга уринади. Таржимоннинг зийрак рецептор бўлиши керак. У нафақат матнни англаши, балки образли ва эмоционал таъсирни қабул қилиши керак..

Аммо бу муаммо таржима назариясида ҳали илмий асосланмаган, шу билан бирга, декват таржима кўпинча асарни нафақат рационал қабул қилиш, балки эмоционал баҳолаш омилларига ҳам боғлиқ бўлади.

Матн рецепцияси турли шахсларда бир хил бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бир рецептор бетакор ўз индивидуаллигига эга инсондир. Билимлар тажрибалар захираси, мушоҳада юритиш ва ҳис қилишдаги ўзига хослик, таълим ва тарбия, бадий дид ва қизиқишилар, она тилини билиш даражаси, шахсият ва дунёқарашни шаклланишидаги ўзига хослик ва бошқалар ҳаттоқи эгизакларда ҳам айнан бир хил бўлиши мумкин эмас. Лекин, масалан, бадий асарни қабул қилишдаги нисбий тенглик турли инсонларда кўпинча мос келиши мумкин ҳамда айни бир ижтимоий гурӯхга вакилларида бундай яқинлик даражаси юқори бўлади.

Таржимон рецептор сифатида матннинг ғоявий ва эмоционал ғоясининг бор юкини обьектив қабул қилишга ёрдам берадиган эстетик қабул қилувчанлик ва билимларнинг нихоятда юқори даражасига еришиши керак.

Агарда таржимон чегараланган билим захирасига эга бўлса, эмоционал ҳиссиётчанлик заиф шаклланган бўлса, таржимоннинг асл матнни қабул қилиш даражаси ҳам паст бўлиши

мумкин. Агар таржиман бундай маънода “оқсамаса”, у холда асл матнни қабул қилиш нисбатан тўлиқ бўлади. Бу жараённинг индивидуал-шахсий хусусиятлари ва матнни қабул қилиш даражасидаги тафовутларда бир асарнинг айни бир пайтда турди ва бир-бирига муқобил бўлган таржималарининг пайдо бўлиши сабабларидан бири яширинади.

Таржиманинг ҳар бир типи ва кўринишида мазкур қабул қилиш босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Гап бадиий асарлар таржимасининг биринчи босқичи ҳакида кетар экан, у камида яна икки босқичга бўлинишини қайд этиш даркор: таржимагача бўлган қабул қилиш, яъни бадиий асарни биринчи (бъзан иккинчи ўқишида) англаш босқичи – бунда таржимон асарни чуқур тушуниши, “хис қилиш”и, унинг бадиий кийматини билиши, услугбий ўзига хослигини белгилаши керак, асл таржимонлик қабули бўлган бу босқич, яъни таржима пайтида маълум бир сўзлар, гаплар, жумлалар, абзасларни бевосита қабул қилиш босқичи.

Қабул қилишнинг иккинчи босқичида асл матнни таржима матнида қайта тиклашдан олдинги жумлама-жумла рецепцияси рўй беради, яъни таржимон асл матннаги ҳар бир гапнинг маъноси, ахборотнинг алоҳида унсурлари (сўз ва сўз бирикмалари) маъносини қабул қилиб, уларни анализ ва синтез қиласиди. Ҳаттоқи синхрон таржимада маъруза сўзмас-сўз, сўз бирикмасима-сўз бирикмаси, яъни бўлак-бўлак шаклда ўтирилишига қарамай, таржимон гапни тушунгач, сўзларни бир блокка тўплаш ва асл матн маъносига мос равища таҳrir қилиш имконига эга бўлади<sup>25</sup>.

Бадиий асар таржимони учун қабул қилиш босқичида нафакат матнни тушуниш, балки сўзлар билан “чизилган” образлар ва вазиятларни кўриши ҳам керак. Мулокот қатнашчилари ўзларига яхши маълум бўлган аниқ мавжудотлар, нарсалар ёки обьектлар ҳакида сўз кетсагина, уларнинг мазмуни аниқ мънолар билан тўлдирилади. Нутқ эгаси ва тингловчи онгода аниқ тасаввурлар ва образлар юзага келади. Китобхон ўзига таниш бўлган нарсадар ҳакида ўқиганида, уларни тасаввур қилиши осон бўлади. Қолган вазиятларда китобхоннинг тасаввuri бирмунча мавҳум бўлади. Агар бирорта матн “Хонада стол турибди” гапи билан бошланса, “хона” ва “стол” умумий тушунча сифатида қабул қилинади. Китобхонлар бу “хона”ни ва “стол”ни кўришмайди, балки ўзларининг тасаввурларидағи бирорта хона ва столни хаёл қилишади. Башарти бандай контекстларни ҳар доим образли ифодаланса, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш имконсиз бўларди. Сўз орқали ифодаланган обьектни кўришга асосланмаган тушунчавий қабул қилиш халқларининг маданиятлари, этнографик хусусиятлари ва ижтимоий тузилмаларига кўра тамомила фарқли бўлган тиллардан таржима қилиш имкониятини яратади.

Бадиий асарда ёзувчи кўпинча тасвир обьектини батафсил тавсифлайди, бунда персонаж образини чизади, воқеа жойи, ҳолатини ёритади, пейзаж ва интерерга оид унсурларни киритади ва ҳоказо. Масалан: «В центре большой, светлой, в два окна комнаты с высокими потолками стоял черный прямоугольный стол на резных ножках.» бу матн нафакат тушунчавий, балки образли қабул қилинади. Таржимон чизилган манзарани кўради, хона ҳам, стол ҳам ёзувчи қалами остида нисбатан аниқ шаклга киради. Асар қаҳрамонларининг ҳар қандай тавсифи, воқеа жойи, табиат ҳодисаси, пейзаж тасвирлари ва бошқалар – буларнинг ҳаммаси уларни аниқлаштиш ва индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, рецептор онгода матннинг образли англанишига сабаб бўлади. Тавсифни деталлаштириш орқали ёзувчи уларни индивидуаллаштиради. Албатта, бу индивидуаллаштиришда умумлашмалар ҳам кўп бўлади. Ёзувчи типиклаштиради, реал воқеликда кўплаб шаклларда намоён бўлган ҳодисаларни бир ягона образга бирлаштиради. Бу образ мазкур асарнинг бадиий воқелигига ягона ва такрорланмасдир.

Бадиий асардаги маълум бир гап мазмуни таржимон томонидан қабул қилинса ва у нафакат моддий, балки маънавий моҳият шаклида, яъни мушоҳаданинг бирликлари – тушунча, фикр ва бошқалар, тасаввурлар ва хиссиётлар шаклига кирса, таржима жараённинг иккинчи босқичига ўтилади. Иккинчи босқичда таржима тилида асл матндан

<sup>25</sup> Чернов Г. В. Теория без эксперимента и эксперимент без теории // Тетради переводчика, № 10. М., 1973. С. 104.

аңгланган жумлалар қайта тикланади. Ва таржимон онгида яна фикрни мушоҳада этиш доирасидан бошқа моддий шаклга ўтказиш билан боғлиқ мураккаб анализ ва синтез жараёнлари рўй беради. Иккинчи босқич икки даврдан иборат: қайта ифодалаш ва идентификациялаш.

Таржима қилинаётган гапга сингдирилган семантик ва эмоционал-экспрессив ахборотни англаб олган таржимон уларнинг ташиётган бутун “юқ”ини сақлашга уринган ҳолда таржима тилининг моддий бирликлари орқали тиклади. Баъзиларнинг айтгани каби асл жумладаги ҳар бир сўз ёки сўз бирикмасининг муқобилини изламайди, балки унинг мазмунини “қайта ифода этади”. Ҳар бир тилда гапнинг мазмуни унинг таркибидаги сўз ва сўз бирикмлари асосида шакланади, чунки дунё тиллари ўртасидаги лексик, грамматик, стилистик муқобилликларнинг мавжудлиги объектив, универсал далил бўлиб, асл матн ва таржима матнини солишириш оқибатида биринчи навбатда лексик муқобилликлар кўзга ташланади. Бу ҳолат эса гўёки ҳар қандай таржима лексик муқобилликларни аниқлаш орқали амалга оширилади, деган фикрнинг туғилишига олиб келган. Устига-устак, ёзма таржима одатда жумлама-жумла амалга оширилади, оғзаки таржимадан фарқли ҳолда ёзма таржима учун бемалол вакт ажратилади. Ёзма таржиманинг моддий қайд этилганлиги уни исталган пайтда ўқиши, қайта қайта мурожаат қилиш имконини беради, бундай имконият оғзаки таржимада бўлмайди. Бу ҳолат таржима жараёнининг қайта ифодалаш босқичида доима икки матнни – ўзгармас асл матн ва туғилаётган таржима матнини солиширишга кўмак беради.

Бироқ амалиётда қайта ифодалаш босқичидан кейин таржиманинг бадиий идентификациялаш, яъни таржима матнини қайта ишлаш босқичи келади, бу босқич натижасида асл матнга мазмуний, функционал-услубий ва ғоявий-бадиий мазмунига кўра айнан мутаносиб бўлган бадиий асарнинг яратилишига олиб келади. Мазкур босқичда асл матн билан таржима матnidаги гаплар, абзаслар солиширилади, таржима матнида тушириб қолдирилган ахборотни аниқлашга мақсадида таржимага баҳо берилади. Айнан шу пайтда “зарур сўз”ни топиш, функционал-услубий ва жанрга оид муқобилликларни аниқлаш, реалиялар ва сўз ўйинларини ифодалаш, таржиманинг сўнгти таҳрири масалалари билан “таржима қийинчиликлари” туғилади. Асл матннинг ҳажми, лисоний ва адабий мураккабликлари, хусусан, таржимоннинг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ равишда давом этадиган бу даврда қўлёзма устидаги иш якунланади. Қайта ўқишилар натижасида айрим кичик ўзгартиришлар киритилади. Албатта, ҳар бир таржимоннинг фаолияти натижасида ўзига хос таржима услуби ишлаб чиқилади, лекин у хам юқорида қайд этилган таржима босқичларини четлаб ўта олмайди. Зотан, уларда таржима жараёни инсоннинг онгли фаолиятининг кўринишларидан бири объектив инъикос этган.

Таржимашунослик соҳасининг тузилмасига қўйидагилар киритилади:

Барча фанларни назарий ва амалий фанларга таснифлаш мумкинлиги маълум бу фанлар ўртасидаги фарқ назария ва амалиётнинг ўртасидаги ўзаро муносабатга асосланади. Одатда таржимашунослик амалий тилшуносликнинг бир қисми сифатида изоҳланган. Бироқ бу муносабатни асосли дейиш қийин. Таржимашунослик соҳасининг таркибини мустакил илмий йўналиш сифатида қўйидагича тавсифлаш мумкин:

Таржиманинг умумий назарияси тиллараро мuloқotnинг энг уммумий масалалари билан шуғулланади ва сўзсиз назарий фанларга тааллукли бўлади. Бу соҳанинг вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин: таржимашуносликка оид универсалияларни ўрганиш, таржима ёрдамида амалга ошириладиган икки ёки кўп тилли мuloқotning моҳияти ва хусусиятлари ҳақидаги илмий консепсияни яратиш.

Таржиманинг хусусий назарияси асосан таржимачилик фаолиятининг амалий аспектлари билан шуғулланади. Шу маънода, В.А.Звягинсевнинг эътирофига кўра, таржима «хусусий фаразлар ҳам, кенг миқёсдаги назарий қарашлар ҳам текширувдан ўтадиган эмпирическим полигон – тажриба майдонидир». Таржимага ўқитиш, таржима танқиди, таржимачиликнинг турли ёрдамчи воситаларини ишлаб чиқиш каби вазифалар ҳам амалий таржимашунослик зиммасига юклатилади.

Таржиманинг маҳсус назарияси таржима фаолиятини асл матндаги ахборотни намоён

етиш – қабул қилиш ва таржимани шакллантириш шарт-шароитларини ўрганади. Айни маҳнода ёзма таржимани мисол қилиб келтиришимиз мумкинки, бунда асл матнга қайта-қайта мурожаат қилиб, асл матн ва таржима матнини солишигиш мумкин. Оғзаки таржимада матнлар ҳам оғзаки кўринишида бўлиб, асл матнни факат бир марта эшишиш мумкин. Ўзгарувчан таржима шакллари бўлиши мумкин, яъни оғзаки таржима ёзмага, ёки аксинча, ёзма таржима оғзакига ўтиши мумкин. Бундан ташқари, оғзаки таржима икки хил – тадрижий ва синхрон таржима шакллари бўлинади.

Тадрижий таржима. Оғзаки таржиманинг бу кўринишида таржимон одатда сўзлаётган одам нуткини - таржима қилинаётган матнни кичик нутқ бўлакларига бўлиб тингловчиларга ўгириб беради. Таржима қилинаётган бўлакларинг ҳажмига кўра оғзаки таржима абзас-жумлали ва таржимон қайдларини татбиқ этиш орқали Тадрижий таржима қилиш таснифланади. Абзас-жумлали таржимада таржимон нуткнинг қисқа бўлаклари билан ишлайди, шунинг учун талаффуз қилинаётган нутқ бўлагини хотирасида сақлаб туриши, ҳеч қандай қайдларсиз таржима қилиши мумкин. Қайдли Тадрижий таржимада талаффуз қилинаётган нутқ бўлаклари ҳажми анчагина ортади, таржимон натижада таржима қилинадиган ахборотни қайд этишининг маҳсус тизимидан фойдаланишга ўтади. Бу маҳсус қайд тизими “универсал тез ёзув” деб номланади. Ҳозирги даврда универсал тез ёзувлар мавжуд эмас, ҳар бир таржмон ўз қайдлари тизимига эга.

Оғзаки таржима икки томонлама (агар таржима икки тилдан амалга оширилса) ва бир томонлама таржимага бўлинади. Синхрон таржима сўзловчи, маърузачи сўзлаши билан деярли бир пайтда параллел равища таржимон эшиштаган матнини ўгирадиган таржима тури (кўп тилли форумлар, халқаро конференсиялар).

Таржима қилинаётган матнларнинг мавзуй ва функционал-услубий хусусиятларига кўра ижтимоий-сиёсий, илмий-техник, бадиий таржима турлари ажратилади. Ҳозирги вақтда таржиманинг янги кўринишилари пайдо бўлмоқда, масалан, теле-радио кўрсатувлар, фильмлар, рекламалар таржимаси. Таржима “табиий таржима” ва “машина орқали қилинган таржима”га ҳам бўлинади. Афуски, ҳозирги вақтга қадар, таржимашунослик соҳасининг типологик таснифи терминологиясида яқдиллик йўқ. Баъзи олимлар “шакл” деб номлаган тушунчани бошқалар «тур» ёки “тип” ёхуд “кўриниш” деб номлашлари маълум даражада чалкашликка сабаб бўлади.

Шу тариқа, таржимашунослик назарий, фундаментал илмий фан сифатида тиллараро мулоқотни ўрганади. Бунда аниқ тиллар жуфтлиги ёки бир неча тиллар доирасидаги аниқ шароитлардаги таржимачилик фаолиятини амалга оширишнинг амалий вазифаларини эътиборга олмаслик талаб этилади. Чунки мазкур вазифалар таржимашуносликнинг амалий фан сифатидаги вазифалари сирасига киради.

Таржимашунослик соҳасининг бундай таснифи назарий ва амалий фан сифатидаги таржимашунослик ўртасида алоқа йўқ, дегани эмас, балки, аксинча, мазкур йўналишлар ўртасида узвий алоқа мавжуд.

Таржималарни таснифлаш мухим аҳамият касб этади. Чунки таржимашунослик типологиясининг тўғри ечими назарий таржимашуносликнинг ҳам, амалий таржимашуносликнинг ҳам долзарб ва мухим масалаларини илмий-назарий ёритиш вазифасини самарали бажаришга кўмак беради.

Биз аввал ҳам таржима қилишга тугма истеъоди бўлган, таржима назарияси ва амалиёти йўналиши бўйича маҳсус таълим олмаган, аммо икки тилни шу даражада биладики, бемалол бир тилдаги гапларни иккинчи тилда коммуникатив жиҳатдан тенг мавқели қайта тиклаб бера оладиган одамлар ҳақида гапириб ўтдик. Шубҳасиз, кўп вазиятларда “табиий таржима” малакали таржима талабларига жавоб бермаслиги, асл матнга яқин таржимани ифодаланиши мумкин. Юқори савиядаги таржимага эришиш учун эса мақсадли таълим ёки узоқ муддатли таржимонлик фаолияти натижасида яратиладаган ўзига хос таржима малакасини шакллантириш талаб этилади. Табиий таржима кўринишидан таржимон малакасининг ривожи учун замин бўлиб хизмат қиласи, лекин айрим вазиятларда табиий таржима кўнималари унинг шаклланишига маълум маънода қаршилик қиласи. Малакали таржимон компетенсиясини яратиш жараёнида ўзига хос тарзда тилларни

эгаллаган шахс пайдо бўлади. Тил бўйича мутахассис ва тилни билувчи таржимон ўртасида маълум даражада тафовутлар бўлиб, у нутқий мулоқотнинг барча асосий аспектларида – лисоний, матнни шакллантирувчи, коммуникатив, шахсий ва касбий техник йўналишларда кўзга ташланади. Ва авваломбор таржимон компетенсияси спецификаси хақида сўз юритишдан олдин ҳар қандай коммуникациянинг, у бир тилли ёки икки тилли мулоқот бўлишидан қатъи назар, мазкур аспектларини тавсифлаш зарур.

### **Таржима жараёни моделлари**

Кейинги йилларда таржимани жараён сифатида тавсифлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Уларнинг барчаси фаразий, тахминий характерга эга, чунки инсон онгидаги тилдаги матннинг бошқа бир тилда ифодалаш чоғида қандай ходисаларнинг рўй беришини фанларнинг замонавий тараққиётида ҳам изохлаш имконсиз. Эҳтимол, келажақда турли илмий фанларнинг мутахассислари хатти-харакатлари билан бош мия фаолияти маҳсули бўлган таржимани сири аниқланади. Бу сирни очишга олий нерв фаолияти физиологияси, биокимё, психофизиология, физика ва бошқа фанлар мутахассислари уринишмоқда. Тилшунослар томонидан таклиф этилган таржима жараёни моделлари таржимонларнинг фаолиятини кузатиш ва ўрганиш натижаларига асосланган. Мазкур назарий фаразларни далиллар асосида ўрганиш имконияти туғилганида, айрим фаразий тузилмалар нотўғри ёки янглиш эканлиги маълум бўлади. Бу фикрлар албатта таржима жараёнини моделлаштиришдан бош тортиш керак, дегани эмас, балки бу каби курилмалар ва тавсифларнинг янада асосланган далилланган ёндашувларини яратиш заруриятини таъкидлайди. Таржима жараёнининг нисбатан кенг тарқалган фаразий моделларига қуидагилар киради: ситуатив модел, семантический модел, трансформацион модел, семантический-семиотик модел, қонуний муқобиллар модели, коммуникатив-функционал модел, информатив модел, муқобиллик сатҳлари назарияси ва бошқалар. Куйида бу моделларнинг энг кенг тарқалгандарига қисқача тўхталиб ўтамиз<sup>26</sup>:

А. Ситуатив (денотатив) модел қуидаги далилга асосланади: асл матн ва таржима матнларнинг ўзгармас (инвариант) асоси сифатида бу бирликларнинг воқеликнинг нарса-ходисалари билан ўзаро алоқадорлиги, яъни тилшуносликда “денотат” ёки “референт” деб номланувчи тушунчалар билан ўзаро муносабати олинади. Денотатларнинг бутун ҳажми инсоният учун ягонадир. Маълум бир предметни вазиятни, мулоҳазани, пировард-натижада реал воқеликни акс эттирувчи ҳар қандай матн турли-туман денотатларга ўзаро муносабатда шаклланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, таржима денотатларнинг, яъни сўзларнинг моддий белгилари алмашинуви жараёни, бир тилдаги белгиларни, иккинчи тилдаги айни денотатларга мос келувчи белгилар алмаштириш жараёни сифатида тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, таржимон вазият ва мулоҳазаларни бир моддий шаклда қабул қиласида ва бошқа бир моддий шаклда етказиб беради, денотатлар эса ўзгаришсиз қолади. Аммо, айрим денотатлар таржима тилида бўлмаслиги мумкин. У ҳолда таржимон таржима қилтинаттган матн мазмунини сақлаб қолиш ва акс эттирилган вазиятни тўғри тавсифлаш учун бошқа таржимонлик услубларига мурожаат қиласида. Таржима жараёнининг денотатив шархи кенг тарқалган, бирор бу моделга қарши чиқсанлар ҳам оз эмас, шунингдек, бу моделнинг тушунтириш имкониятлари чекланган.

Б. Таржима жараёнининг семантический моделни тилнинг мазмуний бирликлари компонент таҳлили ва доимий тиллараро муқобилларнинг мавжудлигини эътиборга олган ҳолда татбиқ этилади. Бу моделга кўра, таржима жараёнида асл матндаги барча оддий мазмуний бирликлар ва уларнинг компонентлари ажратилади ҳамда таржима тилида уларга мос келувчи ёки ўхшаш бирликлар танланади. Шу тарзда, таржимада асл матн мазмуний компонентлари анализ қилинади, таржима тили материалларида маъно синтез қилинади. Ҳар қандай нутқ бирлиги одатий мазмунни оддий маъновий, услугубий ва бошқа бир қатор белгилари йиғиндисидан иборат бирлик сифатида кўрилади ва таржима тилида унга

<sup>26</sup>Бу ҳақда қаранг: Комиссаров В. Н. Слово о переводе. М., 1973. Он же. Лингвистика и перевод. М., 1980. Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика. М., 1973, Львовская Э. Д. Теоретические проблемы перевода. М., 1985

муқобил танланади. Бундай усулда таржима жараёни нафакат сўз ва гаплар сатҳида, балки оддий мазмуний компонентлар сатҳида ҳам амалга оширилади. Асл матн ва таржима матни тилидаги бундай оддий маъноларнинг мутаносиб келиши қанчалик юкори бўлса, таржима шунчалик муқобил чиқади. Семантик модел барча тиллар учун умумий бўлган ички мазмуний категориялар ва қурилмаларнинг мавжудлиги ҳақидаги фаразга асосланади. Таржима жараёни бу ички мазмунни солиштиришдан бошланади. Бу моделнинг танқидчилари ҳам кўп бўлган.

В. Трансформацион модел трансформатив грамматика таъсирида юзага келган. Бу моделга мувофиқ равищда таржима асл матндан таржима матнiga айлантириш сифатида тавсифланади. Таржимон асл матнни қабул қиласди, онгода бир қатор тиллараро трансформацияларни амалга оширади ва тайёр таржимани беради. Бунда “марказий синтактик қурилма”ларнинг ўзгариши билан боғлиқ амалиётлар асоси хисобланади. Мазкур моделга кўра, турли тиллардаги “марказий синтактик қурилма”лар мантиқий-синтактик алоқалар ва лугат таркибига кўра мос келади. Бошқача қилиб айтганда, асл матн бирламчи қурилмалар йигиндиси сифатида қабул қилинади. Бунда бирламчи қурилмаларнинг таржима тилида муқобиллари бўлади, ёки бу муқобиллар трансформация қоидаларига мувофиқ “хосил” қилиниши зарур. Таржимоннинг онгода асл матн таҳлил босқичида марказий қурилмалар мажмуасида минимал даражага келтирилади, кейинги босқичда бу мажмуа таржима тилидаги муқобил қурилмалар билан алмаштирилади, сўнг асл матнiga тенг келадиган таржима тилидаги реал матнiga айлантирилади. Таржима жараёнининг трансформацион модели ҳам танқидга учраган.

Г. Айрим кўринишлари мавжуд бўлган коммуникатив модел таржима жараёнини икки тиллик мулоқотнинг акти сифатида ўрганади. Бу моделда ахборот, ахборотни жўнатувчи, қабул қилувчи, код (тил) ва алоқа канали (мазкур нутқ жанрини ҳисобга олган ҳолда ёзма ёки оғзаки нутқ). Соддалаштирилган кўринишда бу модел чизмаси қуйидаги кўринишга эга: жўнатувчи ахборотни кодлаштиради (лисоний шаклга ўтказади), мутаносиб қелувчи канал орқали юборади, қабул қилувчи ахборотни қабул қилиб олади, декодлаштиради (яъни англайди) ва янги код (таржима тили) орқали қабул қилинган ахборотни қайта кодлаштиради ва асл матн жанр хусусиятларини сақлаган ҳолда у ёки бу канал орқали қабул қилиб оловчига жўнатади. Мазкур чизма алоқа назарияси қаразларига асосланади, инсон тили эса ўзига хос код сифатида қабул қилинади. Қабул қилувчи таржимоннинг бирламчи ахборотни етказишининг имконий вариантиларидан энг мақбулини танлаши кераклиги мазкур моделни мураккаблаштиради. Таржимон мулоқот жараёнининг иштироқчиси хисобланади, бунда таржимон икки вазифани бажаради – ҳам ахборотни қабул қилувчи ва ахборотни жўнатувчи вазифасини бажаради. Коммуникатив моделда семиотикада синтактик, семантик ва прагматик муносабатлар деб номланувчи муносабатлар эътиборга олади. Бошқача қилиб айтганда, белгилар ўртасидаги муносабат, белги ва денотат ўртасидаги муносабат, белгилар ва коммуникантлар ўртасидаги муносабат диққатга олинади. Асл матн ва таржима матни тилларидаги жумлаларнинг инвариант асосини семантика, вазият ва вазифа ташкил этади.

Д. Информатив модел қуйидаги қарашга асосланилади: ҳар қандай оғзаки ёки ёзма матн ва унинг асосий бирлиги - сўз турли ахборотнинг ташувчиси бўлиб, рецептор (таржимон) онгода тўла – ҳам маъновий, ҳам стилистик, ҳам функционал, ҳам ситуатив, ҳам эстетик ва бошқа хусусиятлари билан биргаликда қабул қилиниши, англаниши керак. Матнни қабул қилиш, англаш жараёни таржима тилидаги информацион муқобиллари асосида таржима матнини яратиш жараёни билан бир пайтда юз беради. Таржимон тайёрғалиги даражаси қанчалик юкори бўлса, таржима фаолиятининг бу ягона жараёни шунчалик мувафақиятли рўёбга чиқади. Информатив модел матнни жўнатувчи (муаллиф)нинг ва қабул қилувчи (таржимон)нинг интеллектуал тавсифларини, маданиятларининг ва дунёқарашларининг ўзига хосликларини, шунингдек, таржима матнини яратишнинг ситуатив ва коммуникатив шарт-шароитларини эътиборга олади.

Ўхшаш бўлган семантик моделдан фарқли равищда информацион моделда тилларда мавжуд бўлган ички мазмуний компонентлар ҳақидаги тезисдан фойданилмайди ҳамда таржима жараёни оддий мазмуний компонентлар сатҳида амалга оширилиши ҳақидаги

фиркга таянилмайди. Информатив модел тарафдорлари рецептор онгидар мазмуний компонентлар анализи ва синтези бир пайтда рўй берадики, бунда ахборотнинг яхлит ҳажми қабул қилинади ва англанди. Ахборотни бундай шаклда қайта кодлаштиришда алоҳида семантик компонентлар сўзлар мазмуни эмас, балки гап таркибидаги ифодаланган ахборот, фирм етказилади.

Е. Шунингдек, лисоний муқобиллар назариясига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мазкур назария таржима жараёнининг моделлари сирасига кирмайди. Бу назария асл матн тили ва таржима матни тилида тил ва нутқ даражасида қонуний муқобилларни белгилашни масад қиласди. Лисоний муоқобиллар мъалум далиллар тарзида, масалан, икки тиллик луғат асосида белгиланиши мумкин. нутқий муқобиллар аниқ матнлар қиёси натижасида аникланади. Қонуний муқобиллар назариясини биринчи бор Я. И. Рескер илгари сурган бўлиб, у асл матн ва таржима матнларини солиштириш асосида турли типдаги муқобилларнинг таржима трансформацияларни белгилаб берган<sup>27</sup>.

Таржима жараёнини тушунтиришда тадқиқотчилар “усул”, “услуб” “метод” сингари тушунчаларни ишлатадики, уларнинг хар бир ўзига хос тушунчадир. способ, прием, метод, Р.К.Минъяр-Белоручевнинг ёзишича, «усул – реал воқеликнинг объектив тарзда мавжуд бўлган қонунларини инъикос эттирувчи асосий мақсадга эришишнинг бош қоидаси... Усул фаолият эмас, хатти-харакатлар тизими эмас, балки харакатни реаллаштирувчи психологик амалиётдир. Шакллатирилган фиркни ифодалаш учун бир тилдан иккинчи бир тилга ўтиш, нарсаларни қайта англатиш учун таржиманинг мавжуд бўлган усулларидан бирини қўллаш даркор »<sup>28</sup>. Хўш, таржиманинг қандлай усуллари бор?

Таржима назариясида бир тил бирлигидан иккинчи тил бирлигига ўтишнинг турли усуллари, йўсинлари қўриб чиқилган. Аввал таъкидланганидек, И.И. Ревзин ва В.Ю. Розенсвейг таржиманинг икки жараёнини ажратишган — соф таржима ва интерпретация. Биринчи ҳолда бир тил бирлигидан иккинчи тил бирлигига бевосита ўтиш реал воқеликка мурожаат қилинмай, яъни таржима қилинаётган матн парчасидаги тасвиirlанган воқелик бўлагини таҳлил қилмай, амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда таржимон асл матн тили бирликларини таҳлил этар экан, унда воқеликнинг қандай бўлаги тасвиirlангини аниклади, кейин таржима тили воситаларидан фойдаланиб тушунган нарсасини баён этади<sup>29</sup>. Яъни интерпретация жараённада таржимон гўёки реал воқеликка киради, кейин яна таржима тилига қайтади. Таржимани бундай қатъий иккига ажратиш мазкур адабиётда танқид қилинди. Чунки матнни таҳлил этмай туриб, унинг матнини англамасдан, хусусан, матнда нима ҳақида гап кетаётганини аникламасдан, муваффакиятли таржимани амалга ошириш имконсиз.

Кўп муаллифлар таржимани қайта шакллантириш ёки тиллараро трансформация сифатида қабул қиласди. Дарҳақиқат, ҳар қандайтаржима натижасида мазмун плани ўзгаради. Демак, ҳар қандай таржима трансформацияга учрайди, дея эътироф этиш мумкин. таржимани трансформацияга тенглаштириш «трансформация» атамасига ортиқча кўп маънолилик бахш этади. Демак, трансформация — бир тил бирликларидаги бирликларнинг иккинчи бир тил бирликларига айланиши, яъни мъалум бир таржима амалиёти ва жараёнидир. Шу билан бирга, айрим таржималарда кўпроқ трансформациялар, айримларида камроқ тансформациялар рўй берган бўлиши мумкин. Л.С.Бархударов таржимадаги трансформацияларга бағишлиланган ишида шаклий-курилмавий муқобилларнинг асосида

<sup>27</sup> Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика и ст. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Вопросы теории и методики учебного перевода. М., 1950.

<sup>28</sup> Минъяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М.: Воениздат, 1980. С. 100.

<sup>29</sup> Ревзин И. И., Розенсвейг В. Ю. Основы общего и машинного перевода. М: Высш. шк., 1964. С.56-60.

амалга оширилмайдиган трансформацион таржималарни таҳлил этади<sup>30</sup>. Трансформацион таржимага шаклий-курилмавий мұқобилликларга күра амалга ошириладиган интерлинеар таржима қарама-карши күйилади. Шу тарзда, *интерлинеар таржима/трансформацион таржима оппозицияси амалда ва күпинча таржима усули категориясini шакллантиради*.

Шуни қайд этиб ўтиш кераккаи, күпчилик таржимашуностар «интерлинеар таржима» ва «сўзма-сўз таржима» тушунчалари ўртасидаги тафовутни кўришмайди. Интерлинеар таржима ҳар доим сўзма-сўз амалга оширилади. И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенсвейг ўзгача фикрни илгари суришади. Олимларнинг фикрича, интерлинеар таржима таржимонга таржимага қадар маълум бўлган, аввалдан белгиланган мұқобиллик мавжуд бўлмайди, асл матн ва таржима ўртасидаги мұқобиллик таржима жараённида ўрнатилади. Аввалдан белгиланган мұқобиллик бир типда (аттрастивенесс — жозибадорлик) ёки турли типда бўлиши мумкин (луффабилити — кран ўқларининг оғиш бурчагини ўзгартириш қобилияти). Интерлинеар таржима дейилганда лисоний, яъни “бевосита” кўра ўгирилган таржима тушунилади, шу сабабли, бу туржима тури сўзма-сўз таржимага характерига кўра мос тушади. Шунга кўра, С.А. Семко «интерлинеар таржима» ва «сўзма-сўз таржима» атамаларини ўз характерига кўра бир типда бўлган, аввалдан белгиланган ёки белгиланмаган мұқобилликлар асосидаги таржималарни бир-биридан ажратиш учун муваффакиятли чиқмаган<sup>31</sup>.

Эҳтимол, «интерлинеар таржима» атамасини факат операцион атама сифатида, «сўзма-сўз таржима» атамасини баҳоловчи атама сифатида қабул қилишимиз мумкин бўлади, аммо иккинчи атама барибир таржиманинг муайян усули (интерлинеар)га ишора қиласди.

Шу тариқа, асл нусха матнидаги у ёки бу тил ҳодисалари таржимасида трансформацияларни ишлатишдан воз кечиши ва шаклий-курилмавий мұқобилликларга мурожаат қилиш таржиманинг интерлинеар усулини қўллаш хисобланади, таржимадаги ҳар қандай типдаги трансформацияларни (лексик, грамматик, стилистик) ва шаклий-курилмавий мұқобилликларни қўллашни инкор этиш таржиманинг трансформацион усулимдан фойдаланиш демақдир. Айни чоғда лексик трансформацион таржима синтактик жиҳатдан интерлинеар, синтактик трансформацион таржима лексик жиҳатдан интерлинеар бўлиши мумкин.

К.Минъяр-Белоручев, бундан ташқари, таржиманинг “белгили” ва “маъновий” деб номланган яна икки турини тилга олади. Тадқиқотчи таржима усууллари категорияларини ажратиш учун «шаклий-белги даражасидаги таржима амалиётлари, яъни бир тил белгиларидан иккинчи тил белгиларига ўтиш ҳамда бир тил белгилари – денотат ёки вазиятдан иккинчи тил белгиларига ўтиш, яъни маъновий даражадаги таржима амалиётлари» ўртасидаги оппозицияга асосланади<sup>32</sup>. Қайд этиш керакки, бундай зиддият И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенсвейг илгари сурган таржима жараёнлари усууллари тасгиfi билан умуман олганда, мос келади. Р.К.Минъяр-Белоручевнинг қайд этишича, таржиманинг биринчи усули вақт жиҳатдан қатъий чегараланганлик мавжуд бўладиган, яъни контекстни тўла қабул қилиш ёки англаш имкони бўлмаган синхрон таржимада яққол кузатилади. Асл матнидаги белгини қабул қилган таржимон хотирасида бир онда (тушунчавий ассотсиациялардан тезроқ) мұқобил (баъзан эса, афсуски, номуқобил) ўзга тил эквивалентни вужудга келади<sup>33</sup>. (Қизиги шундаки, Р.К. Минъяр-Белоручевнинг ўзи И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенсвейгнинг таржиманинг икки усули ҳақидаги консепсиясига танқидий қарайди ва «таржимон ишини уни ўраб турган воқелиқдан ажралган ҳолда тасаввур қилиш қийин», деб

<sup>30</sup> Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). М.: Междунар. отношения, 1975.

<sup>31</sup> Семко С. А. Проблемы общей теории перевода. Таллин: «Вал-гус», 1988. С.144-145.

<sup>32</sup> Минъяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М.: Воениздат, 1980. С.100.

<sup>33</sup> Минъяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М.: Воениздат, 1980. С. 100-102.

кайд этади<sup>34</sup>). Таржиманинг иккинчи усули - маъновий усулда денотатни идентификациялаш, яъни асл матн тили белгилари ўртасидаги семасиологик алоқаларини тушунишни тақозо этади. Бу усулда асл матндаги вазиятни ёки мазмунни англаш зарурати контекстдан ташқарида белгиларни таржима қилиш имконини инкор этади. Таржимон денотатни аниқлагач, жараённинг иккинчи босқичига ўтади: аниқланган денотат ёки вазиятни билдиришга ярайдиган бошқа тил унсури бўлган лексик бирлик ёки нуткий формулани излашга ўтади. Умуман, таржима жараёни қуидаги чизма асосида амалга оширилади: № 1 тил бирлиги— денотат —№ 2 тил бирлиги<sup>35</sup>. Р.К. Миняр-Белоручев қўллаган терминологиянинг уччалик тўғри эмаслиги кузатилади. «знаковый способ перевода» - “таржиманинг белгили усули” деганда, таржимон бу усулни қўллар экан, асл матн маъносига диккат қилмайди, деган фикр уйғониши мумкин. Таржиманинг маъновий усули дейилганда, гўёки таржимон тил белгилари билан иш кўрмайди, деган хулоса ҳам хақиқатга тўғри келмайди.

Турли таснифларда ажратилган таржима усуллари (Л.С. Бархударов таснифида трансформацион/интерлинеар усуллар, Р.К. Миняр-Белоручев таснифидаги белгили ва маъновий усуллар) назарий жиҳатдан олганда умуман олганда бир-бирига мутаносиб келади. Зотан, бунда аниқ бир ўзига хос қонуниятларига эга бўлган ягона фаолият ҳақида сўз кетяпти, улар ўртасидаги фарқ ушбу фаолиятнинг тавсифи усулига алоқадор. Айтиш мумкинки, таржиманинг интерлинеар усули Р.К. Миняр-Белоручев шарҳидаги маъновий усулнинг айнан ўзидир: бу ҳолда ҳар иккала ёндашув муаллифлари асл матн тили белгиларидан таржима тили белгиларига бевосита ўтишни назарда тутади, бунда иккинчи ёндашув асл матн тилига формал-функционал муқобиллик ҳақида сўз кетадики, бу ўз-ўзидан таржиманинг интерлинеарлигини билдиради.

«Таржиманинг трансформацион усули» ва «таржиманинг маъновий усули» тушунчалари ўртасидаги тенглик шундан иборатки, ҳар иккала усулда ҳам асл матнда тасвиirlанган вазият таҳлилини тақозо этади. Улар ўртасидаги фарқ шандаки, биринчи усулда бундай таҳлил имплисит равишда назарда тутилади, иккинчи усулда эса эксплисит шаклда таъкидланади. Дарҳақиқат, таржимоннинг маълум бир тил белгиси ёки бутун ифодани тўлалигича таржима қилиши учун у ёки бу трансформацияни қўллаш бўйича қарори унинг бошқа тилдаги шаклий мқобилни қўллаш орқали айни вазиятни ёки ҳодисани тавсифлашнинг имконсизлигини англаши ётади. Лекин, авваломбор, таржимон асл матнда қандай вазият ёки ҳодиса тавсифланганини тушуниши керак. Яъни таржиманинг трансформацион усули қўлланганида ҳам реал вокеликка мурожаат қилиш даркор.

Ж.-П. Вине ва Ж. Дарбелне қизиқарли концепсияни илгари суришган. Улар таржиманинг икки йўлини – бевосита ва бавосита йўлини таснифлашган. Ушбу йўлларнинг ҳар бири ўз ичидаги таржима усулларига ажратилади. Ж.-П. Вине ва Ж. Дарбелне бевосита таржима усулига ўзлаштириш (транскрипция ва транслитерация), калкалаш ва сўзма-сўз таржималарни киритади, бавосита таржимага — транспозиция (сўз туркумларини ифода маъносини ўзгартирмай алмаштириш), модуляция (нуқтаи назар ёки ёндашувни ўзгартириш орқали ахборотнинг ўзгариши –турланиши (варьирование), эквиваленсия (айни бир вазиятнинг тузилма ва стилистик нуқтаи назардан турли воситалар билан ёритилиши) ва адаптация (бир вазиятнинг бошқаси билан, қайсиdir маънода асл матнда тасвиirlанган вазиятга муқобил бўлган ҳолат билан алмаштирилиши) усулларини киритади, айни пайтда айни бир жумланинг таржимасида таржиманинг турли усуллари ишлатилши мумкин<sup>36</sup>. Ж.-П. Вине ва Ж. Дарбелне “таржима йўли” деб атаган тушунча бизнинг тасаввуримиздаги таржима усулига (таржиманинг бевосита йўли = таржиманинг интерлинеар усули, таржиманинг бавосита йўли = таржиманинг трансформацион усули), “таржима усули” тушунчаси “таржима услуби”га тўғри келади.

Таржима усулини таржиманинг услублари ва методларидан фарқлаш керак.

<sup>34</sup> Ўша асар. С. 100.

<sup>35</sup> Ўша асар. С. 103.

<sup>36</sup> Семко С.А. Проблемы общей теории перевода. Таллинн: «Валгус», 1988. С. 149.

Р.К.Миняр-Белоручевнинг ёзишича, услуг одатда хусусий вазифани адо этади, у таржимоннинг маълум мақсадга йўналтирилган фаолиятида юзага келган қийинчиликни енгиз ўтишга ёрдам беради<sup>37</sup>. Шу тарзда, **таржима услубини** маълум бир муаммони ечишга йўналтирилган ва таржимон томонидан амалшга ошириладиган типик, бир хилдаги ахтти-харакатларини тақозо этувчи таржима амалиёти деб таърифлаш мумкин. Тиллар тизимидағи ва тил бирликларидан фойдаланиш қоидаларидағи тафовутлар таржима жараёнида муайян муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, натижада таржимон таржима трансформациялари деюб номланган таржима услубларини қўллашга мажбур бўлиб қолади. Бундай трансформациялар қаторига кўйидаги лексик трансформацияларни киритиш мумкин: тушунчаларни аниқлаштириш, тушунчаларни генерализациялаш, антономик таржима, мазмуний тараккиёт, компенсация. Грамматик трансформацияларга сўзлар шаклларини ўзгартириш, сўзлар ўрнини ўзгартириш, гап бўлакларини алмаштириш, қўшма гаплардаги синтактик қурилмалар алмашинуви, қўшиш, тушириб қолдириш, гапларни бирлаштириш ва гапларни қайта бўлакларга ажратиш каби услублар киради<sup>38</sup>. Таржиманинг бошқа услублари бошқа типлаги вазифаларни бажариш учун – муқобилсизлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Муқобилсиз лексиканни таржима қилишда транскрипсия ва транслитерация, калкалаш, тавсифий таржима, яқин таржима каби усуллар ишлатилади. Матннинг прагматик адаптация усулларини ҳам таржиманинг услаблари қаторига киритишимиш мумкин. Юкорида лексик трансформация усуллари қаторида саналган услубларни матннинг прагматик адаптацияси услублари сифатида қабул қилишимиш мумкин. Бироқ уларга қўшимча тарзда матнда тушунтиришлар қўлланилиши, иқтибосларнинг келтирилиши, матнни шарҳлаш каби услубларни ҳам қўшишимиш зарур. Таржиманинг алоҳида усуллари ва услублари ўртасида ўзаро муносабат борлигини ҳам эътироф этишимиз керак. С.А.Семконинг ёзишича, таржиманинг услубларини таржиманинг ёки интерлинеар, ёки трансформацион усулларининг аниқ кўриниши сифатида ўрганиш мумкин<sup>39</sup>. Таржиманинг хусусий вазифаларини ҳал қилиш учун ишлатиладиган услублар (таржима матнини таржима тили меъёрлари ва узусига мутаносиб шаклга келтириш, муқобилсизликка баҳам бериш) таржиманинг трансформацион усули билан ўзаро алоқада бўлади, зоро, матнда маълум бир ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Услубларнинг бир қисми таржиманинг интерлинеар услуби доирасида ишлатилади. Бундай услублар қаторига транскрипсия, транслитерация ва калкалаш, шунингдек, сўзма-сўз таржима киради. Матннинг прагматик адаптациясининг бошқа алоҳида услубларини таржиманинг турли усулларига алоқадор бўлиши мумкин. Масалан, матннаги тушунтиришлар матн шаклини ўзгартиради, демак, таржиманинг трансформацион усули кўринишларидан бири сифатида қаралиши керак. Матннаги алоҳида олинган вазиятларда сахифа остига иқтибослар, изоҳлар келтириш интерлинеар таржима ҳисобланади, чунки бу ҳолда матнда асл нусха тилидаги бирликнинг таржима тилида шаклий муқобили келтирилади ва шу сабабли иқтибос, изоҳ шаклидаги тушунтиришларга эҳтиёж сезади.

Таржима назариясида услублар ва усуллардан ташқари, “таржима методлари” тушунчаси ҳам бор. Р.К.Миняр-Белоручевнинг таъкидича, метод таржимоннинг хатти-харакатларини белгилаб берувчи объектив қонуният эмас, балки исноннинг ўз тажрибаси асносида ишлаб чиқадиган ҳаракатлари тизимиdir. Моҳияттан олсак, таржима методи – бу, таржиманинг объектив тарзда мавжуд усулига мослашиб ва онгли равища энг мақбул натижаларни олишга имкон берадиган ҳаракатdir. Р.К.Миняр-Белоручев методни таржима кўринишини ва таржиманинг қонуний равища мавжуд бўлган усулларини ҳияобга олувчи,

<sup>37</sup> Миняр — Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. М: Воениздат, 1980. С. 100.

<sup>38</sup> Бу ҳақда қаранг: См. также: Петрова О. В. Введение в теорию и практику перевода. Н.Новгород: НГЛУ им. Н.А.Добролюбова, 2001.

<sup>39</sup> Семко С. А. Проблемы общей теории перевода. Таллинн: «Валгус», 1988. С. 149.

ўзаро боғлиқ услубларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тизими сифатида таърифлайди.<sup>40</sup>

Р.К.Миняр-Белоручев таржиманинг уч методини ўрганади<sup>41</sup>. Ёзма таржимада матннинг сегментацияси методи ишлатилади. Ушбу методни кўллаш бир неча амалиётларни бажаришни кўзда тутади: ишлов бериладиган матннинг ҳажмини аниқлаш, матнни сегментларга бўлиш, ҳар бир сегментдаги асосий ахборотни ажратиб олиш, маҳусу қисқартмалар ва шартли белгилар орқали сегментлардан олинган ахборотни белгилаш, шартли қисқартмалардан таржима тилидаги ёйик ифодаларга ўтиш ва кўлга киритилган матнни таҳрир қилиш. Матнни сегментациялаш методи ёзма таржима учун кўлланадиган ягона метод эмас, аммо Р.К.Миняра-Белоручевнинг фикрича, бу метод алоҳида лексик бирликлар ёки гаплар билан эмас, балки бутун матн билан ишлашга имкон бериши билан бошқа методлардан ажралиб туради.

Тадрижий таржимада қайд методи кўлланади. Қайд ёки таржимоннинг тез ёзиши маълум бир қоидалар асосида амалга ошади. Улар қаторида оғзаки қабул қилинаётган асл матндаги асосий ёки муҳим ахборотни ажратиш ҳамда шартли белгилар, қисқартмалар, рамзлар орқали ёзib олишни таъкидлаб ўтиш керак. Ёзib олинган қайдлар асосида таржимон таржима матнини яратади. Қайдлар таржимон учун асл матннинг асосий нукталари учун график қобиқ ҳисобланади.

Синхрон таржимада асл матнни трансформациялаш усули бор. Бу усул бирламчи матнни шаклий-белги сатҳида ўгиришга, яъни таржиманинг белгили усулини кўллашга тайёрлади. Р.К.Миняр-Белоручев, зоро, ушбу методни синхрон таржиманинг асосий усули деб ҳисоблаган. Бу методда қуидагилар назарга олинади:

- таржимоннинг онгода шаклланган семантик (мавзуй) тизимга киритилган нутқий бирликларни топишга боғлиқ бўлган лексик трансформациялар;
- таржима тилидаги кенг тарфалган ва содда синтактик курилмаларни эътиборда тутувчи грамматик трансформациялар;
- трансформациянинг барча кўринишларини кўллаш орқали эришиладиган нутқий компрессия (сикув).

Бу каби тайёргарлик амалиётлари таржимонга кейинчалик асл нусха тили бирликлари ва курилмаларидан таржима тилининг бирликлари ва мутаносиб синтактик курилмаларига осонлик билан ўтишига кўмак бериши мумкинлиги назарда тутилади.

Биринчи навбатда, барча юқорида тавсифланган методларнинг ҳар хил эканлигини, ушбу методларда кўлланилидиган таржима кўринишларининг турлича эканлигига боғлиқ равища юзага чиқадиган қонуният сифатида қабул қилиш мумкин. Иккинчидан, бу методнинг иккинчи хусусияти уларнинг мажбурий эмаслиги, ёзма, оғзаки ва синхрон таржималарнинг мазкур методларсиз ҳам амалга ошириш мумкинлигига кузатилади. Фақатгина Тадрижий таржимада қайд этиш методидан фойдаламнислик мумкин эмас, бироқ, шуни унумаслик еаркки, ҳар бир таржимоннинг умумий тамойиллар асосида шаклланадиган ўз маҳсус қайдлар тизими бўлиши зарур. Мазкур ёндашувлар таржиманинг ижодий характеристи ҳар бир таржимон учун индивидуал методларнинг яартилишига олиб келиши мумкин, деган нинг майдонга чиқишига сабаб бўлади. Демак, таржима методларини таржиманинг умумий қоидалари сирасида ўрганиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Таржимани қабул қилиш деб номланган биринчи босқични тўқитиладиган шарқ тили мисолида тавсифланг.
2. Матн рецепцияси деганда нимани тушунасиз?
3. Асл матнни таржима матнида қайта тиклашдан олдинги жумлама-жумла рецепцияси ҳакида маълумот беринг

<sup>40</sup> Миньяр — Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. М.: Воениздат, 1980. С. 155.

<sup>41</sup> Ўша асар. С. 156-193.

4. Иккинчи босқич икки даврдан иборат: кайта ифодалаш ва идентификациялаш. Бу босқичларни тавсифланг.
5. Таржиманинг сўнгти таҳрири масалалари
6. Таржиманинг хусусий назарияси
7. Таржиманинг маҳсус назарияси
8. Тадрижий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари
9. Синхрон таржиманинг тартиби
10. Таржима жараёни моделлари ҳақида нималарни биласиз?
11. Ситуатив (денотатив) модел
12. Таржима жараёнининг семантик модели
13. Трансформацион модел
14. Информатив модел
15. Лисоний муқобиллар назариясини тушунтириб беринг.

**Адабиётлар:**

1. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. -224б.
2. Виноградов В. С. Введение в переводоведение. — М., 2001.
3. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: Курс лекций. М: Изд-во «ЭТС», 1999.
4. Комиссаров В. Н. Слово о переводе (Очерк лингвистического учения о переводе). М.: Междунар. отношения, 1973. С. 186.
5. Латышев Л. К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М., 1988.

## ГЛОССАРИЙ

**Адабий алоқа** – турли халқлар ўртасидаги адабиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик: бадиий асарларнинг бир тилдан иккинчисига таржима қилиниши, бирор миллий адабиёт ёки жаҳон сўз санъати ютуқларининг бошқа халқ (ёки халқлар) томонидан ўзлаштирилиши ва янгича мухитда ривожлантирилиши. Илмий-техника ютуқлари моддий тараққиётта туртки бергани каби, адабий муваффакиятлар, бадиий қашфиётлар ҳам халқларнинг маданий-маънавий юксалишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун нафақат илмий-техник ихтиrolар, балки адабий янгиликлар, бадиият дурдоналари ҳам бошқа халқлар томонидан ўзлаштирилади ва тараққиёт талаби, давр эҳтиёжига кўра ривожлантирилади.

**Адабий таъсир** – адабий алоқа ва бадиий таржима маҳсули бўлиб, муайян давр (масалан, антик давр, Шарқ ва Фарб уйғониш даврлари) ёки халқ (масалан, форс, араб, инглиз, француз, рус) адабиёти, бирор адабий оқим (масалан, романтизм, реализм, модернизм), йўналиш (масалан, маърифатпарварлик), мухит (масалан, Ҳирот (XVI), Қўқон (XIX) адабий мухитлари), анъана (масалан, ҳамсачилик анъанаси), маълум бир ижодкор (масалан, Хайём, Ҳофиз, Навоий, Шекспир, Чехов) таъсир обьекти сифатида майдонга чиқиши мумкин. Ҳар бир ижодкорнинг ўзи адабий таъсир самараси бўлиши баробарида адабий таъсир манбаи ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир ижодкор, ҳоҳласа-ҳоҳламаса, ўзидан олдин ўтган ёки замондош ижод аҳлидан муайян даражада таъсирланади ва, ўз навбатида, ўзидан кейинги қаламкашларга таъсир кўрсатади. Масалан, Саъдий Шерозий форсий шеъриятнинг асосий жанрларидан бирига айлантирган ғазални Ҳожу Кирмоний ривожлантириб, Ҳофиз Шерозий эса уни мўъжиза даражасига олиб чиқиб, ўзидан кейинги нафақат Шарқ, балки Фарб шоирларига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

**Автоматик таржима** – машинавий таржима. Бу кибернетика фанининг қашфиёти бўлиб, математик мантиқ асосида тил материалларини дастурлаштиришга асосланган. Автоматик таржима факат бир маъноли сўzlар ва бир хил грамматик тузилишга эга тиллардан таржимадагина муваффакият келтириш мумкин. Чунки у сўzlарни ўз ўрнида таржима қилиб қўя қолади – кейин улар асосида қайта гап тузиш керак бўлади. Бу иккинчи иш бўлади.

**Адаптация** (лотинча: мослаштириш, соддалаштириш, енгиллаштириш) – адабиётшунослиқда асосан мумтоз адабиёт намуналарининг замонавий ўқувчилар, қўпроқ болаларнинг тушунишини ҳисобга олиб, қисқартирилган ва соддалаштирилган нашри. Асар матнини енгиллаштириш учун унинг мазмунини теран англаш, муаллиф ижодининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш талаб этилади, акс ҳолда, асар бадиияти ва эстетик кимматига птур етказиши мумкин.

Таржимашунослиқда адаптация икки маънода қўлланади: 1) асарни қисқартириб, енгиллаштириб, ўзгартириб, миллийлаштириб таржима қилиш; 2) айrim сўз, тушунча ва терминларни таржима жараёнида ўқувчига мослаштириш.

Таржимашунослик тарихида адаптациянинг бир неча кўринишларига дуч келамиз: 1) асарни қисқартириб таржима қилиш – “Шоҳнома”нинг “Туркий шоҳнома” номи билан ихчамлаштириб ўзбекчалаштирилган назму наср аралаш таржималари; 2) муайян даражада миллийлаштириб таржима қилиш – Гоголнинг “Уйланиш” комедиясининг ўзбекча, Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиасининг урдуча таржималари; 3) йирик шеърий асарларни насрда таржима қилиш – Аттор “Илоҳийнома” достонининг Н.Комилов томонидан насрда амалга оширилган қисқартирилган таржимаси; “Маснавий маънавий”нинг туркча таржимаси; 4) айrim урф-одат ва маросимлар, миллий сўз ва тушунчаларни миллийлаштириб таржима қилиш – ‘Калила ва Димна’нинг хинд урф-одатлари тасвирига бағишланган ўринларининг миллийлаштирилиб, асарда акс этган буддавийлик ақидаларининг исломийлаштириб таржима қилиниши; 5) жаҳон адабиёти дурдоналарини болаларга мослаб, қисқартириб таржима қилиш – “Робинзон Крузо” асарининг қисқартирилган таржимаси.

**Адекват таржима** (лотинча: тенглаштирилган, тенг, мувофиқ, муқобил) – асл нусхага ҳар жиҳатдан мувофиқ, уни тўлиқ акс эттирувчи, унга шакл ва мазмун жиҳатидан мос келувчи, муаллиф услуби сақланиб, асар бадиияти қайта яратилган таржима.

**Академик таржима** – “аслиятни илмий тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилган таржима. Бунда аслиятнинг мазмунигина сақлангани ҳолда, шакли эътибордан четда қолади.

Шеърий асарга хос қофия, туроқ каби ҳодисалар алохиди эътибор билан тикланмайди. Таржимавий матн аслиятнинг тагламасига ўхшашиги сабабли китобхонга бадиий таржимадек тўлақонли эстетик завқ баҳш эта олмайди. Бундай таржимада аслиятнинг мазмуни тўла тикланса-да, унинг шакли, баён услуби, оҳангдорлиги, бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида ҳосил қилинадиган образлилиги, ҳиссий таъсирчанлиги йўқолади” (К.Мусаев).

**Аналогия** (юононча – ўхшашиқ, мушгараклик) – адабиётшунослиқ, хусусан, қиёсий адабиётшуносликнинг асосий категорияларидан бўлиб, таржимашуносликда у муайян тушунчани таржимада муқобили билан бериш, ўхшаши билан ифодалаш маъносида қўлланади. Аналогия усули “яқин таржима” деб ҳам аталади. Лекин бу термин миллий хос сўзларни барча маънолари билан тўлиқ ифодаламайди, у ёки бу нарсага ўхшашигини кўрсатади, холос. Масалан, Ойбекнинг “Навоий” романи русча таржимасида “шолча” – “палаас”, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романи ўзбекча таржимасида “рождество” – “йилбоши” деб олинган. Бунда сўзларнинг маъноси умуман тўғри берилган бўлса-да, миллий-тарихий колорит йўқолган.

**Антиномия** (юононча: анти – зид, номос – қонун) – зиддиятлар ҳақидаги қонун ёки бошқача айтганда, зиддиятли қонуниятлар. Таржимашуносликда ҳам бир қатор ўзаро зид, бир-бирини инкор этадиган қонуниятлар мавжуд: таржима назарияси тилшунослик асосига қурилиши керак – таржимашунослик адабиётшунослик асосига қурилиши керак; асар хижжалаб, сўзма-сўз ўтирилиши керак – асар эркин ижодий таржима қилиниши керак; таржима жараёнида асарни миллийлаштириш лозим – таржимада асарда тасвирланган миллий хусусиятларни айнан акс эттириш зарур; таржима аслиятдай ўқилсин – таржиманинг таржималиги билиниб турсин; таржима муаллифнинг услубини акс эттирсин – таржима мутаржимнинг услубини акс эттирсин ва ҳоказо.

Бадиий таржиманинг антиномияларидан яна бири шундаки, таржимон матнга қанчалик ёпишиб олса, уни сўзма-сўз таржима қилишга уринса, аслиятдан шунчалик узоқлашади, аксинча, матндан бир қадар чекиниб, унга ижодий ёндашса, муаллифнинг сўзини эмас, фикрини уқишига, асарнинг зоҳирий маъносини эмас, балки ботиний мазмунини акс эттиришга интилса, аслиятга шунчалик яқинлашади, гўзал ва мукаммал таржима яратади.

**Антонимик таржима** – шакли бир-бирига зид, аммо маънолари монанд бўлган бирикмалар. Масалан, рус тилида “нима бўлса, шу бўлсин”, “менинг парвойимга келмайди” деган маънода “хоть трава не расти” деган фразеологик бутунлик ишлатилади. Буни “менга деса, ўт ўсмасин” деб таржима қилса, ўзбекчада қойилмақом чиқмайди. Шунинг учун “менга деса, ғовлаб кетсин!” деб ўтирилади. Ёки рус ва тожик тилларида бир қўлдан садо чиқмайди мазмунидаги “Одной рукой в ладоши не хлопнешь” ҳамда “Як даст бесадо аст” мақоллари ўзбек тилига “Карс икки қўлдан чиқади” эквиваленти билан алмаштирилади ва ҳоказо.

**Анъана** – авлоддан-авлодга ўтиб келадиган моддий ва маънавий қадриятлар. Миллий, маданий, майший, адабий ва бошқа анъаналар мавжуд. Бирор-бир соҳа муайян анъаналардан холи эмас. Жумладан, бадиий таржима ҳам ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга. Масалан, у ёки бу адабиётдан, тилдан, адаб ижодидан ўтириш анъанаси; тажимага турлича ёндашув анъанаси; таржима жараёнида ҳар хил усул ва қоидаларни қўллаш анъанаси; ҳар турли принциплар асосида таржима қилиш анъаналари; миллий сўзлар, тушунчалар, ибораларни таржима қилиш анъанаси ва бошқалар.

**Аслиятдан ошириб таржима қилиш** – бадиий таржима амалиётида гоҳ-гоҳ учраб турадиган, асосан кичик ҳажмдаги асарларга, катта асарларнинг эса муайян қисмига оид таржима ходисаси. Албатта, энг мукаммал таржима ҳам аслиятнинг ўрнини босолмайди. Лекин инкорни инкор қонуни бадиий таржима соҳасида ҳам учрайди – баъзида аслият билан ракобат қиласа даражада мукаммал, ҳатто қайсиидир жиҳатдан ундан устун таржималарга ҳам дуч келамиз. Унинг объектив ва субъектив сабаблари бўлади.

**Бадиий санъатлар таржимаси** – бадиий санъатлар шеър отлиғ бинонинг зебу зийнатлари хисобланади. Образлилиқдан холи шеърнинг оддий гапдан фарқи йўқ. Шунинг учун шоирлар

ўз шеърларига турли-туман бадиий тасвир воситалари билан сайқал бериб, уларнинг поэтик гўзалиги ва таъсирчанлигини оширадилар. Хусусан, Шарқ мумтоз шеъриятида бадиий санъатлардан холи шеър тугул, байт ёки мисрани ҳам учратиш мушкул.

**Бадиий таржима** – бадиий асарлар – насрый, шеърий, драматик асарлар таржимаси. Тилдан муқобил воситалар излаб топиш ва танлаш хусусиятига эгалиги жихатидан хар қандай таржима ижодий характер касб этади, лекин тилнинг ифодавийлиги билан чамбарчас боғлиқлиги ва бадиият қонуниятларига бўйсуниши туфайли бадиий таржима санъат хисобланади. Шунинг учун бадиий таржима тил билган хар қандай мутахассис шуғулланиб кетаверадиган соҳа эмас, унга шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар ва бадиий табъдан бобаҳра кишиларгина қўл урадилар.

“Бадиий таржиманинг хусусияти бадиий адабиёт хусусиятидан келиб чиқади. Бадиий асарда образлилик асосий роль ўйнаганидай, уни бошқа тилларга ўтирганда ҳам асарнинг ана шу хусусиятига жиддий эътибор талаб этилади. Бинобарин, сиёсий ва, хусусан, илмий адабиётлар таржимасида фикр аниқ далиллар асосида ва аниқ шаклда баён қилинса, бадиий асарда воқеалар образлар ва бадиий воситалар орқали тасвир этилади.

Образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик, тасвир ва тасвирийлик бадиий адабиётнинг бош хусусияти бўлгани сингари, бундай адабий-эстетик унсурларни бадиий таржимада мукаммал акс эттириш таржимон олдида турган асосий вазифалардан биридир” (F.Саломов).

**Бадиий таржима принциплари** – соҳанинг асосий конун-қоидалари, таржимон олдига қўядиган шарт ва талаблари. Уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) таржима хар жихатдан асл нусхага мос бўлиши; 2) уни ижодий акс эттириши; 3) миллий шакли ва руҳини сақлаши; 4) муаллиф услубини қайта яратиши; 5) асарнинг нафақат ғоявий мазмуни, балки эстетик маъносини ҳам тиклаши; 6) таржимон нафақат тил билиши, айни пайтда таржима қилиш истеъодига ҳам эга бўлиши керак ва хоказо.

Бундан ташқари, хар бир тур, ҳар бир жанр таржимасининг ўзига хос принциплари мавжуд. Айтайлик, эпик тур таржимасидаги қўпсўзлиликка драматик асарлар таржимасида йўл қўйиб бўлмайди. Бунда ҳар бир сўзнинг аниқ, лўнда, таъсирчан бўлиши керак. Ёки алла ҳарбий марш, марсия ёр-ёр оҳангига ва улубида таржима қилинмайди.

**Бадиий услуг** – бадиий адабиёт, бадиий асарларга хос услуг бўлиб, унда бадиийлик, ифодавийлик, таъсирчанлик кучли бўлади. Бадиий услугда мавзуу ва услуг жихатидан чегараланиш йўқ. Шунинг учун у “аралаш услуг” ҳам дейилади. Чунки унда бадиий услугдан ташқари, қаҳрамонлар нутқида сўзлашув услуги, асарнинг мавзуига қараб, илмий, публицистик ва расмий услуглардан ҳам ўрни-ўрни билан фойдаланилади. Масалан, янги пахта нави яратиши масаласига бағишенгандан У.Усмоновнинг “Гирдоб” романидаги олимлар баҳсу мунозарасида илмий услугдан самарали истифода этилган. Долзарб мавзулардаги замонавий асарларда эса қўпинча публицистик услуг бўртиб намоён бўлади. Ўтиш даври муаммолари бадиий талқинига бағишенгандан У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи бунинг ёрқин мисоли хисобланади.

Маълумки, ҳар бир ёзувчининг ўз услуги бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир асар ҳам ўзига хос услугда ёзилади. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи романтик, “Обид кетмон” повести реалистик, “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан”, Тошпўлат тажанг нима дейди” фельетонлар туркуми ҳажвий услугда яратилган.

**Бевосита таржима** – бир тилдаги асарнинг иккинчи тилга тўғридан-тўғри аслиятдан ўтирилиши. Бу – энг тўғри ва мақбул йўл бўлса-да, барча тиллардан бевосита таржима қилиш имконияти ҳамиша ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун воситачи тил хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Бизда асрлар давомида форс ва араб тилларидан бевосита таржима қилиб келинганд. XX асрда рус тилидан бевосита таржима қилиш кучайди. Шунингдек, инглиз, немис, француз, испан тилларидан тажриба қилиб қўрилди, турк, татар, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпок каби яқин тиллардан қатор таржималар амалга оширилди.

Мустақиллик бевосита таржималар учун кенг имкониятлар очди. Ҳозирги кунда инглиз,

немис, француз каби Фарб, хинд, япон, корейс, хитой, афгон, урду, малай, индонез каби Шарқ тилларидан бевосита таржима қиласынан мутахассислар етишиб чиқмоқда.

**Билвосита таржима** – бир тилдаги асарни иккинчи тилге воситачи тил орқали таржима қилиш. Билвосита таржиманинг икки шакли мавжуд:

- муайян асарни унинг бошқа тилдаги таржимаси орқали таржима қилиш;
- тил билмайдиган таржимон учун маҳсус тайёрлаб бериладиган таглама асосида ўтириш.

Мустақилликкача бизда таржима асарларининг 95 фоизини рус тилидан амалга ошириладиган таржималар ташкил этиб, Фарб тиллари ва иттифоқдош республикалар адабиётидан намуналар ҳам ана шу байнамилад тил воситасида ўзбекчалаштирилган. Иш шу даражага бориб етганки, баъзида ҳатто қардош туркий халқлар адабиёти дурдоналари ҳам рус тили орқали ўтирилган. Жумладан, турк адиллари Ўрхон Камолнинг “Эл қизи”, Нозим Ҳикматнинг “Сурур”, татар ёзувчиси Абдураҳмон Абдусаломовнинг “Олтин ўлдуз” романлари рус тили воситасида ўзбекчалаштирилган. Бундай тажрибани эса оқлаб бўлмайди. Истиқлол даврида бу номақбул йўлдан секин-аста воз кечилиб, Шарқ ва Фарб тилларидан бевосита таржима қилиш анъанаси қарор топмоқда.

**Билингвизм** (лотинча: бу – икки, лингвия – тил) – икки тиллилик, зуллисонайнлик. Икки тилни биладиган кишига нисбатан қўлланган бу атама кейинчалик икки тилда ижод қилиш маъносини ҳам билдирадиган бўлди. **Грамматик таржима** – тил ўрганишнинг дастлабки босқичида кузатиладиган сўз ва сўз бирикмаларининг услубий маъносига эмас, грамматик шаклига эътибор қаратиб, отни от, сифатни сифат, сонни сон... тарзида таржима қилишга уриниш. Бу принцип кўпда ўзини оқламайди.

**Ёзувчи услуби** – муаллифнинг бадиий характер яратишдаги ўзига хос тили, тасвир усули. Ҳар бир ёзувчининг ўз услуби бўлади. Масалан, А.П.Чехов услуби қисқалик, лўндалик, аниқлик, соддаликдан иборат бўлиб, воқеликнинг энг муҳим нуктасини қаламга олса, Л.Н.Толстой услуби, аксинча, узун ва мураккаб жумлалар тузищ, воқеликни бутун тафсилотлари билан тасвирлашга асосланади. Ҳар бир ёзувчи услубининг ана шундай ўзига хосликларини таржимада ҳам албатта акс эттириш шарт. **Ижодий аниқлик** – аслиятнинг асосий фазилатларини қайта яратишга хизмат қиласынан, асарнинг таржима тилида бадиий баркамол бўлиб чиқишини таъминлайдиган ижодий маънодаги эркинлик. Бунинг натижасида муаллифнинг ўзига хос маҳорати, асарнинг жозибаси, ички руҳи сақланади.

**Ижодий таржима** – асл нусхага ижодий муносабатда бўлиш орқали унинг ғоявий мазмуни, шаклий жиҳатлари, услуби, жарангини янги тилда қайта тиклаш. Моҳиятан бадиий таржима ижодий ёндашувни тақозо этади. Аслиятуга ижодий муносабатда бўлмай туриб унга мувофиқ таржима яратиб бўлмайди. Ижодий таржима орқали ўқувчига манзур бўладиган сўз санъати дурдонаси яратилади.

**Ижтимоий-сиёсий матнлар таржимаси** – бундай матнлар таржимасида матнни тушунарли ва лўнда ифодалаш, публицистик рух ва услубий бўёқдорликни қайта яратиш, шунингдек, матбуот органининг спецификасидан келиб чиқилган ҳолда унда кўп ишлатиладиган атамалар, номлар, қисқартмалар **бир хиллигига** риоя қилиш керак бўлади. Жумладан, мамлакатларнинг номлари, партияларнинг номлари, ахборот агентликларининг номлари, халқаро ташкилотларнинг номларида ҳар хилликларга йўл қўйиб бўлмайди. Масалан: “республика” сўзини “жумхурият”га айлантириб қўймаслик керак. Шунингдек, Халқ демократик республикаси билан шунчаки республиканинг ҳам фарқи бор.

**Изоҳли таржима** – ўқувчига тушунарли бўлсин учун таржимада баъзи сўз ва тушунчаларни изоҳлаб кетиши. Аслият ўқувчисига шундогам тушунарли бўлган сўз, тушунча ёки ташбех таржима ўқувчисига етарли даражада тушунарли бўлмаслиги мумкин. **Илмий услугуб** – мантиқлилик, аниқлик, илмий атамаларнинг кенг қўлланишига асосланган услуб. Бу услубда таърифлаб бериш, таҳлил қилиш, сабабини аниқлаб исботлаш ва натижаларни баён этишиб асосий ўринни эгаллайди. Бунда сўзлашув услуби унсурлари, тасвир деярли учрамайди, балки маҳсус терминлар, ўз асл маъносидаги сўзлар, бир маъноли сўзлар етакчилик қиласи. Мураккаб синтаксик конструкциялар кўп бўлади. Барча илмий асарлар, жумладан, дарслик ва қўлланмалар ҳам шу услубда ёзилади.

**Илмий-оммабоп услуг** – кенг жамоатчиликка хавола қилинадиган илмий мақола, маъруза ва рисолалар услуби. Бунда илмий натижалар ва маълумотлар барча тушунадиган тилда соддалашибириб баён қилинади – маҳсус терминлар ҳам иштатилади, иштатилганда ҳам изоҳлар орқали тушунтирилади. Бу услугда образлилик – тасвир ҳам бўлади.

**Индентификация** (лотинча: айнанлаштироқ, тенглаштироқ) – таржима жараёни босқичларидан бири. “Бу таржима тилида аслиятнинг ғоявий-бадиий мазмуни, функционал-услубий, маъно жиҳатидан тенг бўлишини таъминлашга йўналтирилган сайқал бериш ва тахрир жараёнидир. Мазкур босқичда таржима қилинаётган ибора ва бирикмалар, жумла ва бўлаклар жиддий таҳлил қилинади, уларнинг эквивалентлик даражалари қиёсланади. Айни шу жараёнда таржиманинг мураккаб ижодий жараён сифатидаги бутун борлиғи намоён бўлади. Фразеологизмлар таҳлилида тўғри ёндашув, сўз ўйинларини фарқлай олиш, реалийларни аниқ узата билиш, маънавий билимлардан оқилона фойдаланиш таржимондан муайян қобилият ва тажриба талаб қиласи” (Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова).

**Индивидуал услуг** – ёзувчининг бутун ижодига хос асосий услугий унсурлар мажмуи. F.Саломовнинг шеърий таржималар таҳлили мисолида ёзишича: “Индивидуал услугни акс эттириш – шоирнинг ўзига хос санъаткорлигини, кўйчи сифатидаги овозини, дунёни бадиий идрок этиш қобилияти, тасвир тарзини, хуллас, уни адабиёт оламида янги воқелик сифатида танитган асосий услугий унсурларни сақлаб қолиш демак. Киритилган ўзгаришлар, эркинликлар, “курбонликлар” муаллиф услугига қай йўсинда таъсир этади – ҳамма гап ана шунда. Таржимада шоир услугбини бериш китобхон учун янги бадиият олами, янги ижодкор қашф этишдир. Бунинг учун таржимани бошлашдан аввал шоирнинг ижод оламига чуқур кириб бориш, унинг қалб тепишини, асарларига хос хусусиятларни аниқ хис қилиш лозим. Бундан ташқари, ҳар бир конкрет шеърнинг маъно-мазмуни, бадиий латофати назардан четда қолмаслиги керак. Агар таржимон муаллифни *индивидуал ижодкор сифатида ўз китобхонига таништиришни ният қилган бўлса*, унинг изланишлари, ижодий олами қутлуғ бўлади. Лисоний узоклашишлар аниқлик томон етаклайди, берилган қурбонликлар ўрнини эришилган натижа қоплайди. Башарти, таржимон бошдан услугни эътиборга олмасдан иш тутса, ёинки муаллиф ўрнига ўзини қўйиб тақдим этмоқчи бўлса, асарга ўз ғоялари, истакларини баён этиш ўйлида бир ёрдамчи восита деб қараса, бу бадном бўлган эркинлика олиб келиши муқаррар”.

**Интерпретация** (лотинча: тушунтириш) – шарҳлаш, изоҳлаш, талқин қилиш, тушунтириб бериш, очиш. Бошқа тилдаги айрим бирикмаларни агар ўзидай олинадиган бўлса, бундай таржимадан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Шунинг учун ўзбекча бирикма мантиқан табиий шаклда берилиши керак. Бундай ҳолларда шаклий жиҳатдан аслиятда бўлмаган айрим сўзлар таржимада “қўшилди”. Аслида эса “қўшилган” нарсанинг ўрни шаклан оригиналда бўлмаса ҳам, мазмунан биз уни бор деб биламиз. Масалан, М.Горькийнинг “Человек – это звучит гордо” деган ҳикматли сўзини “Одам мағрур жаранглар” деб сўзма-сўз таржима қилинса, ғализ ва мавҳум бўлиб, ундан бирор маъно чиқмайди. Агарда унга битта сўз қўшиб, “Инсон сўзи мағрур жаранглайди” десақ, ҳаммаси жойига тушади.

**Калькаламок** (французча: нусха олиш, тақлид қилиш) – бошқа тил луғавий бирлигидан она тили воситалари билан сўзма-сўз таржима қилиш орқали ёки унга тақлидан ясалган сўз ёки ибора. **Кино таржимаси** – кинофильмларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ижодий ва техникавий жараёнидир. Ўгириш ишида киностудиянинг монтаж. овоз, фильмни қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади. Ўгирма (дубляж) гуруҳи ташкил этилади. Бу гурухга режиссёр, овоз оператори ва монтажчилар киради. Ўгирилаётган фильмга овоз берадиган актёрлар, таржимон ва жойловчи (укладчик)лар шу гуруҳда иш олиб борадилар. Киностудиянинг ишлаб чиқариш бўлими фильмни таржима қилиш учун ўгирма гуруҳи (дубляж гуруҳи)ни ташкил қиласи. Сценарий бўлими ўгирма гурухга мухаррир тайинлайди.

**Компенсация** (лотинча: товоң, бадал, ўрнини қоплаш) – таржимоннинг таржима жараёнида қурбон берилган бир тилга хос бўлиб, иккинчи тилга қўчириш қийин бўлган қўп маъноли сўз, ибора ёки бадиий санъатларнинг ўрнини бошқа бирор восита билан тўлдиришга уриниши,

бошқача айтганда, товон тўлаши. **Медиум** (лотинча: ўрта, восита) – воситачи тил орқали таржима қилиш. **Миллийлик** – ҳар бир миллатнинг бошқалардан ажралиб турадиган, ўзигагина хос хусусиятлари мажмуи. Уларни у ёки бу миллатнинг маънавий фаолияти ва моддий хаётидаги ўзига хосликлар деб, иккига ажратиб қарашиб мумкин.

**Миллий колорит** – бадиий асарда акс этган у ёки бу халқча хос хусусиятлар мажмуи. **Хиллий колоритнинг таркибий қисмлари** – таржима жараёнида таржимонга жиддий қийинчилик туғдирадиган миллийлик хусусиятлари. **Миллий характер** – маълум моддий асосда яратилиб, муайян ҳаёт шароитининг инъикоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам образнинг миллий характерини ўша миллатнинг ҳастини, миллий тарихини, ўзига хослигини, миллий, маданий ва адабий анъаналарини ўрганиш орқали тўғри тушуниш мумкин.

**Қайта таржима** – муайян асарнинг бир тилдаги иккинчи, учинчи ва ҳоказо таржимаси. Масалан, Саъдийнинг “Тулистон” асари ўзбек тилига тўрт марта, А.С. Пушкиннинг “Ҳайкал” шеъри олти марта таржима қилинган ва ҳоказо.

**Қиёсий услубшунослик** – филологиянинг турли тиллардаги услугбий ҳодисаларни қиёслаб ўрганиш соҳаси. Қиёсий услубшунослик ўз тадқиқотларини таржима назарияси илмий қоидалари билан узвий боғлиқликда олиб боради. Қиёсий услубшунослик бадиий таржима учун лисоний асос ҳисобланади. Қиёсий услубшунослик ўрганадиган услугбий ҳодисалар қуидагилар ҳисобланади: 1) муайян давр учун барқарорлашган услугбий меъёрлар; 2) адабий тил тузилиши; 3) адабий тилнинг ишлатилиш соҳалари; 4) тил материалидан фойдаланиш усуллари.

**Қиёсий усул** – таржима сифатини аниқлашнинг асосий воситаси. Ҳар қандай таржимага аслиятга қиёсан баҳо берилади.

**Хижжавий таржима** – турли-туман тилларнинг сўзлари ўртасидаги нуқул ташки, шаклий ўхшашликка асосланган механик таржима. Бу таржима соҳасидаги шаклбозлик бўлиб, унга йўл қўйиб бўлмайди.